VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O‘ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

16 (25) 2009 йил 29 апрель, чоршанба • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси e-mail: milliyt@sarkor.uz



Ёшларни иш билан таъминлаш

борасида амалий иш қилишга интилаяпмиз,- дейди ЎзМТДП Янгиариқ туман кенгаши Ижроия қўмитаси мутахассиси Фаррух Юсупов

→ 2-бет



Амалий қўлланма

Жамиятни янгилаш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ва ислоҳ этиш жараёни қишлоқларимизнинг тараққиёти ва фаровонлигини таъминлаш билан узвий боғлиқдир.

→ 4-бет



Тикланиш учун ҳамкорлик муҳим

Халқаро экспертлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан чиқиши учун БРҲҲ давлатларининг тутган ўрнини юқори баҳолашмоқда

→ 7-бет

МТ

БУГУНГИ СОНДА:

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ 2-бет
Инқирозга қарши чоралар дастури
Аъзолар сони кўпаймоқда
ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА 3-бет
Ёш мусаввирлар одам савдосига қарши
Самарали мулоқот
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ 4-бет
Ўзбекистон тажрибаси
Қонунларни такомиллаштириш
ИҚТИСОДИЁТ ВА ҲУҚУҚ 5-бет
Банк ва мижоз
Мудҳиш қилмиш
«Андижон» гўзал ва обод гўшага айланади
МАЪНАВИЯТ 6-бет
Маънавий камолот
Тайёргарлик давом этмоқда
ХАЛҚАРО ҲАЁТ 7-бет
Гватемала
Дунёдан дараклар
ЖАРАЁН 8-бет
Бирлашган ўзар
Турфа олам

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН



Тошкент – миллат қиёфаси

ЎзМТДП тадбирларида пойтахтимизнинг 2200 йиллигини муносиб кутиб олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда

Қадимдан илм-фан ва маданият маркази бўлиб келаётган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини унинг нуфузи ва мавқеига муносиб равишда нишонлаш, дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада ошириш, халқимиз, айниқса, ёшларимиз қалбида Ватанга бўлган муҳаббат ва садоқат туйғусини кучайтириш мақсадида амалга оширилаётган ишлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда.

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Тошкент, Ўзбекистон

Муҳтарам Президент жаноблари!

Жаноб Шигео Кацунинг яқинда Ўзбекистонга ташрифи давомида Жаҳон банки делегацияси билан ўтказган самарали мулоқотингиз, шунингдек, 2009 йил 3 март куни йўллаган мактубингиз учун Сизга миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Жаҳон банки гуруҳи сув-энергетика тармоғи Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиёти ва аҳолиси учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга эканини эътироф этади. Минтақадаги узоқ муддатли барқарорлик ва истиқболда Марказий Осиёдаги барча мамлакатларнинг иқтисодий юксалиши кўп жиҳатдан минтақавий ҳамкорлик муваффақиятига ҳамда барча миллий стратегик манфаатларнинг ҳурмат қилинишига боғлиқдир.

Марказий Осиё мамлакатлари ҳукуматлари, шу жумладан, Ўзбекистон ҳукумати мурожаатига жавобан, Жаҳон банки гуруҳи Марказий Осиёнинг беш мамлакати билан сув-энергетика масалалари юзасидан фаол музокара олиб бормоқда. Жаҳон банки гуруҳи БМТ Бош ассамблеясининг 2008 йил 19 декабрда қабул қилинган "Энергия манбаларининг ишончли ва узлуксиз транзити ҳамда унинг барқарор ривожланиш ва халқаро ҳамкорликни таъминлашдаги роли" резолюциясига тўла мос равишда фаолият юритиб, барча аъзо мамлакатларнинг олий манфаатлари йўлида саъй-ҳаракат қилмоқда, ўз қоида ва процедуралари қўлланишига ғоят катта эътибор қаратмоқда.

Жаҳон банки гуруҳи сўнгги йиллар мобайнида Марказий Осиёдаги сув ва энергетика билан боғлиқ бир қанча лойиҳаларни амалга оширишда, бу борада тадқиқотлар олиб боришда иштирок этди. Бу лойиҳа ва тадқиқотлар Марказий Осиёдаги минтақавий иқтисодий ҳамкорлик доирасида Энергетика бўйича стратегик концепция ишлаб чиқиш имконини берди. Мазкур концепция 2008 йил ноябрда Бокуда ўтказилган вазирлар даражасидаги конференция чоғида барча мамлакатлар томонидан маъқулланди. Жаҳон банки гуруҳи ушбу концепцияга асосланган ҳолда, минтақадаги аниқланган ва келгусида аниқланадиган энергия ресурслари, жумладан, сув ва иссиқлик энергетикаси ресурслари, қайта тикланадиган ва бошқа энергия манбаларининг ҳажмини белгилаб олиш жуда муҳим, деб ҳисоблайди. Шу асосда трансчегаравий дарёларнинг юқори қисмида жойлашган мамлакатларнинг қишки мавсумда энергияга муқаррар эҳтиёжи, трансчегаравий дарёларнинг қуйи қисмида жойлашган мамлакатларнинг ёз мавсумида экологик ва гидрологик эҳтиёжларига тегишли равишда эътибор қаратилишини ҳамда улар ўртасида мувозанат сақланишини таъминлайдиган бир қатор изчил чора-тадбирларни таклиф қилмоқчи эдик.

Тожикистон ҳукумати таклиф этган Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳаси юзасидан қуйидагиларни баён этишга ижозат бергайсиз. Банк бу қурилишнинг минтақага салбий таъсир кўрсатадиган оқибатларини баҳолашга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, Тожикистон ҳукумати олдида фақат дастлаб лойиҳани қай даражада амалга ошириш мумкинлигини аниқлаш учун бирламчи тадқиқотларни ўтказиш мажбуриятини зиммасига олди.

Ушбу тадқиқотлар давомида трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланишга оид халқаро битимларга мувофиқ, таклиф этилган лойиҳанинг техник, иқтисодий ва молиявий жиҳатдан нечоғли мақсадга мувофиқ экани, шунингдек, қурилиш келтириши мумкин бўлган экологик ва ижтимоий оқибатлар аниқланади.

Шу маънода, Сизнинг минтақадаги экологик мувозанат заифлиги, бирор давлатнинг гидроэнергетика соҳасидаги имкониятлари ишга солинса, бу трансчегаравий дарёларнинг қуйи қисмида жойлашган давлатларда сув оқими камайишига олиб келмаслигини узил-кесил таъминлаш зарур экани, шунингдек, янги иншоотларни лойиҳалаштиришда улар барпо этиладиган ҳудудларнинг сейсмик хавфсизлигини инобатга олиш лозимлиги тўғрисидаги фикрларингизни тўла қўллаб-қувватлайман.

Бу омилларнинг барчаси, шубҳасиз, муҳим аҳамиятга эга. Кацу жаноблари, Жаҳон банки гуруҳи ушбу масалалар техник тадқиқотларнинг ажралмас қисми сифатида жуда пухта ўрганиб чиқилишини кафолатлайди, деб Сизни ишонтириб айтган эди. Мен ҳам буни алоҳида таъкидламоқчиман. Қўшимча равишда шуни айтишим керакки, ушбу тадқиқотларнинг натижалари барча манфаатдор мамлакатларга тақдим этилади ва бу каби иншоотлар қурилиши борасида умумий, ўзаро мос нуқтаи назар ва ёндашувларни шакллантириш учун муҳокама этилади.

Сиз кўтарган барча масалалар ушбу тадқиқотларнинг техник вазифалари сирасига киритилади. Тадқиқотларни Жаҳон банкининг тартиб-қоидаларига мос равишда жалб қилинадиган, халқаро миқёсда эътироф этилган консалтинг компаниялари олиб боради.

Бизнинг ички тартиб-қоидаларга мувофиқ, банк тадқиқот натижалари бўйича мустақил хулоса берадиган Халқаро мустақил экспертлар комиссиясини таъсис этади. Жаҳон банки ошкораликни ҳамда барча манфаатдор томонларни ташвишга солаётган масалалар эътиборга олинишини таъминлаш мақсадида 2009-2010 йиллар мобайнида барча манфаатдор мамлакатлар билан маслаҳатлашувларни давом эттиради, тадқиқотларнинг натижалари тайёр бўла боргани сари Халқаро мустақил экспертлар комиссияси, шунингдек, манфаатдор мамлакатлар томонидан кўриб чиқилаверади.

Томонларнинг барчаси ўзини ташвишга солаётган масалалар тўлиқ ҳал этилганига ишонч ҳосил қилиб, Роғун ГЭСи каби лойиҳаларга сармоя киритиш мақсадга мувофиқ ва фойдали эканини маъқулласа, Ўзбекистоннинг бундай инвестицион лойиҳаларда иштирок этишга қизиқиш билдиришидан мен мамнун бўлур эдим.

Сизнинг мактубингизда таъкидланганидек, Марказий Осиёнинг энергия экспорти борасидаги салоҳиятини ривожлантириш учун кўплаб имкониятлар мавжуд. Бизнинг мақсадимиз минтақага сармоя барқарор ва изчил кириб бориши учун масаланинг техник, молиявий ва экологик жиҳатларини кўриб чиқиш юзасидан Марказий Осиё мамлакатлари ҳукуматлари билан ҳамкорлик қилишдан иборатдир. Шунингдек, Сиз билан Ўзбекистонга қўшни мамлакатларнинг энергетика соҳасида дуч келаётган қисқа муддатли, лекин мураккаб муаммоларини ҳал этиш бўйича ёндашувларни муҳокама этишни истар эдик.

Биз истиқболда Ўзбекистон билан ҳамкорликни давом эттиришдан ғоят манфаатдормиз.

Эҳтиром ила,

Роберт ЗЕЛЛИК,
Жаҳон банки президенти
2009 йил 15 апрель

ВАТАН МАНЗАРАЛАРИ

Бирлашган ўзар

янгиариқликлар барча соҳада халқимизнинг ана шундай нақлига амал қилишмоқда

Сайёра ҲАЙИТБОЙ қизи,
"Milliy tiklanish" мухбири



МУҚАДДИМА

Янгиариқ маъмурий ҳудудий тузилиши бўйича 8 та фуқаролар йиғинига бўлинган. У ўз ичига 46 та маҳаллани қамраб олган.

Археологик топилмалар ушбу ҳудудда бундан 2500-3000 йиллар муқаддам ҳам аҳоли яшаганлигини тасдиқлайди. Машҳур тарихчи Муниснинг "Фирдавсул Иқбол" асарида ёзилишича Оқмачит (Чиқинчи) ва Остона Хоразмнинг қадимий ва бой шаҳарларидан саналган. Чингизхон босқини натижасида вайрон қилинган.

Тумандаги айрим қишлоқлар IX-X асрларда Хоразмга ташриф буюрган Ёқут ал-Ҳамавий, Истарий сафарномаларида ҳам тилга олинган. Янгиариқ атамаси нисбатан ёш.

(Давоми 8-бетда)

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

Кенгаш пленуми

кун тартибида ташкилий масалалар кўрилди

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг III пленуми бўлиб ўтди. Унда ЎзМТДП туман ва шаҳар кенгашлари Ижроия қўмиталари аъзолари, партиядан шаҳар ва туман кенгашларига сайланган депутатлар, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Пленумда ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши ҳамда Ижроия қўмитасининг таркибига ўзгартириш киритиш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Йиғилиш сўнгида кўрилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Илья ДИЛЬМАНОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ALOQABANK – ЮКСАКЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

МУЛОҚОТ

Ёшларни иш билан таъминлаш

борасида амалий иш қилишга интилаяпмиз,- дейди ЎзМТДП Янгиариқ туман кенгаши Ижроия қўмитаси мутахассиси Фаррух Юсупов

Рўзибой МАТКАРИМОВ, суҳбатлашди

— Партиянинг вилоят кенгашида бўлиб ўтган йиғилишларининг бирида гап ёшларни иш билан таъминлаш масалаларига бориб тақалганда, сиз бу соҳада бизнинг ўз услубимиз бор, дея фикр билдирган эдингиз. Шу ҳақда батафсилроқ билишни истардик.

— Пахта тозалаш заводини ҳисобга олмаганда туманда бошқа бирон йирик саноат корхонаси йўқ. Аҳолининг катта қисми деҳқончилик билан банд. Кейинги йилларда тез-тез такрорланаётган сув танқислиги бу тармоқ тақдирига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Ҳосил битмаса, даромад ҳам йўқ. Шунда биз иложи борича кўпроқ кичик корхоналар ташкил этиш керак, деган хулосага келдик. Шу йўналишда тарғибот ишларини кучайтирдик.

— Аниқ мисолларга мурожаат қилсангиз.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда ҳукуматининг тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, ривожлантиришга қаратилган фармон ва қарорларини тарғиб қилиш мақсадида ҳар ойда икки марта ўтказиладиган давра суҳбатларидан бирига Янгиариқ "Ғишт таъминот" масъулияти чекланган жамияти раиси Улуғбек Асқаровни таклиф қилдик.

Ушбу жамоада кейинги йилларда самарали натижаларга эришилаётгани бунга сабаб бўлди. Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурида кўзда тутилган йўл-йўриқларни оммага етказар эканмиз, умумийликдан кўра аниқ мисолларнинг фойдаси ниҳоятда катта бўлишини тушуниш керак. Юқоридаги корхона кўз ўнгимизда ташкил топиб, юксалиш йўлига қадам қўйди. Банкрот бўлган "Стройрембит" идорасига қарашли эски ғишт заводини сотиб олиб, уни таъмирлади, 2002 йилдан маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Хитойнинг "Чангжоу Минметалс Груп Корпарейшн" компаниясидан 61 минг АҚШ долларига ғишт заводи ускуналари сотиб олиб келинди. Қисқа муддат ичида у ишга туширилди. Эндиликда ишлаб чиқарилаётган ғишт сифат кўрсаткичлари билан турдош корхоналарникидан тубдан фарқ қилади. Янги технология ўзини чидамли қилиб тайёрлаш имконини бермоқда. Бу эса харидорларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Қўшни давлатларга ҳам ғишт сотилгани фикримизнинг далилидир.

Корхонага қувур орқали сув олиб келинди. Тупроқ учун беш гектар ер ажратилди. Оҳак, алибастр ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Янги технологиялар асосида эшик ва дераза ромлари тайёрланмоқда.

Жамият қурилиш ишлари билан ҳам шуғулланади. Тумандаги бир қанча илм масканлари, тиббиёт муассасаларини қуриш ва таъмирлашда жамоанинг хизмати катта. Ўтган йили Таган қишлоғида янги коллеж биноси фойдаланишга топширилди. Бу ишларни амалга оширишда туман ҳокимлигининг ёрдами катта бўлмоқда.

Давра суҳбатлари кўпроқ қишлоқларда, маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида ўтказилади. Суҳбат давомида унинг иштирокчилари бир-бирларига турли саволлар билан мурожаат қилишлари, ўзлари қизиққан масалаларни ойдинлаштириб олишлари осон кечади.

Тасаввур қилинг: қишлоқда янги корхона иш бошлади. Беш-ўн киши ишли бўлди. Тайёрланган маҳсулот ҳам қаердадир сотилмоқда. Корхона атрофидаги кишилар унинг фаолиятидан яхши хабардор бўлмайдилар. Бундай ҳолатда корхонанинг маҳаллага, маҳалланинг корхонага фойдаси тегиш-тегмаслиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаса бўлади. Биз ўтказаётган давра суҳбатларида кўпроқ ана шу жиҳатларга эътиборни қаратамиз. Шундай вазиятлар ҳам бўладики маҳалла аҳли корхона раҳбаридан ишлаб чиқаришни кенгайтиришни, керак бўлса маҳаллага моддий жиҳатдан кўмак беришини сўраб мурожаат қилишади. Ёки аксинча, маҳалланинг таклифи билан корхона кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиб, уларни иш билан таъминлаган. Шундай воқеа Гулобод қишлоғидаги давра суҳбати чоғида юз берган эди. Қишлоқда 2007 йилда иккита гиламчилик цехи иш бошлади. 65 нафар йигит-қиз шу касб сирларини пухта эгаллаб, ишли бўлди. Айни пайтда ушбу "Мухтор Беҳруз" ҳамда "Гулобод гилами" корхоналари маҳаллий бюджетга сезиларли ҳисса қўшмоқдалар.

Бугунги кунда "Азиз Кумуш-сервиз" хусусий корхонаси томонидан ҳам соатига 150 кг. лотлари ишлаб чиқариш қувватига эга ускуналар Хитойдан сотиб олиб келиб, ўрнатилди. "Камол Азиз" МЧЖ раҳбари Ибодулла Қаландаров эса 120 минг АҚШ долларига тенг Россия технологиясида чўзма ип ҳамда Чехословакия технологиясида газлама ишлаб чиқарадиган ускуналарни ўрнатиб, иш бошлади. Бу корхонада 120 нафар ишчи-хизматчи фаолият кўрсата бошлайди. Соҳадаги лойиҳаларнинг турлари кўплиги, энг муҳими ана шундай таклиф билдирганлар ичида партиямиз аъзолари борлиги бизни жуда қувонтиради.

Юқорида мисол тариқасида келтирилган тадбиркорларимиз туманимизнинг келажаги ҳисобланади. Шунинг учун ҳам янгидан фаолият бошлаган ҳар қандай корхона бизга катта қувонч бағишлайди. Ана шундай интилишлар ҳисобига туманимиз иқтисоди йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда.

— Бевосита туман партия ташкилоти фаолияти ҳақида ҳам қисқача гапириб ўтсангиз.

— Партиядаги фаолиятимга кўп бўлгани йўқ. Гарчи ёш, тажрибасиз бўлсам-да ҳали ўқиб, ўрганишга куч ва билимимни ўзим севган ишга бағишлашга имконим бор. Партиявий ишни ҳаётимнинг мазмуни деб биламан. Бу соҳада ўз қарашларим, нуқтаи назарим бор.

Шу ўринда туманнинг интеллектуал салоҳияти ҳақида алоҳида тўхталиш лозим. Ҳозирги кунда раҳбар кадрларнинг 70 фоизига яқини 40 ёшгача бўлган ёшлар. Улар орасида партиямиз аъзолари ҳам бор. Туманимиз фарзандларининг 40 нафардан зиёди республикамизнинг турли жойларида раҳбарлик лавозимларида ишламоқдалар. Икки нафар қизимиз Зулфия номидаги Давлат мукофотига лойиқ кўрилди. 300 нафарга яқин йигит-қизларимиз олий ўқув юртларида таҳсил олмоқдалар.

Ёшларимиз орасида спортга қизиқувчилар жуда кўп. Уларнинг айримлари республика, жаҳон чемпионлари. Ўтган йили 4-8 декабрь кунлари Нукус шаҳрида ўтказилган Турон якка кураши бўйича халқаро турнирда туманимиз вакиллари 4 та олтин, 2 та кумуш ва 2та бронза медали соҳиби бўлдилар. Ана шундай иқтидорли, фаол ёшлар партиямиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

— ЎзМТДПнинг туман ижтимоий ҳаётида тутган ўрни ҳақида нима дея оласиз.

— Партиявий иш нуқтаи назаридан бу жиҳат сиёсий жараёнларда кўпроқ кўзга ташланади. Албатта, халққа қанчалик яқин бўлсак, одамларнинг сиёсий онгини оширишда фаоллик кўрсатсак партиямизнинг мавқеи юксалади. Партиямизнинг ҳар бир аъзосини туманимиз истиқболи учун ўзини масъул деб билишга ундаймиз. Бу эса уларни ҳамиша фидойилик ва ташаббус



ЎзМТДП фракцияси аъзолари ёшлар билан мулоқотда

СЕМИНАР

ЎзМТДП МК Ижроия Қўмитаси иш режаси асосида партиянинг ҳудудий кенгашлари Ижроия қўмитаси аъзолари ва фаоллари, партиядан сайланган халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар депутатларининг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган ўқув-семинарнинг навбатдагиси Навоий вилоятида бўлиб ўтди.



Инқирозга қарши чоралар дастури

ижросини таъминлашда ЎзМТДП ташкилотлари ва партия гуруҳлари фаолиятини янада кучайтириш зарур



Семинарда давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг **"Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари"** китобида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотлари ва партиядан сайланган маҳаллий кенгашлар депутатлари вазифалари ҳамда ушбу асарни партия ижтимоий қатлами ўртасида тушунтириш масаласи юзасидан маъруза қилган ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ва партия МК аъзоси Акрам Жумаев, мамлакатимизда инқирозга қарши амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг асосий моҳиятини Президентимиз асари асосида тушунтириб берди. Ушбу масала юзасидан музокараларда сўзга чиққан партия Навбаҳор туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Р.Саилхонов, Хатирчи туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Н.Жалилов, Навоий шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси И.Муҳаммадиев, халқ депутатлари Навоий шаҳар кенгаши депутати Ў.Саноқулов ва бошқалар давлатимиз раҳбари китобида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ЎзМТДПнинг ҳар бир аъзоси масъул эканлигини алоҳида таъкидлаб, бу борада партия фаолиятини янада жонлантириш бўйича бир қатор амалий таклифлар билдиришди.

ЎзМТДП фракцияси ва партия Марказий Кенгаши аъзоси Улуғбек Жалменов "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш" ва "Давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларнинг ҳуқуқий асослари" мавзуларида маъруза қилди. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг ижросини таъминлашда "Миллий тикланиш" демократик партиясининг вазифалари" ва "ЎзМТДП ҳудудий кенгашлари Ижроия қўмиталари девонида иш юритишни ташкил этиш ва уларни тартибга солиш масалалари" юзасидан партия МК Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев маъруза қилиб, партия Навоий вилояти ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини танқидий таҳлил қилди. Жумладан, партия Қизилтепа, Кармана, Томди туманлари кенгашлари фаолияти бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги, БПТ ва маҳаллий кенгашлар депутатлари фаолиятини кучайтириш, самарали ва таъсирчан тадбирлар ўтказишда оқсоқликка йўл қўйилаётганлиги, шунингдек, ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси партия аъзолари ва хайрихоҳлари сонини кўпайтириш бўйича тизимли тартибда иш олиб бормаётганлиги, партиянинг ғоя-мақсадларини кенг оммага тарғиб қилиш, одамлар ичига кириб боришда ташаббус кўрсатмаётганлиги танқид қилинди.

Анжуман кун тартибидан жой олган барча масалалар кенг ва атрофлича муҳокама қилинди ва партия вилоят ташкилоти ҳамда ЎзМТДПдан сайланган халқ депутатлари маҳаллий кенгашлар депутатлари фаолиятини янада кучайтириш бўйича аниқ вазифалар белгиланиб, бир қатор амалий тавсиялар берилди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

* * *

Ўтган ҳафта охирида ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши ҳамда туман ва шаҳар кенгашлари Ижроия қўмиталари ходимлари, халқ депутатлари, маҳаллий кенгашлар депутатлари ва партия фаолларининг ҳуқуқий ва ижтимоий-сиёсий билимларини ошириш бўйича ўқув-семинар бўлиб ўтди. Унда дастлаб ЎзМТДП фракцияси аъзоси С.Маҳмудов маъруза қилди.

Фаоллик

амалий фаолиятда зарур

Маннон ОТАБОЙ, "Milliy tiklanish" мухбири

Маърузада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" номли китоби юзасидан фикр-мулоҳаза билдирилар экан, асардаги чуқур таҳлиллар ва амалий хулосалар инқирознинг мамлакатимизга таъсирини юмшатиш ва камайтиришга хизмат қилаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Зеро, дунёнинг кўплаб давлатлари бошидан кечираётган ушбу жараёнга мамлакатимиз раҳбарияти томонидан ўз вақтида чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, банк-молия соҳасида ишончли тизим яратилганлиги, иқтисодиётимизнинг юксалишига хизмат қилувчи тадбирларнинг амалга ошириб борилаётгани, қолаверса, инқирозга қарши дастур кўринишидаги ҳимоя механизмларининг ишга туширилганлиги бу борада қўйилган муҳим қадамлар бўлди.

Шунингдек, тадбирда "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш" мавзусида маъруза қилган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А.Маматов ўқув-семинар иштирокчилари эътиборини бугун мамлакат бошқарувида, қонунлар қабул қилишда сиёсий партиялар фаол иштирок этаётганига қаратди. Жумладан, ҳокимият бўлиниши тамойили ва давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг ўрни ҳақида ҳам тўхталди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кўпчилик овозга эга бўлган партия имкониятлари ҳамда мухолифатда турган партиянинг ҳам тенг ҳуқуқларга эгалиги ёки бир неча партиянинг ўзаро демократик блокка бирлашиш жараёнлари борасида ҳам фикр алмашилди.

Бундан ташқари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А.Эшмуродов "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг моҳияти, унинг ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг вазифалари тўғрисида фикр юритди.

Маърузачи "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида ислоҳотларни қишлоқларга кўчириш баробарида аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш кўзда тутилаётганлигига урғу берди. Ана шундай муҳим жараён, эзгу ишларга ЎзМТДП аъзолари, партиядан сайланган депутатлар ҳамда фаолларимиз муносиб ҳисса қўшишлари зарурлиги таъкидланди.

Шунингдек, нотиқ ЎзМТДП ҳудудий кенгашлари Ижроия қўмиталари девонида иш юритишда хато ва камчиликларга йўл қўйилаётганлигини қайд этди. Бўлиб ўтган ўқув-семинарда ЎзМТДП Ромитан ва Жондор туман кенгашлари Ижроия қўмиталари аъзоларининг қатнашмаганлиги, ўқувга таклиф этилган маҳаллий кенгаш депутатларининг атиги учдан бир қисми иштирок этганлиги қаттиқ танқид остига олинди. Шунингдек, ЎзМТДП Марказий Кенгаши томонидан берилаётган топшириқларга масъулият билан ёндашиш лозимлиги таъкидланди.

Ўқув-семинарда маърузалар юзасидан баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Депутатлар иштирокчиларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб қайтардилар.

ТАРҒИБОТ

Аъзолар сони кўпаймоқда

Илья ДИЛЬМАНОВ, "Milliy tiklanish" мухбири

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси "Нукус аэропорти" жамоаси қошидаги бошланғич партия ташкилоти йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Нукус шаҳар кенгашлари аъзолари, партия фаоллари иштирок этди.

Мазкур тадбирда ЎзМТДПга қабул қилинган 70 нафар аъзоларга партия гувоҳномалари тантанали равишда топширилди. Сўзга чиққан ЎзМТДП Республика Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Емберген Бауетдинов партия Устави ва Дастури, ғоя ва мақсадлари билан йиғилганларни қисқача таништириб ўтди.

Йиғилишда ЎзМТДП шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Айзада Жиемуратованинг жамоада ташкил этилган БПТга етакчи этиб сайланганига ҳали кўп вақт бўлмади. Лекин шу қисқа давр ичида у ўзининг ташаббускорлиги ва ташкилотчилиги билан бир талай ишларни амалга оширди.

Ушбу тадбир орқали ҳам БПТ томонидан жамоа орасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари бесамар кетмаётганлигига гувоҳ бўлдик.

Йиғилишда партияга янги қабул қилинган аъзолар сўзга чиқиб, мамлакатимиз равнақига муносиб ҳисса қўшиш, халқимиз фаровонлигини ошириш, партия Дастурини ҳаётга татбиқ этишда ўзларининг бор куч ва салоҳиятларини сафарбар этишлари лозимлигини таъ-

ЖАРАЁН

ТАҲЛИЛ

Бугуннинг долзарб вазифаси

Қўшкўпир туманида қандай ҳал этилмокда?

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг барча мамлакатларни қамраб олиб, муайян мамлакатда ишлаб чиқаришнинг пасайишига, ишсизликнинг ўсишига, аҳоли турмуш даражасининг пасайишига ва бошқа кўплаб салбий оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Умид ИСМОИЛОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг юқоридаги салбий оқибатларни олдини олиш ва таъсирни камайтириш юзасидан 2008 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб инқирозга қарши чоралар дастурини ишлаб чиқишга киришилган эди. Ҳозирда инқирознинг салбий оқибатларини олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича тасдиқланган чоралар дастурини амалга ошириш бошлаб юборилди. Шу билан бирга

Президентимизнинг яқинда чоп қилинган “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли китобида мамлакатимизнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсиридан асраш ва унинг салбий оқибатларини бартараф этиш йўллари аниқ кўрсатиб берилган.

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш 2009 йилнинг энг устувор йўналиши ҳам белгилаб олинди. Бу борада Президентимизнинг қатор фармонлари қабул қилиниб, уларда иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйиш, иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий қобилиятини тиклаш бўйича қатор имтиёзлар яратиш, иқтисодий ночор корхоналарни таркибий ўзгартириш орқали соҳага замонавий менежмент тизимини жорий қилиш, рақобатлаша оладиган соҳаларга кенг имконият яратиш каби энг долзарб вазифаларни амалга ошириш асосий мақсад қилиб белгилаб олинди.

Президентимизнинг яқинда чоп этилган **“Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”** номли китобида мамлакатимизнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсиридан асраш ва унинг салбий оқибатларини бартараф этиш йўллари аниқ кўрсатиб берилган.

Шу билан бирга иқтисодий ўсишнинг макроиқтисодий мутаносиблиги ва барқарор суръатларини, иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ишлашини таъминлаш, аҳоли бандлигига кўмаклашиш, экспорт қилувчилар, саноатнинг етакчи тармоқлари корхоналари ҳамда кичик бизнесни қўллаб-қувватлашдек муҳим вазифаларни амалга ошириш орқали жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш мумкинлиги китобда таҳлиллар асосида исботлаб берилган.

Юқорида баён қилинганларнинг амалий исботи жойларда бажарилаётган ишларда ўз аксини топмоқда.

Жумладан, Хоразм вилояти Қўшкўпир туманида қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг муҳим йўналишларидан бири бўлган шахсий ёрдамчи, деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш ва паррандачилик билан шуғулланадиган кишиларнинг сони кўпайтирилмоқда ва хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида 27 та тикувчилик цехлари ташкил қилинмоқда. Йил давомида ҳар бир қишлоқда кам таъминланган хонадонлардан 100 тасига қорамол бериш кўзда тутилган. Паррандачилик бўйича ҳозирги кунда туманда учта инкубация ишга туширилган. Ҳар битта инкубациядан 15000 та жўжа чиқарилиб, арзон баҳода аҳолига тарқатилган. Жорий йилда асаларичилик, балиқчилик, иссиқхона каби соҳаларни ривожлантиришга ҳам эътиборни кучайтириш натижасида 14 та асаларичилик, 27 та балиқчилик фермер хўжаликлари ташкил қилиниши кўзда тутилган. Кўп болали аёлларни, ёрдамга муҳтож ногиронларни ва меҳнат қобилияти чекланган бошқа шахсларни ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этишга эътибор қаратилиб, туманда касаначиликни янада ривожлантириш асосий вазифалардан бири қилиб белгилаб олинган.

Мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида яратилиб берилаётган барча имконият ва шароитлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда туманда 2008 йилда тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 3400 та янги иш ўрни очилиб, аксарият коллежни тамомлаган ёшлар иш билан таъминланган бўлса, 2009 йилда эса 6285 та янги ишчи ўрни очиш режалаштирилган. Жорий йилнинг дастлабки уч ойи мобайнида 1340 нафар фуқаро иш билан таъминланган. “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастуридан келиб чиқиб, туман ҳокимлиги томонидан барча ички имкониятларни эътиборга олган ҳолда бу йил қишлоқларда 26 та сервис хизмати кўрсатиш шахобчаларини ташкил қилиш, 50 минг кв.м. уй-жойлар қуриб фойдаланишга топшириш, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган умумий фойдаланиладиган 6,3 км. хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини таъмирлаш, “Урганч-Обод” йўналиши бўйича автотранспорт қатновини йўлга қўйиш, қишлоқларда 4 та чакана савдо объектларини (асосан минимаркетлар), 2 та умумий овқатланиш объекти ишга туширилиши мўлжалланмоқда. Боғдорчилик фермер хўжаликларидаги ҳудудда жами 50 гектар майдонга томчилаб суғориш қурилмалари қуриш режалаштирилган. “Янгилик” хусусий фирмасида асаларичиликни ривожлантириш мақсадида мумпарда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Мумпарда сотиш билан шуғулланадиган дўкон ташкил қилиниб, у аҳоли хонадонлари, фермер хўжаликларини керакли маҳсулотлар билан таъминламоқда.

2009 йилда туман бўйича 2 млн. АҚШ доллари ҳисобида инвестиция киритиш мўлжалланган. Бугунги кунда туман шаҳарчасида ва қишлоқларда инвестиция киритиш йўллари изланмоқда.

Бундай ижобий ишларни республикамизнинг ҳар бир туманида қайд қилиш мумкин. Бундай амалий ишлар бугунги кунда инқироз таъсирида келиб чиқадиган ишлаб чиқаришнинг пасайиши, ишсизликнинг ўсиши, аҳоли турмуш даражасининг пасайиши каби салбий оқибатларнинг олдини олишда ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бундай амалий ишлар бугунги кунда инқироз таъсирида келиб чиқадиган ишлаб чиқаришнинг пасайиши, ишсизликнинг ўсиши, аҳоли турмуш даражасининг пасайиши каби салбий оқибатларнинг олдини олишда ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

“Давлатни ақл-идрок билан бошқариш, халқ боцига тушган хавф-хатарларни камайтириш ва бартараф этишдан иборатдир,” деган эди Абу Наср Форобий.

Ҳақиқатан ҳам, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида ишлаб чиқаришнинг пасайишини олдини олиш, фуқароларни иш билан таъминлаш ва аҳолининг ҳаёт даражасини ёмонлашувига йўл қўймаслик мақсадида амалга оширилаётган ишлар, инқироз туфайли бўладиган хавф-хатарларни камайтириш ва уни бартараф қилиш мақсадида муҳтарам Президентимиз раҳбарлигида ишлаб чиқилган инқирозга қарши чоралар дастурининг амалдаги ижроси нафақат жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф қилиш, балки мамлакатни келгусида ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асоси ҳамдир.

“Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” китобида жаҳон иқтисодий инқирозининг оқибатларини бартараф этиш, банк-молия тизимини мустаҳкамлаш, реал иқтисодиёт корхоналарига ёрдам кўрсатиш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш каби чора-тадбирларни амалга оширишга эътибор қаратиш билан бирга, биз эртанги кунимизни, келажагимизни асло унутмаслигимиз зарурлиги ҳақида алоҳида таъкидланиши бежиз эмас, албатта.

ТЎҒРИ СЎЗ

Тадбиркорлар

ҳуқуқлари ҳимоя қилинмокда

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари учун яратилган ҳуқуқий имконият уларнинг ўз олдига қўйган мақсадларини рўёбга чиқаришга хизмат қилиб келаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Алижон ОчИЛОВ,
Наманган вилоят адлия бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи

Нафақат ҳуқуқий ҳимоя соҳасида, балки ишлаб чиқаришни, хизматлар кўрсатишни янада ривожлантиришни рағбатлантириш мақсадида давлатимиз томонидан уларга нисбатан солиқ соҳасидаги имтиёзларнинг белгиланиши, текширишларнинг қисқартирилиши, ҳисоботлар тизимининг соддалаштирилиши ва бошқа шу каби енгилликларнинг берилиши оқибатида уларнинг эркин фаолият юритиши, айниқса, иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишида ўз улушларига эга эканликлари алоҳида аҳамият касб этмоқда. Буни Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолияти мисолида ҳам яққол кузатиш мумкин.

Бошқармага вилоят ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларидан жорий йилнинг 1-чорагида 18 та ёзма ариза келди ва “ишонч телефони”га 26 марта мурожаат бўлди. Ушбу мурожаатлар бошқарма томонидан қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқилди. Масалан, Наманган шаҳрида фаолият кўрсатаётган “Наргиз ШАШ” МЧЖ раҳбари Щ.Шарипов бошқарма “ишонч телефони”га мурожаат этиб, Наманган шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан қўйилган молиявий жаримадан норозилигини билдирди. Аниқланишича, инспекция томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони талаблари бузилганлиги маълум бўлди. Шундан сўнг адлия бошқармаси 2009 йил 9 март куни жамият ҳисоб рақамига № 120033989-сонли инкасса топшириқномаси ноқонуний қўйилганлиги ҳамда инспекция ходимлари жамиятда ўтказилган текшириш ҳужжатларини кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 102-, 104-моддаси талабларига риоя қилинмаганлиги учун жамиятга нисбатан 2008 йил 25 август куни 620.550 сўм миқдорида молиявий жарима қўллаш ҳақида қабул қилинган қарорни бекор қилиш бўйича вилоят давлат солиқ бошқармасига тақдимнома киритилди.

Уйчи туманида фаолият кўрсатаётган “Бек-Мурувват” хусусий корхонасига қарашли дорихона сотувчиси Н.Ҳайдарованинг Уйчи туман давлат солиқ инспекцияси томонидан хусусий корхонага қўлланилган молиявий жаримадан норози бўлиб ёзган аризаси ўрганилганда ҳам солиқ инспекцияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармони талаблари бузилган ҳолда хусусий корхона ҳисоб рақамига 2009 йил 23 февраль куни ноқонуний инкасса топшириқномаси қўйилганлиги ҳамда корхонада ўтказилган текшириш ҳужжатларини кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 102- 104- 112-моддалари талабларига риоя қилинмаганлиги аниқланди. Солиқ тўловчиларга молиявий санкциялар суд тартибида қўлланилиши белгиланганлиги сабабли “Бек-Мурувват” хусусий корхонасига нисбатан 2008 йил июнь ойида 620.550 сўм молиявий жарима қўллаш ҳақидаги инспекция қарорини бекор қилиш хусусида вилоят давлат солиқ бошқармасига тақдимнома киритилди.

Уйчи туманида фаолият кўрсатаётган “Бек-Мурувват” хусусий корхонасига қарашли дорихона сотувчиси Н.Ҳайдарованинг Уйчи туман давлат солиқ инспекцияси томонидан хусусий корхонага қўлланилган молиявий жаримадан норози бўлиб ёзган аризаси ўрганилганда ҳам солиқ инспекцияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги Фармони талаблари бузилган ҳолда хусусий корхона ҳисоб рақамига 2009 йил 23 февраль куни ноқонуний инкасса топшириқномаси қўйилганлиги ҳамда корхонада ўтказилган текшириш ҳужжатларини кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 102- 104- 112-моддалари талабларига риоя қилинмаганлиги аниқланди.

Бошқарма томонидан жорий йилнинг февраль-март ойларида Косонсой ва Чортоқ туманларида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг муаммо ва таклифларини ўрганиш бўйича бевосита тадбиркорлар иштирокида “Очиқ эшиклар куни” тадбирлари ўтказилди. Унда 50 дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари билан мулоқотлар ўтказилиб, амалдаги қонунчилик бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Масалан, Косонсой туманидаги касаначи тадбиркор М.Дадажоновга фаолиятида юзага келаётган муаммолар бўйича туман ҳокимлигига ер ажратиш масаласини кўриб чиқиш юзасидан тақдимнома киритилди.

12 та тижорат банкида биринчи чорак давомида тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган хизматлар аҳволи ўрганилди. Қонунбузилишлар аниқланганлиги сабабли ушбу банкларга тақдимномалар киритилди ва натижада 33 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

Адлия бошқармаси томонидан солиқ идораларида тадбиркорлик субъектларидан ҳисоботлар қабул қилиниш ҳолати ҳам мунтазам ўрганиб борилади. Бунда кўп ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 июндаги ПҚ–100-сонли Қарори талаблари бузилиши давом этаётганлиги маълум бўлмоқда. Масалан, Косонсой туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан Қарор талабларига зид равишда “Косонсой газ сервис” МЧЖнинг 2008 йил 2-чорак ҳисоботлари билан бирга корхона тўғрисидаги маълумотнома ортиқча олинганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат бўйича инспекция бошлиғи номига тақдимнома киритилди. Натижада инспекция ходимлари Т.Бозоров, И.Парпихўжаев ва Б.Хасанов “ҳайфсан” интизомий жазосига тортилдилар.

Тадбиркорлик субъектларини назорат органлари томонидан текшириш ҳолатига эътибор қаратадиган бўлсак, биргина Учқўрғон туман ветеринария бўлими ходимлари томонидан 7 та ҳолатда амалдаги қонунчилик талаблари бузилганлиги аниқланди. Масалан, ҳудудий кенгашнинг рухсати бўлмай туриб, туман ветеринария бўлими бошлиғи F.Сайдуллаев ва масъул ходимлар томонидан 2008 йил 21 май куни хусусий тадбиркорлар Х.Нормирзаев ва Б.Шодмонов, 2008 йил 8 июль куни хусусий тадбиркор О.Ҳакимов, 2008 йил 25 сентябрь куни хусусий тадбиркор Ж.Абакахунов, 2008 йил 26 сентябрь куни хусусий тадбиркор А.Юсуповнинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида”ги қонуни талабларига зид равишда ноқонуний текширилиб, унинг якуни бўйича мазкур тадбиркорлик субъектларига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар расмийлаштирилган ва уларга нисбатан маъмурий жарималар қўлланилган. Ушбу ҳолатлар адлия бошқармаси томонидан ўрганилиб судга даъво аризалари киритилди. Суд қарорларига асосан ноқонуний ўтказилган текшириш ҳолатлари бўйича расмийлаштирилган ҳужжатлар ҳақиқий эмас деб топилди, қолаверса, тадбиркорларга етказилган моддий зарар айбдор шахслардан ундириладиган бўлди.

Назорат органлари ва ҳокимликлар томонидан юқоридаги каби ҳолатлар бошқа тадбиркорлар фаолиятида ҳам такрорланганлиги боис адлия бошқармаси томонидан жами 45 та тақдимнома киритилиб, 56 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Тадбиркорлар манфаатларини кўзлаб, судларга 20 та, жами 66.466.954 сўмлик даъво аризалари киритилди.

Кўриниб турибдики, тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишига юқоридаги каби ҳолатлар салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Шу сабабли давлатимиз томонидан яратилган ҳуқуқий ҳимоя тизими келгусида ҳам хусусий секторнинг янада ривожланишига туртки бўлиб хизмат қилиши, адлия идоралари томонидан уларнинг ҳуқуқларини тиклаш, қолаверса, бундай ҳолатларнинг олдини олиш бўйича тегишли вазифалар ўз вақтида амалга оширилиши таъминланади.

ТАЪЛИМ

Қишлоқда замонавий коллеж

Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар самарасини Наманган туманидаги хизмат кўрсатиш ва сервис касб-ҳунар коллежи мисолида ҳам кўриш мумкин.

Коллежда 750 нафар йигит-қиз тикувчилик, ҳайдовчилик, телерадио ускуналарини таъмирлаш, компьютер ҳамда автоматлаштирилган тизимларга техник хизмат кўрсатиш, бухгалтерия ҳисоби, савдо ва умумий овқатланишни ташкил этиш йўналишлари бўйича сабоқ олмоқда.

Лойиҳа доирасида коллежга 150 миллион сўмлик ўқув-лаборатория жиҳозлари, ахборот технологиялари келтирилди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилаётир.

- Келгусида коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари амалиётни Швейцарияда ўташи кўзда тутилган, - дейди коллеж раҳбари Садриддин Тўхтаназаров. - Лойиҳа асосидаги ишларимиз коллеж педагогик жамоаси ва ўқувчиларимизда катта қизиқиш уйғотиб, уларни ўз тажрибаси, билим ва кўникмаларини ошириш борасида янада жиддий ишлашга ундамоқда.

Битирувчиларни иш билан таъминлаш ҳам доимий эътиборда. “Нестле-Ўзбекистон”, “Муштарий Интернационал” қўшма корхоналари, “Навбаҳор” машина-трактор парки, “Малика-Холис” кичик корхонаси каби субъектларда бу йил битирувчилардан 350 нафари иш билан таъминланади.

А.САТТОРОВ,
ЎзА мухбири

САНЪАТ

«Шашмақом»га ошуфта ёшлар

Мусиқага, санъатга ошуфта бўлмаган қалб гўё бўшлиқ сингари... Чунки фақат санъатгина инсондаги энг гўзал, латиф ва эзгу туйғуларни тарбиялаб, камол топтиради. Куй ва қўшиқ, турфа оҳанглар қатига сингиб кетган севинч ва қайғу, изтиробу соғинч кишини маънан ва руҳан улғайтиради. Мақом қўшиқлари эса уларнинг гултожидир.

Дилноза ҲАЙИТОВА,
“Milliy tiklanish” мухбири



Минг йиллар оша сайқал топган маданий меросимиз хазинасида мақомнинг ўрни беқиёс. Унинг мумтоз шеърият билан боғлиқлиги ва гўзал оҳанглари асрлар оша инсонлар қалбида нафис туйғуларни шакллантириб келган. Бу қўшиқларни асраб-авайлаш ва ўрганиш, ёшлар қалбида унга муҳаббат, эҳтиром уйғотиш бугуннинг муҳим вазифаларидан биридир. Шундай экан, мумтоз қўшиқларимиздан бугунги ёш авлод қай даражада баҳраманд бўлаётир?

Қувонч билан айтиш мумкинки, мамлакатимизда мусиқа санъатини ривожлантиришга берилаётган катта эътибор ва рағбатнинг самараси ўлароқ, ёшларимиз мумтоз шеърият ва мусиқа ихлосмандлари бўлиб қолмасдан, мақом ижрочилигида ҳам ўзларини синаб кўрмоқдалар. Шундай умидли ёшларимиздан бири Фазилат Худойназарова Ўзбекистон Давлат Консерваториясига қабул қилингандан буён анчагина ютуқларга эришди. Устози Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Комила Аминовадан “Шашмақом”нинг нозик сирларини ўрганиш билан чегараланиб қолмасдан, ўз устида тинимсиз изланишлар олиб бормоқда. Барча устозларнинг сабоқларидан баҳраманд бўлмоқда.

— Улуғ санъаткорларимиздан мерос қолган бебаҳо қўшиқларимиз бисёр. Уларни чуқур ўрганиб, маромига етказиб куйлаш энг катта орзуимдир,- дейди Фазилат. – Бунда устозларимнинг кўмагига таянаман.

— “Шашмақом”ни халқимиз тарихининг маънавий кўзгуси десак янглишмаймиз. Ҳозирги ёшларнинг бундай мумтоз куй ва қўшиқларимизга қизиқибгина қолмасдан, уларни ижро этишга бўлган иштиёқи бизни ҳам жуда қувонтиради,-дейди Ўзбекистон Халқ ҳофизи, Ўзбекистон Давлат Консерваторияси доценти Маҳмуд Тожибоев. — Фазилат гуруҳимда қўшимча машғулотларга қатнашиб, ўзбек мумтоз бастакорлари асарларини қунт билан ўрганмоқда. У К.Жабборовнинг “Муҳаббатдан”, О.Ҳотамовнинг “Ғофил ўлма”, “Қурбон қайтарма” каби қатор ашулаларини ўрганди. Мен унинг меҳнатсеварлиги ва ижодга чанқоқлигидан жуда хурсандман. Келажакда етук мақомчи ҳофиза бўлишига ишонаман.

БАНДЛИК

Маҳсулотлар экспорт ҳажми ошмоқда

Бешариқ тумани ҳокими Кимсанбой Мамасалиевнинг таъкидлашича, модернизация самараси туфайли қишлоқлар обод бўлмоқда. Нари борса 30-35 ёшни қоралаган ёшлар дунёқараши, юрт эртаси ҳақидаги фикрларидан севиниб кетасан киши. Ана шундай ёшлар саъй-ҳаракати билан "Бешариқ текистил" корхонаси қайта оёққа турди. Бу ўз навбатида халқ фаровонлигини оширади, янги иш ўринларини яратади.

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижасида кейинги йилларда ишлаб чиқариш тармоқлари босқичма-босқич техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланиб модернизация қилинаётгани ўз самарасини бермоқда. Бешариқ туманидаги "Бешариқ текистил" акционерлик жамияти ана шу асосда қайта қуроллантирилиб иш бошлаган корхоналар сирасига киради. Эътиборли жиҳати шундаки, аниқ мақсад сари йўналтирилган сармоялар корхона қаддини тиклашга, ишчи-хизматчилар манфаатдорлигини оширишга, қолаверса, қишлоқ маҳсулотларини хорижга экспорт қилиш имкониятини берди. Очиғини айтганда бундан бир неча йиллар аввал қишлоқда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар четга сотилади, деган гапларга ўзимиз ҳам ишонмасдик. Бугун эса, ҳар кимнингда кўзини қамаштирувчи, халқаро меъёрларга мос маҳсулотларни кўриб ҳавас қилиб ўтирибмиз.

Ислом тараққиёти банки томонидан ажратилган 4 миллион АҚШ доллари миқдоридаги сармоя ҳисобига Италия, Туркия, Германия, Хитой ва Япония сингари тўқимачилик саноати ривожланган мамлакатлардан ип йигирув, тўқимачилик, бичиш, қирқиш, дазмоллаш, дизайнер сингари керакли ишлаб чиқариш ускуналари олиб келиб ўрнатилди. Бу ўзбек пахта толасидан юмшоқ, сифатлилик борасида халқаро талаб меъёрларига тўла жавоб берувчи газлама туркумларини яратиш имкониятини берди.

Тармоқ ривожи йўлида сарфланган маблағлар ҳисобига 400 нафардан ортиқ чекка туман ёшлари янги иш ўринларига эга бўлди. Эътироф этиш керакки, маҳаллий ёшлар меҳри, қалб қўри билан яратилган маҳсулотларнинг дастлабки туркумлари Россия ва Туркия бозорларида ўз ўрнини топди. Чунки улар ўта чидамли бўлиш билан бирга, ҳар қандай обҳаво шароитида иссиқликни бир маромда ушлаб туради, бу эса инсон тана ҳарорати учун жуда фойдали.

Айни кунда ишлаб чиқариш жабҳасининг дизайнерлик бўлимида янги маҳсулот моделларини яратиш борасида изланишлар олиб борилмоқда.

– Корхона йил давомида 7 минг тонна пахта хомашёсини қайта ишлаш имкониятига эга, – дейди акционерлик жамияти директори Рустамжон Пўлатов. - «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да ўзимиз ишлаб чиқарган газламалардан тайёр маҳсулот тайёрлаш ва ранг бериш цехларини ишга тушириш борасида изланишлар олиб боряпмиз. Бу эса, корхона қошида янги иш ўринлари яратиш билан бирга, четга тайёр маҳсулот экспорт қилиш имкониятини оширади. Шунингдек, чекка қишлоқларда касаначилик асосида иш ўринлари яратиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини янада яхшилаш устида иш олиб бориляпти.

Расул КАМОЛ,
"Туркистон-пресс"

САНОАТ

Корхона маҳсулотлари барчага манзур

Анорбой НОРҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

"Бахтмойинвест" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси Сирдарё вилоятидаги энг кенжа саноат корхоналаридан саналади. Бахт шаҳрида ўз фаолиятини бошлаган бу жамоанинг ташкил топганига эндигина бир йил бўлди, холос. Аммо шунга қарамай у соҳа иқтисодиётига катта ҳисса қўшиб келаётган етакчи ишлаб чиқариш корхоналари сафидан муносиб ўрин эгаллади.

Саноат корхонаси бугунги кунда вилоят аҳолисини тоза ва сифатли ёғ, чорва учун ем маҳсулотлари билан таъминлашни асосий вазифа қилиб олган. Янги корхонага дастлаб хориждан замонавий технологиялар келтирилди. Жумладан, Хитойдан 220 минг долларлик экстрация рафинация цехлари учун 135 миллион сўмлик линия, 48 миллион сўмлик қадоқлаш ускуналари олиб келинди. Германиядан эса 5 миллион сўмлик лаборатория жиҳозлари келтирилди. Корхонанинг ишга тушиши туфайли 120 нафар ёшлар доимий иш ўринларига эга бўлдилар. Улар айни кунда уч сменада меҳнат қиляптилар. Корхонада ҳар куни 20 тонна чигит қайта ишланиб, 16 тонна қадоқланган сифатли ёғ маҳсулотлари, 4 тонна кунжара, 3 тонна шрот маҳаллий биржа орқали сотилиб, истеъмолчиларга етказиб берилаяпти. Ишлаб чиқариш жараёни билан биргаликда реконструкция ишлари ҳам олиб борилаяпти. Шу кунгача, жамоада 100 миллион сўмлик ишлар бажарилди. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ошгани сайин, унинг моддий базаси ҳам тобора ривожланиб бормоқда. Янгидан-янги цехлар, тайёр маҳсулотларни сақлайдиган омборхоналар қурилаяпти. Ишчи-хизматчиларнинг ҳам моддий манфаатдорлиги ошиб, оилаларига қут-барака кирмоқда. Иш ҳақлари, мукофотлар ўз вақтида берилаяпти. Кам таъминланган эҳтиёжманд инсонларга моддий ёрдамлар ажратилаётир. Собир Худоёров, Илҳом Маматов, Баҳодир Ашуров каби ишчи-хизматчилар кунлик топшириқларини ортиғи билан бажариб, барчага намуна кўрсатмоқдалар. Жамоа аъзоларининг ғайрат-шижоати туфайли ойлик ишлаб чиқариш режалари муддатидан олдин уддаланмоқда.

ФАОЛИЯТ

Қўшимча иш ўринлари яратилмоқда

Бугунги кунда қўшимча иш ўринларини яратиш ва касаначиликни ривожлантиришда яқиндан кўмакдош бўлиб келаётган тадбиркорлар, хусусий сектор вакиллари саъй-ҳаракатларини алоҳида баҳолаш мумкин.

Шерзод ҚУРБОНОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Қарши тумани "Гулшан" хусусий фирмаси мана 10 йилдирки, нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келади. Бугунги кунда 8 нафар йигит-қизлар доимий иш билан таъминланган бўлиб, улар томонидан турли хилдаги нон ва 20 дан ортиқ қандолат маҳсулотлари тайёрланиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

— Бир ойда 20 тонна ундан нон тайёрлаймиз,- дейди фирма раҳбари Қундуз Каримова. - Маҳсулотларни тайёрлар эканмиз, аввало, унинг сифати, сўнгра нархига эътибор қаратамиз. Маҳсулот қанчалик сифатли, нархи ҳам ҳамёнбоп бўлса, харидорини албатта топади. Яқинда цехларимизни тўлиқ қайта таъмирдан чиқардик. Галдаги режаларимиз цехларимизга хорижий ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари олиб келиб ўрнатиш ҳамда иш ўринларини янада кўпайтиришдир.

Қундуз Каримова тадбиркор бўлибгина қолмай туман тадбиркор аёл уюшмасининг раиси ҳамдир. Туманда ҳозирда 300 нафарга яқин аёл тадбиркорлик, миллий ҳунармандчилик, зардўзлик, тукувчилик, ишлаб чиқариш каби ўнлаб йўналишларда меҳнат қилиб келмоқда.

— Яқинда вилоят тадбиркор аёллари уюшмаси "Гулшан" хусусий фирмаси ҳамда ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши ҳамкорлигида туманда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иштиёқманд хотин-қизларга маҳсулот тайёрлашни ўргатиш мақсадида уч кунлик ўқув ташкил қилинди,- дейди ЎзМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ойниса Очилова. - Унда кўпгина опа-сингилларимиз қатнашиб пиширикдар тайёрлаш сирларини ўрганишди. Бу каби ўқувлар вилоятнинг барча туманларида тез-тез ташкил қилиниб турилиши ҳар бир уй бекасининг бу масалада анча тажриба орттиришига хизмат қилади.

БОҒДОРЧИЛИК

Эл маъмурчилиги йўлида

Хоразм вилоятида қишлоқларни обод манзилларга айлантириш, эл маъмурчилигини таъминлашга муносиб улуш қўшаётган ишбилармон ва ташаббускор қишлоқ мулкдорлари сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Гурлан туманидаги Эриммат Содиқов раҳбарлик қилаётган "Эрмуҳаммад маҳзум" фермер хўжалиги боғдорчиликка ихтисослашган. Бўрлоқ канали ёқасидаги 35 гектар майдонда барпо этилган токзор ва сўлим боғ кўзни қувонтиради.

Эриммат фермернинг боғи ўтган йили илк ҳосилини берди. Ўндан ортиқ турдаги сархил мевалар деҳқон бозорларига, қайта ишлаш корхоналарига буюртма асосида етказиб берилди. Бу йил эса фермер токзори ва боғида пишиб етилган меваларни ўзининг кичик корхонасида қайта ишлашни мўлжалламоқда. Бунинг учун замонавий ускуналар келтирилди ва мўъжаз цех ташкил қилинди.

Ташаббускор фермер ўз хўжалиги ҳисобидан сув чиқариш насоси сотиб олиб, ҳамқишлоқларига томорқа экинларини суғориш учун шароит яратиб берди. Бўрлоқ қишлоғи қабристонини ободонлаштиришда, зиёратга келувчилар учун барча қулайликларга эга дам олиш хоналари қуришда ҳомийлик ёрдами кўрсатди.

- Қайта ишлаш цехимизда йигирма нафарга яқин қишлоқ ёшлари иш билан таъминланади, - дейди Э.Содиқов. - Биз келгусида ишлаб чиқариш кўламини янада кенгайтириб, ҳамқишлоқларимизнинг бандлик даражасини ошириш ва эл дастурхони тўкинлигига ўз ҳиссамизни қўшиш ниятидамиз.

Ш.ХУДОЙБЕРГАНОВ,
ЎзА мухбири

ИҚТИСОДИЁТ

2009 ЙИЛ — "ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ"

Бугунидан эртаси порлоқ

Нурота, Конимех, Томди, Учқудуқ туманларида республикамиз қоракўлчилигининг қарийб 60 фоизи, яъни 1 миллион 400 минг бошдан ошиқ қўй-эчки, 2000 бошга яқин от, қарийб 3,5 минг бош туя боқилади. Бу мустақил Ўзбекистоннинг бебаҳо бойлиги. Шу боис, республика қоракўлчиларининг анъанавий бу йилги қурултойи Навоий вилоятида бўлиб ўтди. Қурултой иштирокчиси, Конимех туманидаги "Қизилқум" подачилик ширкат хўжалиги раиси Миктибой Утемуродов билан суҳбатда бўлдик.

Парда ЖУМАЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири



Миктибой оға антиқа феълли инсон. Унинг қизиқмаган соҳаси йўқ. Дунё янгиликларидан тортиб, ўзбек, рус, қозоқ адабиёти ҳақида соатлаб мушоҳада юрита олади. Ширкат хўжалиги кутубхонаси унча-мунча кутубхоналардан қолишмайди, шахсий кутубхонасини-ку қўяверинг. Даврий газеталар нашри йилма-йил, ойма-ой тахлоғлик туради. Миктибой оға билан аввалдан танишлигимиз туфайли суҳбатимиз дарров қовушиб кетди.

- Туман марказидан қарийб 260 км. олисда жойлашган наслчилик хўжалигимизни қизилқумлик чўпонларнинг "пойтахти" дейишади. Бу ерда яшаб, меҳнат қилаётганларнинг яшаш шароитларини яхшилаш учун хўжалик овул фуқаролари йиғини раҳбариятидан анчайин куч-ғайрат, қўшимча чора-тадбирларни излаб топиш талаб этилади. Одамлар онгида бозор шароитида ишлаш, шунга муносиб равишда ҳаёт кечириш кўникмаларини шакллантириши бор гап.

2008 йилнинг бошида хўжалигимизда 66500 бош қўй-қўзи боқилган бўлса, бугунга келиб, 70150 бошга етди. Ўтган йил давомида 5850 дона қоракўл тери, 388 тонна гўшт, 133,7 тонна жун ишлаб чиқарилди. Рентабеллик даражаси 62 фоизни, соф фойда 324 миллион сўмни ташкил этди. Ҳадемай 2009 йилги қўзилатиш мувсуми якунланади. Бу йилги мавсумдан умидимиз катта. Чунки баҳор серёғин келяпти. Ҳозирда 39 минг она қўйнинг 78 фоизи қўзилаб бўлди.

Хўжаликда чорвадорлар меҳнати оилавий пудрат асосида ташкил этилганлиги туфайли таннархи арзон сифатли маҳсулот етиштиришда биринчи навбатда ўзлари манфаатдор эканликларини англаб етганлар. Юқори меҳнат натижаларига эришган чўпонларни рағбатлантириб бориш, белгиланган ойлик иш ҳақларига қўшимча равишда натура шаклида мукофотлаш яхши йўлга қўйилганлиги ижобий самара бераётир. Ҳалол меҳнатларининг қадр топаётганлигини англаб етган Элубой Мирзалиев, Музаффар Ражабов, Қундибой Султонов, Ибрагим Серикбаев, Жаски Такибоев сингари оилавий пудратчилар кўзи олиш, ўстиришга қолдирилган қоракўлдан тери, жун, гўшт етказиб бериш шартномавий мажбуриятларини ортиғи билан уддалаганликлари, ёқилғи мойлаш, электр қувватидан тежамкорлик билан фойдаланганликлари учун ҳар бирига ойлик ҳақларига қўшимча 170-200 бош қўй-қўзи билан мукофотландилар.

Хўжалик иқтисодини кўтариш, чўпонлар турмуш даражасини оширишнинг энг муҳим омилларидан бири қўйлар зотини доимий равишда яхшилаб бориш, ўзбек қоракўлининг янги-янги завод типларини яратишдир. Бу борада олимлар билан ҳамкорликда олиб борилган кўп йиллик изланишлар ва амалий ишлар натижасида наслчилик хўжалигимиз қоракўлнинг "Ўзбекистон кумуш сури" турига ҳам муаллифлик қилди. Бугун эса "Қовурғасимон-ясси" навини яратиш ниҳоясига етмоқда.

Иқтисодий бозор муносабатларига ўтишнинг дастлабки йиллари чўпонлар учун осон кечмади. Озиқ-овқат кундалик эҳтиёж моллари баҳоси чўлда осмонга чиқиб кетди. Одамлар бозорлик қилиш учун 300-350 чақирим олисдаги Нурота ёки туман марказига боришга мажбур эди.

1993 йилда наслчилик хўжалик маркази- Учтепа овулида бозор очилди. Овулда бозор иқтисодиётлари талабига мос инфратузилмани шакллантириш бошланди. Бугун Учтепани ўзига хос савдо ва сервис марказига қиёслаш мумкин. Одамлар Учтепа таъминот корхонасига қарашли савдо дўконларидан озиқ-овқат маҳсулотлари, кундалик эҳтиёж моллари, қурилиш материалларигача харид қиладилар. "Тулеген зоотсервис" кичик корхонаси ва унинг дорихоналаридан истаган дори-дармонларни топасиз. Айнан шу ҳудудда фаолият юритаётган маиший хизмат нуқталари учтепаликларнинг кўнглини овламоқда. Ҳудудни қишлоқ хўжалик моллари билан таъминлаб туриш Навбаҳор ва Кармана туманлари, деҳқонлари зиммасида бўлса, мол бозорининг асосий мижозлари нуроталик ва ғиждувонликлардир.

Овулга саноатнинг кириб келаётганлиги ҳам бу ерда турмуш даражасининг ошиб бораётганлигидан далолат.

"Қизилқумсавдо" кичик корхонаси бугун "Чиқитсиз технология" шиори остида фаолият юритмоқда. Чунки, бу ерда ностандарт қоракўл турлари ҳамда унинг иккиламчи бўлакларини қайта ишлаш орқали чўпон-чўлиқлар бош кийим, нимча, тўнлар, аёллар матолари, болалар устки кийимлари билан таъминланмоқда.

Корхона раҳбари Рисбек Кожанов маҳсулот турини кўпайтириш пайида. Вилоят марказига ҳам тайёр қоракўл маҳсулотлари етказиб бериш бошланди. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида 9 миллион сўмлик кредит олди.

Дурадгорлик, сервис ва замонавий қурилиш, таъмирлаш ва айниқса транспорт хизматини йўлга қўйилганлиги қизилқумлик чорвадорларнинг бугунидан эртаси порлоқ бўлишига тобора ишончини мустаҳкамламоқда.

«Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси

2009 йил учун газеталар, журналлар ва китобларга обуна давом этаётганлигини маълум қилади.



Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар ва юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, Ватанимиз маънавий-маданий ҳаётидаги янгиланишлар ва воқеалар, хорижий мамлакатлар ҳаёти билан яқиндан ва мунтазам танишиб бораман десангиз вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг!

Обуна «Матбуот тарқатувчи» АК ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг барча бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Маълумот учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкентда: 233-67-71, 233-67-98

Компания тизимидаги жамиятларнинг телефонлари:

ҚР Нукус (3612) 22-88-68
Андижон (3742) 22-29-89
Бухоро (3652) 25-47-49
Жиззах (3722) 22-40-01
Қашқадарё (3752) 25-40-27
Навоий (4362) 23-26-86
Наманган (3692) 26-29-80
Самарқанд (3662) 34-22-53
Сирдарё (3672) 25-47-70
Сурхондарё (3762) 27-49-03
Тошкент вил. (3712) 233-13-04
Фарғона (3732) 24-29-22
Хоразм (3622) 26-63-75
Компания бўлими 234-85-99

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

БИЗНИНГ ШАРҲ

Бекзод ИСКАНДАР

Инсон манфаатларига қаратилган ҳаракатлар

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистонга таъсири, уни юмшатиш омиллари ҳақида мутахассислар фикрлари қандай?

Кўлами тобора кенгайиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ўтган ярим йил мобайнида кризис кўплаб йирик ташкилотлар, компания ва банклар, хусусан, давлатларга ҳам жиддий зиён етказди.



Бугунги тажриба шуни кўрсатмоқдаки, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашув шароитида ҳар бир мамлакат миқёсидаги тезкор кўрилган чора-тадбирлар айни пайтда тобора кенгайиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини самарали енгиб ўтишни таъминлайди. Шу жиҳатдан ҳозирги кунда Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан инқирозни бартараф этиш борасида зарур чоралар кўрилмоқда. Бу борадаги мақсад ва вазифалар давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг **“Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”** номли китобида ҳар томонлама асосланган аниқ хулосалар баён этилган. Биз инқирозни бартараф этиш борасида ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган ишлар ва инқирознинг олдини олиш йўллари ҳақида тегишли соҳалар мутахассисларининг фикр-мулоҳазалар билан ўртоқлашдик.

Китобни таҳлил қилар экан, мутахассислар асарда жаҳон молиявий инқирозининг мазмун-моҳияти, сабаблари, унинг иқтисодиётга салбий таъсири чуқур таҳлил этилгани, юзага келган мураккаб вазиятдан чиқиш йўллари акс эттирилгани, шунингдек, Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари атрофлича ёритилганини таъкидлашди.

Эркин Юсупов, ЎзМТДП аъзоси, иқтисод фанлари доктори:

- Мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатларини олдини олиш ва уларни бартараф этиш бўйича Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш бошлаб юборилди. Жорий йилнинг ўтган даври якунлари бу дастур ижроси ўзининг дастлабки, ишончли натижаларини бераётганини кўрсатмоқда. Мазкур дастурда корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан юқори технологияларни кенг жорий этиш, жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини ошириш, корхоналарнинг айланма маблағларини тўлдириш учун имтиёзли кредитлар бериш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарни бюджетга барча турдаги солиқ ва тўловлардан (қўшимча қиймат солиғи бундан мустасно) озод қилиш муддатини узайтириш, банклар кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорини қайта кўриб чиқиш ва бошқа муҳим имтиёзлар беришга доир вазифаларнинг ҳал этилиши кўзда тутилган.

Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ўзбек модели тамойилларига қатъий амал қилиниши унинг самарали эканлиги, иқтисоднинг сиёсатдан устувор эканлиги, кучли ижтимоий сиёсат, ислоҳотларни босқичма-босқич ва тадрижий равишда амалга ошириш мамлакат иқтисодий, молиявий ва ижтимоий соҳаларини модернизация қилиш имкониятини яратди. Мамлакатда изчил равишда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, ялпи ички маҳсулотнинг ошиши, банк-молия тизимини ислоҳ қилиш, қулай инвестицион сиёсат, янги корхоналарнинг ишга тушиши, мавжуд саноат тармоғини модернизация қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш – буларнинг барчаси молиявий инқирознинг таъсирини камайтиришга хизмат қилди, деди олим.

Ҳукуматимиз томонидан молиявий-иқтисодий инқирозни бартараф этиш мақсадида, айниқса, реал секторни қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор берилмоқда. Тегишли ташкилот ва муассасалар солиқ соҳаси маълум имтиёзларга эга бўлмоқда, банклар томонидан кредитлар ажратилмоқда. Мамлакатимизда экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришда енгил саноат тармоғи етакчи роль ўйнаётгани аҳамиятга молик. Шуни инобатга олган ҳолда ҳукуматимиз томонидан мазкур тармоқда фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларга молиявий кўмак берилмоқда. Соҳада олиб борилаётган ишлар ҳақида **“Ўзбекенгилсаноат” уюшмаси бошқарма бошлиғи Баҳриддин Авезов** қуйидагиларни гапириб берди:

– Сайёрамизда молиявий инқироз шабадалари эсаётган ўтган йилнинг ўрталаридаёқ давлатимиз раҳбари томонидан тегишли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. – 2008 йил 28 ноябрда “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”-ги Президентимизнинг Фармони ва “Инқирозга қарши чоралар дастури” шулар жумласидандир. Мазкур муҳим ҳужжатлар, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган китобларида экспорт маҳсулотлари ишлаб чиқараётган корхоналарни қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор бериш зарурлиги бугунги молиявий инқирозлар чиқишнинг муҳим йўналиши эканлиги таъкидланади.

Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун айрим маълумотларни келитирб ўтсам: ҳозир Ўзбекистонда тўқимачилик, трикотаж, тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларида 200 дан ортиқ корхона фаолият олиб бормоқда. Шундан 43 таси хорижий хусусий корхоналари, қарийб 50 таси эса чет эл капитали иштирокида ташкил этилган қўшма корхоналар бўлиб, бу корхоналар тармоқда ишлаб чиқарилган умумий маҳсулот ҳажмининг 59,5 фоизини, экспортга чиқарилган маҳсулот ҳажмининг қарийб 90 фоизини беради. Айни пайтда экспорт қилувчи корхоналарнинг қарзларини таркибий ўзгартириш ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига, етказиб берилган электр энергияси, табиий газ ва кўрсатилган коммунал хизматлар учун тўловлар бўйича пеняларни ҳисобдан чиқариш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, маҳсулот таннархини камида 20 фоизга пасайтириш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш ишлари олиб борилмоқда. Ўзи ишлаб чиқарган товарларни экспорт қиладиган корхоналарга молиявий қийинчиликларни бартараф этиш учун мақсадли маблағлар ҳисобига кредитлар бериш ишлари йўлга қўйилди.

Ислоҳотларни амалга ошириш ва модернизациялашнинг ўзига хос моделини ҳаётга татбиқ этиш жараёнида ишлаб чиқилган Ўзбекистон молия-иқтисодий ва банк тизимидаги ҳимоя механизмлари эвазига мамлакатда молия-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимлари, шу билан бирга корхоналар ва иқтисодиётнинг реал сектори барқарор ва узлуксиз ишлашини таъминлаш учун мустаҳкам ресурслар базаси яратилди. Бунинг натижасида жаҳон инқирозига самарали қарши туриш ва келгусида кучли, барқарор иқтисодиётнинг шаклланишига, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатини сақлаб қолиш ва энг муҳими, аҳолининг бандлигини таъминлаш, фаровонлигини оширишни ўз вақтида ва муваффақиятли ҳал этишга шароит яратади. Китобда уруғ берилган бу каби устувор мақсадларни амалга ошириш, дунёнинг қатор давлатларида, жумладан, иқтисодий ривожланган давлатларда ҳам инқироз чуқурлашиб бораётган бир пайтда, Ўзбекистон ривожланишнинг янада юқори поғонасига чиқишига хизмат қилади.

- Бугунги кунда қайси ташкилот ёки муассасада бўлманг, жаҳон бўйлаб кузатилаётган молиявий инқирознинг келиб чиқиш сабаблари, омиллари ва уни бартараф этиш йўллари ҳақида фикр-мулоҳазалар, баҳс-мунозаларга гувоҳ бўласиз,- дейди **иқтисодчи, олим Фарҳод Намозов**.

- Ўзбекистон Президентининг инқироздан олдинги даврдаги иқтисодий ва сиёсий стратегияси ўз самарасини бергани, узоқни кўра билиш, кўпгина давлатлар амалга ошира олмаган ишга – бугунги кунда инқирознинг салбий таъсиридан мамлакатнинг молиявий-иқтисодий секторини асрашга шароит яратилгани аҳамиятга молик. Ўзбекистон тажрибаси инқироздан чиқиб кетиш ва етказилган зарарни қоплаш мақсадида дунё мамлакатлари томонидан диққат билан ўрганилишга ва жорий қилинишга муносиб.

Таъкидлаш жоизки, кейинги пайтда юртимизда ёш олима иқтисодчи аёллар ҳам етишиб чиқмоқдаки, улар томонидан билдирилаётган фикрлар, таклиф ва мулоҳазалар ҳам эътиборга молик. Шулардан бири **Ўзбекистон Миллий университети иқтисодиёт факультетининг ўқитувчиси, иқтисод фанлари номзоди Дилшабо Рустамова** бўлиб, олима жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирининг олдини олиш чоралари ҳақида ўқувчи-ёшларнинг тушунчаларини бойитиш зарурлиги, Президентимизнинг мазкур асари бу борада ўқитувчи-педагоглар учун дастурилмал бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади. Талаба-ёшларга ушбу асарнинг моҳияти ва аҳамиятини тўла етказиш мақсадида молия ва банк ходимларини, иқтисодчиларни кенг жалб этган ҳолда қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

- Ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози авж олиб бораётган бир даврда мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун ушбу жараёнга баҳо бериш, унинг юзага келиш сабаблари, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чораларини ишлаб чиқиш юзасидан жавобларга эга бўлишда Президентимиз Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асари муҳим асос саналади. Мазкур асарни ўрганишнинг долзарблиги шундаки, унда инқирознинг иқтисодиётимизга таъсир доираси ҳамда унинг оқибатларини олдини олиш ва юмшатишга асос бўлган омиллар – банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш орқали жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўллари ёритиб берилган.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Евровалюта ҳудуди иқтисоди

Еврохудудда 2009 йилнинг февраль ойида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 18,4 фоизга тушиб кетган.



Бу 1986 йилдан буён энг рекорд пасайишдир. Боз устига ўтган март ойида инфляция даражаси – 0,6 фоизни ташкил этган, феврал ойида эса мазкур кўрсаткич яна да юқори бўлган. Инфляциянинг пасайиши Ирландия, Португалия ва Люксембургда қайд этилган. Нарх-навонинг ўсиши Латвия, Литва ва Руминияда кузатилган. Жорий апрель ойини март билан солиштирганда кийим-кечак ва маиший техник жиҳозлар нархлари ошган, турар-жой бинолари ва транспортлар нархлари эса пасайган.

Янги иш ўринлари керак

Монако қироллигида ўтган 10 йилдаги энг йирик намойиш бўлиб ўтди.



Унда банклар, супермаркетлар, шифохоналар, меҳмонхона, завод ва фабрикалар ходимлари иштирок этган. «Evronews» хабарига кўра, намойишчилар ҳукуматдан иш ўринларини яхшилашни талаб қилишмоқда. Қиролликда ҳозир иш ўринлари 11 фоизга тушиб кетган. Бу ўтган 10 йилдаги энг юқори кўрсаткич саналади. «Монакода кўп ҳолларда меҳнат қонунига амал қилинмайди, - дейди касаба уюшмаси вакилларидан бири. – Мисол учун, бу ерда ноқонуний муҳожирларни ҳеч ким тан олмайди, қолаверса, 40 фоиз ишчилар меҳнат шартномаси асосида рўйхатдан ўтиш имкониятига эга эмас». Мамлакат касаба уюшмаси раисининг фикрича, Монакода бандлик муаммоси тобора чуқур илдиз отмоқда. Бу мамлакат Меҳнат қонунининг пухта ишлаб чиқилмагани билан боғлиқ бўлиб, унда бошқа кўплаб давлатларда мавжуд қоида-қонунларни учратмайсиз. Кўп ҳолларда ташкилотлар ишчилар билан меҳнат шартномаси тузишмайди.

Даромадда пасайиш

«Nokia» уяли алоқа компаниясининг даромади 90 фоизга тушиб кетган.



Республикамиз уяли алоқа бозорида «Nokia» русумли «сотка»-лар кенг тарқалган. Финларнинг мазкур компанияси маҳсулотлари бошқа давлатларда ҳам анча машҳур. Шунга қарамай, уяли телефонлар савдосидан катта даромад кўриб келган «Nokia» жорий йилнинг 1-чорагини жиддий зарар билан якунлади: даромад ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 90 фоизга тушиб кетган. ИТАР-ТАСС хабарига кўра, компаниянинг соф даромади 122 миллион еврогача тушиб кетган. Савдо айланмасидаги бундай пасайиш молиявий-иқтисодий инқироз билан боғлиқ. Кузатувчиларнинг фикрича, компания муаммони бартараф этиш учун қарийб 1,5 минг ходимни ишдан бўшатиши лозим.

Интернет хабарлари асосида Садоқат ДАВРОНОВА тайёрлади

РАНГИН ДУНЁ

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, “Milliy tiklanish” мухбири

Холи ўзгача нишонланадиган байрам

Ҳиндларнинг ҳаётини байрамларисиз тасаввур қилиш қийин. Бекорга индуизмни “мингларча байрамни мужассам этган дин” деб айтишмайди. Ҳиндларда ҳар бир маъбуднинг эсланадиган куни бўлиб, улар кўпчилик билан биргаликда ўтказилади. Масалан, 2007 йили “Кумбхамела” байрамини ўтказиш учун дунё бўйича 70 миллион киши тўпланган. Бу эса ўз навбатида аҳолининг тўпланиши бўйича халқаро рекорд ҳисобланади. Аслида ҳиндларнинг энг севимли ва машҳур байрамларидан бири — Холи бўлиб, унда одамлар бир-бирига бўёқлар сепишади.



Холи байрамининг диний мазмунидан ташқари дунёвий кўринишлари ҳам мавжуд. Байрам нишонланадиган даврда Ҳиндистонда буғдой ўрими бошланади. Шунингдек, ҳиндлар Янги йил байрамини баҳор фаслида, яъни уйғониш даврида нишонлашади. Аниқроқ айтганда, Холи байрами февраль-март ойларида — янги тўлин ой чиққан кунда ўтказилади. Мутахассислар бу байрам қачондан буён нишонланаётганини аниқ билишмайди. Айрим афсоналарда келтирилишича, Вишна маъбуди байрамларни тўрт табақага бўлиб берган, шундан шудраларга — яъни энг паст табақа вакиллари — деҳқон, қул ва хизматкорларга Холи байрами тўғри келган. Тақдирни қарангки, айнан Холи байрами бошқа байрамлар ичида энг машҳури ва ҳамма табақалар учун бирдек қадрли маросимга айланиб қолган.

Ҳиндистон маданияти кўплаб халқ оғзаки ижоди дурдоналари, ҳикоят ва ривоятларга бой бўлганидек Холи ҳам ниҳоятда афсоналарга бой. У мамлакатнинг ҳар бир вилоятида ўзгача нишонланади. Ҳатто, байрам қайси бир маъбудга бағишланган десангиз, ҳар бир туман вакили ўзининг ривоятини айта кетади. Жуда машҳур афсоналардан бири подшоҳ Хираньякашипнинг ўғли шаҳзода Прахлада ҳақидагисидир. Айтишларича, шаҳзода отаси сиғинган худодан воз кечиб Вишна маъбудига сиғингани учун подшоҳ уни гулханда ёқишни буюради. Шаҳзоданинг холаси Холика ўзини оловдан ҳимоялаб турувчи дуоларни қалқон қилиб, Прахладани гулхан ичига олиб киради. Вишна шаҳзоданинг нидосини эшитгач, ўз бандасига ёрдам беради. Шаҳзодани аланга таъсир этмайдиган қилиб сеҳрлайди-да, Холиканинг дуоибад қилинган қалқонини парчалаб юборади. Сўнг, Вишна ерга тушиб Хираньякашипни ўлдиради. Шундай қилиб кўпчилик ҳиндлар Холиканинг ўлими ва Прахладанинг омон қолганини нишонлашади(айрим ерларда икки ҳафта давомида жодугар Холикага атаб унинг қиёфасидаги ясама қўғирчоқ(чучела) ёқилади). “Холи” байрами ана шу тахлит нишонлана бошланган. Албатта ушбу байрам ҳақида бундан бошқа кўплаб афсоналар ҳам бор.

Маълумки, ҳиндлар жуда кўп динларга эътиқод қилишади. Шундай экан, Холи ҳақидаги тушунчалари ҳам ҳар хил. Мисол учун, Матхури шаҳри атрофидагилар Кришна маъбудига сиғиниб келишади. Уларнинг ҳам бу хусусда ўз афсона ва ривоятлари мавжуд. Айтишларича, Кришна ёшлигида жуда шўх ва беғубор бола бўлганлиги боис, ҳаммага бўёқ сепишни яхши кўрган. Кришна ўзи қорача бўлгани учун маҳбубаси Радхи ҳам қорайсин деб унга қора бўёқ сепган экан.

Ҳиндлар Холи байрамига тайёргарликни бир ой аввал бошлаб юборишади. Жанубликлар ашула айтиб, Вишнанинг ғолиблигини куйлашса, шимолликлар чўп, ўтин, эски матоларни гулхан учун ғамлашга тушишади. Қадимги урф-одатларга кўра, биринчи бўлиб гулханни Раджа ўз саройида ёққан, ундан сўнг оддий аҳолига олов тарқатилган экан. Ҳозир эса ҳар ким ўзи олов ёқади, бироқ буғдойни оловда пишириб уни ейиш одати ҳанузгача сақланиб қолган. Ясама қўғирчоқ ёқиб бўлинганидан сўнг байрамнинг энг қизиқарли қисми — Рангпанчами, яъни Янги йилнинг бошланиши нишонланади. Мана шунда ҳамма бир-бирига гул кукуни (гулал) ва рангли сув сепишади. Қишлоқларда ушбу тадбир пайтида асрдан-асрга сақланиб келаётган, бамбукдан ясалган махсус сув тўппончаларидан фойдаланишади. Кўча-кўйда кўринган ҳар бир буюм, ҳатто ўткинчиларга ҳам бўёқ сепилади. Бу ҳам майли. Фил устида ўтирган одам ҳам бўёқдан қутулиб қололмайди. Брахманнинг қўлидан олинган оловранг кукун бахт ва омад белгиси ҳисобланади. Бўёқ тез ювилиши учун у табиий йўл билан олинади. Чунки, бу кун ҳеч ким бир-биридан ҳафа бўлмаслиги керак. Ҳатто, уни “энг демократик” байрам деб аташади. Негаки, байрам чоғида амалдорлар ва брахманлар бирдек бўялади. Шунинг учун кўпчилик юқори табақадагилар уйларида байрамни нишонлаб, кўчага кўпам чиқаверишмайди. Кечга бориб Холи гулханида иситилган сувда кийимларни ювиб, байрамона либосларни кийиб дастурхон атрофида йиғилишади.

Холика ёқилганининг эртаси куни ҳиндлар “дхувалд” (“кул” маъносини билдиради) деб аташади. Унда эркаклар бир-бирларига бўёқ эмас, кул сепишади, аёллар эса кулни сувга ташлашади. Бу билан улар жодугар Холикага бўлган нафратларини баён этишади. Ҳиндистоннинг ғарбий қисмида эса бу вақтда ҳеч ким кўчага чиқмайди, негаки ҳамма бир-бирини маҳкам қучоқлаши одатга айланган. Марохатликлар бу байрамга жиддий ёндашиб, ўтганларни ёдга олишади ва гулхан атрофида қилич ўйнатишади. Айрим ерларда эса қурбонликка эчки сўйилиб, Холи байрамини нишонлаш одат тусига кирган. Ҳиндистонда Холи байрами нишонланадиган асосий жой Матхури ҳудуди ҳисобланади. Бу ерда мамлакатнинг марказий вилоятларидан вакиллар йиғилишади ва байрам узоқ давом этади. Айтишларича, агар омад кулиб боқса — Вриндаван водийсида ой шуъласида Кришнани рақсга тушаётганини кўриш ва сирли овозини эшитиш мумкин экан.

МАДАНИЯТ



Халқ ўйинлари тобора оммалашмоқда

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

Мустақиллик туфайли миллий қадриятлар, халқимизнинг орзу, умид ва армонлари мужассамлашган халқ ўйинлари қайта тикланди. Аждодларимизнинг бебаҳо мероси бўлган халқ ўйинлари ва миллий қадриятларимизни тарғиб қилиш улардан ёшларни тарбиялаш йўлида фойдаланиш бугуннинг, қолаверса ЎзМТДП Дастуридаги асосий вазифалардан бири саналади. Бу борада айниқса Жиззах воҳасида олиб борилаётган ишларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
“Milliy tiklanish” мухбири

Вилоятда ўтказилаётган бирорта байрам, тадбир йўққи, унда халқ ўйинлари кенг оммага намойиш этилмаётган бўлса. Энг азиз байрамларимиз- Мустақиллик ва Наврўз сайилларида барча шаҳар ва қишлоқларда халқ ўйинлари катта тантана қилинишининг гувоҳи бўламиз. “Сангзор”, “Боғишамол” масканларида, “Истиқлол” болалар истироҳат боғларида, “Ором” фавворалар мажмуида, “Мустақиллик” майдонида, “Истиқлол” ёшлар форумида, Форишнинг лолақизғалдоқларга чўлғанган “қизил қирларида”, Ғаллаоролнинг яйловларида, Зомин кенгликларида, Бахмал, Жиззах, Зафаробод, Зарбдор, Пахтакор, Дўстлик, Мирзачўлнинг сарҳадсиз майдонларида ҳаваскорлар, кенг жамоатчилик томонидан ижро этилган халқ ўйинлари томошабинларда катта таассурот қолдирди, десак асло муболағa қилмаган бўламиз.

Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” дея эълон қилинган жорий йилда халқ ўйинлари янада гуллаб яшнаши тайин. Чунки бу ўйинлар халқимизни меҳнат кучоғига чорлайди, юртни обод қилишга ундайди. Бундай тантаналарга обрўли ташкилотлар бош-қош бўлаётгани айниқса аҳамиятлидир. Жиззах вилояти халқ ижодиёти, маданий-маърифий ишлар илмий услубият маркази томонидан амалга оширилган, режалаштирилаётган амалий ишлар фикримизни тасдиқлайди. Сангзор воҳасидаги 15 та “Халқ” ва “Наъмунали” фахрий унвонга эга бўлган бадиий ҳаваскорлик жамоалари турли касб эгалари — айнан халқ вакилларидан ташкил топгани ўйинлар тобора миллий тус олаётганини кўрсатади. Жамоалар халқ ўйинлари ва қўшиқлари, унинг миллий қадриятлари, урф-одатлари, анъаналари ва маросимларини ўрганиб, уни кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор бермоқдалар. Уларнинг эришаётган ютуқлари муносиб тақдирланмоқда. Биргина ўтган йили икки жамоа— “Зомин сайқали” фольклор-этнографик ансамбли, Жиззах туман марказий маданият уйи қошидаги ҳаваскорлик қўғирчоқ театри халқ унвонига сазовор бўлдилар.

Юқорида номлари тилга олинган жамоаларнинг эришган ютуқларидан руҳланган “Жиззах гулдастаси”, “Зебомхон”, “Чўлқувар”, “Боғдон гуллари”, “Гаштак”, “Олтин бошоқ”, “Чорвадор”, “Пахта”, “Гулзор”, “Олтин водий” жамоалари ҳам ўз репертуарларини асосан халқ ўйинлари билан бойитмоқдалар.

— Халқ ўйинлари унинг ўзидай содда, равон, томошабинлар қалбига етиб борадиган бўлиши керак,- дейди услубият маркази бўлими мудири Рўзимуҳаммад Шайманов. — Юртимизда миллий урф-одатлар, маросим ва анъаналарга эътибор кучайиб бораётган айни дамда халқ ўйинларига кўпроқ мурожаат қилиш керак. Бунда фольклор-этнографик жамоаларнинг хизмати катта. Улар ўз ҳудудларидаги урф-одатларни, либос, шева, услуб, рақс ҳаракатларини ўз дастурларида уйғунлаштириб, омма ўртасида намойиш этмоқдалар.

Халқ ижоди туганмас хазина. Бу хазинани қалбига жо айлаб, узоқ умр кўрган бобо ва момоларнинг қўшиқларини ёзиб олиш, уларга сайқал бериб саҳналаштириб, томошабинларга кўрсатиш ҳаваскорларга катта обрў-эътибор келтирмоқда. Фикримизнинг исботи сифатида Ғаллаорол тумани марказий маданият уйи қошидаги “Гаштак” фольклор-этнографик халқ жамоасининг ишларини айтиб ўтайлик. Бу жамоа мустақиллигимиз эълон қилинган 1991 йилда ташкил топган. Қадимда навқирон йигитлар йиғилишиб гап-гаштаклар ташкил этилганига нисбат берилиб номланган. Унинг аъзолари ўтган даврда юзга яқин лапарлар, айтишувлар, байтлар халқ ўйинлари намуналарини тўпладилар. Бу кўринишлар Республика миллий телерадиокомпанияси кўрсатув ва эшиттиришларининг олтин фондига ёзиб олинди. Унга халқ ансамбли номи берилди. 2002 йилнинг май ойида халқаро ЮНЕСКО томонидан ўтказилган “Бойсун баҳори” фестивалида халқаро ташкилот лауреати соҳиби бўлди.

Республикамиз маданий ҳаётида ўзига хос ўрни бор, жамоанинг чиқишларини кўрган томошабин қалби қайноқ халқимизнинг тафтини сезади. Унинг қочиримларга бой, пардаланган, маъноли фикрларидан озиқ олади. Республикамизнинг Мустақиллик ва Наврўз тантаналарида эўр муваффақият билан қатнашаётганига ҳам сабаб шу. Уларнинг чорловчи мана бу байтларига қулоқ беринг-а:

Эй жўралар, ёру-дўстлар қўшилингиз гаштакка! Дастурхонни обод қилиб, тизилингиз гаштакка,
Даврамизда ўйин бўлар, кулгу бўлар гап бўлар,
Кўп ҳазиллар ҳазм бўлар жўр бўлингиз гаштакка!

Ҳаваскорлар репертуарларидан жой олган ўнлаб турдаги халқ ўйинлари саҳналаштирилган тарзда ижро этилади. Унга томошабинлар ҳам жалб этилади. Ким қўлидан нима келса ҳиссасини қўшади. Биров қарсак чалади, биров ўйинга тушади. Биров байт айтади...

Байт айтайин, байт айтайин башанг куйлагим кийдим,
Ёримни кўрдим ҳозир, уни юракдан суйдим.
Одил пошшо даврида шундай ўйнадим, кулдим,
Ҳаётда яшаш завқин шу ерга келиб билдим...

Мана буни шукроналик деса бўлади. Наврўз чоғларида Фориш туманидаги “Қизил қир” тантаналарида иштирок этиш билан баҳорни кутиб олиш мумкин. Табиат сеҳри билан бобомиз Маҳмуд Қошғарийнинг сўзи билан айтганда: ,борлиққа “турлук жажак ярилган”. Бу ерга бири-биридан гўзал, сочларига толдан баргаклар таққан қизлар, ўктам йигитлар, тилларидан бол томадиган боболар ва момолар йиғиладилар. Ҳамма жойда байрам нашидаси. Бу туйғуни кучайтириш учун тантанага “Боғдон гуллари” фольклор-этнографик халқ ансамблининг ҳаваскорлари кириб келадилар. Улар ўз репертуарларини асосан халқ ўйинлари асосида ташкил этганлар. Бу жамоанинг фаолият юритаётганига 31 йил тўлаяпти. Шунча даврдан бери халқнинг ўзидан олиб, унга сайқал бериб, бадиийлаштириб келаяпти. Миллий удумлар, маросим қўшиқлари, халқ ўйинларини йиғиб, гард теккизмай саҳналаштираяпти. Бу ерда республика халқ ўйинлари олимпиадаси жуда кўп ўтказилган. Қаторасига уч йил жамоа фахрли биринчи ўринни эгаллаган. “Подачи”, “Елкада кураш”, “Қулоқ чўзма”, “Арқон тортиш”, “Балқон-балқон” каби ўнлаб халқ ўйинлари кенг оммалашиб кетган. Жамоа раҳбари А.Турсунмуродова бу йилги режалар ҳақида шундай дейди:

- Халқ ўйинлари айниқса ёшларни тарбиялашда катта аҳамиятга эга. Масалан, “Арқон тортиш” ўйинини олайлик. Бунда йигитлар спорт формасида чиқадилар. Тасаввур қилинг, икки томондаги ёшлар арқонни бор кучи билан тортаяпти. Шунда мускулдор йигитларнинг қандай қувватга эга эканлиги йиғилганларга маълум бўлади. Ўшанда энг кучли йигитга энг чиройли қизлар ошиқ бўлади, десак хато бўлмайди. Табиатда табиий танланиш деган гап бор. Мана шундай халқ ўйинларимиз бизнинг табиатимизни кўрсатмайдими, ахир?! Кейин халқ термалари бор, уларда қизларимизнинг ибоси, узун сочлари, қаддиқомати ибо пардасига ўралиб ижро этилади. Бу қизларимизни тарбиялашда катта аҳамиятга эга деб ўйлаймиз.

Ҳа, халқ ўйинлари замирида ана шундай ҳислар яшириниган бўлади. Уни тушуниш, ҳис қилиш керак. Бебаҳо бойлигимиз халқ ўйинлари ҳаётимизга қайтиб келаётган бугунги кунда бунинг ижобий томонларини ҳаммамиз яхши биламиз. Бир ҳолатни сезганмисиз, кексалар, суҳбатдошига қизиқроқ савол беради-да, унинг натижасини кутиб туради. Агар жавоб кўнгилдагидай бўлмаса, ўқлов-тахтайни йиғиштириб қўя қолади. Шундай, халқнинг ўйинларида жуда катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган куч бор. Лекин уни томошабинга етказишда жуда катта маҳорат, санъат керак бўлади. Халқ ўйинларига бўлган талабнинг ошиб бораётганига ҳам сабаб шу.

Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳайъати қарорига асосан “Фольклор-этнографик халқ ансамбли” унвонини олган “Зомин сайқали” жамоаси репертуари билан танишсангиз халқ ўйинларини кўплаб учратасиз.

Халқимизда ўнта бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса қилиғи, деган ибратли нақл бор. Минг йиллик тарихга эга бўлган туман, қишлоқларимизда асрлар оша яшаб келаётган халқ ўйинларини тўплашда, уни мустақиллик шароитига мослаб томошабинларга етказишда Бахтиёр Ҳакимов, Мамлакат Бўронова, Турсунқул Мавлонов, Дониёр Хушбоқов сингари ҳаваскор ходимларнинг хизматлари катта бўлаяпти. Жамоа 2009 йил учун Дастур тузиб, халқ ўйинларини янада оммалаштиришга имкон берувчи тадбирларни амалга оширишяпти.

Халқ ўйинларини тарғиботташвиқот қилишда вилоятдаги барча жамоалар бир жону бир тан бўлиб ҳаракат қилишмоқда. Жамоанинг вилоят маркази Жиззах шаҳрида ўтказилган Мустақиллик ҳамда Наврўз байрамларида иштирок этгани бунга яққол мисол бўла олади. Халқ даҳосидан озиқ олиб шу юртдан етишиб чиққан халқ бахшилари улуғ шоиру адиблар ҳаёти ўрнак бўлса арзигулик. Улуғ шоир Ҳамид Олимжон “Одамлардан тинглаб ҳикоя, ўсар эди шоирда ғоя”, деган сатрларни битганда халқ ижодини кўз олдига келтирган бўлса не ажаб.

Халқнинг ўзидай содда, мазмуни чуқур, кўнгилга тегмайдиган ўйинларини эъзозлаш, замон талабларига мослаш албатта зарур ва керак.

Халқ ўйинлари айниқса ёшларни тарбиялашда катта аҳамиятга эга. Масалан, “Арқон тортиш” ўйинини олайлик. Бунда йигитлар спорт формасида чиқадилар. Тасаввур қилинг, икки томондаги ёшлар арқонни бор кучи билан тортаяпти. Шунда мускулдор йигитларнинг қандай қувватга эга эканлиги йиғилганларга маълум бўлади.

Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” дея эълон қилинган жорий йилда халқ ўйинлари янада гуллаб яшнаши тайин. Чунки бу ўйинлар халқимизни меҳнат қучоғига чорлайди, юртни обод қилишга ундайди.

ТЕАТРЛАРДА

Спектакль тақдимоти

Алишер Навоий номли Наманган вилоят мусиқали драма ва комедия театрида Ўзбекистон халқ шоири Охунжон Ҳакимов қаламига мансуб “Бу чоллар ёмон чоллар” номли комедия тақдимоти бўлиб ўтди.

Спектаклда оддий бир қишлоқ хонадонида кечган ҳаётий можаролар енгил юмор ва хазил орқали талқин қилинган.

Спектаклни театр режиссёри Маъруфжон Ниёзов саҳналаштирган. Ролларда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Алижон Тожибоев, театрнинг етакчи артистлари Баҳодир Жўраев, Авазбек Қодиров, Бахтиёр Жалилов, Азиза Каримова, Меҳрихон Абдуллаевалар иштирок этишган.

Спектакль намойишидан сўнг, малакали театршунос мутахассислар ва маданият ходимлари асар, актёрларнинг ижрочилик маҳорати, асар сюжети билан боғлиқ масалалар муҳокама қилиниб, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Халқ театрлари фестивали

Садриддин Айний номли Бухоро вилояти мусиқали драма ва комедия театрида ҳаваскор театр жамоалари ва қўғирчоқ театрлари кўрик фестивалининг вилоят босқичига якун ясалди. Бу танловнинг асосий мақсади ҳаваскор театр жамоалари ва қўғирчоқ театрлари ижодий фаолиятини янада жонлантириш, ёшларни театр санъатига қизиқишларини орттириш ва бу соҳага жалб этиш, аҳолига маданий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, иқтидорли ёш истеъдодларни кашф этишдир.

Ана шундай умидлар билан ўтказилган бу тадбирда Жондор туманининг “Эътиқод” халқ театри ҳамда Ғиждувон туман қўғирчоқ халқ театри биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Жондорликларнинг ҳозирги кунда жамиятимиз олдида турган долзарб масала бўлган одам савдоси муаммоси кенг ёритилган Фарҳод Ҳожиев қаламига мансуб “Адашганлар ёхуд қарғиш олган остона” асарининг намойиши барча томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Қўғирчоқ халқ театри М.Рўзимуҳаммедовнинг “Айёр тулкининг қилмиши” спектаклини ҳавола этди. Жондор туманининг “Эътиқод” халқ театри актёри Ихтиёр Пўлатов ва Вобкент туман халқ театри актёри Норқул Аминов “Энг яхши ижроси учун” номинацияси ғолиби бўлишди. Ғолиблар ташкилий қўмитанинг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Ғолиблар Бухоро шаҳрида ўтказиладиган танловнинг республика босқичида иштирок этадилар.

Мухтасархон КАРИМОВА,
Ҳусан БУРҲОНОВ

ЎГИТ

Кимки дўстига қабоҳат айласа,
Мард йўлин тўсгувчи номарддир ўша.

* * *

Паст киши ўздин баландга ёв бўлур.

* * *

Меҳри покларни азиз тут эрта-кеч,
Меҳри йўқларга кўнгилни берма ҳеч.

ТУРФА ОЛАМ

Қадимий шаҳар

Канадалик археологлар Туркиянинг жанубий қисмида тахминан 3 минг йиллик тарихга эга бўлган ибодатхонани топишган.



Телль Тайнат ҳудудидаги қазилма ишлари чоғида археологлар қадимги меъморий обида қолдиқлари, ғаройиб зинапоялар ва ўша давр салтанати қасрига дуч келишган. Торонта университети тадқиқотчиси Тим Харрисоннинг айтишича, эрамиздан аввалги 738 йилда мавжуд бўлган Хална шаҳрининг қолдиқлари айнан қадимги Кунула шаҳрининг ўзи экан. Демак, Хална ва Кунула шаҳарлари алоҳида-алоҳида шаҳарлар эмас, турли даврларда ҳар хил номланган битта шаҳар бўлиб чиқди.

Дори тайёрлашнинг антиқа усули



Пенсильван университети олимлари қадимги мисрликларнинг дори тайёрлаш усулини аниқлашди, дейилади хорижий оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарда.

Мутахассислар қадимги хумларни текшириб, мисрликлар мусалласи тиндириб сўнг ҳар хил ўтлардан фойдаланилган ҳолда дори тайёрлашган деган назарияни илгари суришмоқда. Хумларнинг бири эрамиздан аввалги 3150 йилларга тааллуқли бўлиб, у фиръавнларнинг қабридан топилган. Мисрнинг жанубидаги Гебель Адда ҳудудидан топилган иккинчи хумча IV-VI асрга тааллуқли бўлиб, унда ҳар хил ўтлар ва мусаллас сақланганлиги аниқланган. Қадимги папирусларда таъкидланишича мисрликлар ушбу ўтлардан ошқозон, ичак ва герпес касалликларига қарши даволашда самарали фойдаланишган.

SONYдан яна янгилик

Ўзининг ихтиролари билан ҳаммани лол қолдириб келаётган Sony компанияси оммага янада қулай ва хавфсиз бўлган янги ихтирони намойиш этди.



Ушбу компания метанолда эмас, балки глюкозада ишлайдиган “ёқилғи ячейкаси”ни ихтиро қилган. Мутахассисларнинг фикрича, бир ҳовуч гуруч таркибидаги глюкоза 96 АА батарейкаси қувватига тенг қувватни етказиб бераркан. Шундай экан, олимлар ҳазиломуз тарзда, демак электр тизими йўқ ерда бир шиша ширин ичимлик ёки бир қошиқ шакар компьютер ёки қўл телефонига керакли бўлган қувватни бера оларкан-да дейишмоқда. Янги “Sony Bio Batter” деб номланган батарейкаси кубик холда бўлиб 4х4х4 ҳажмга эга.

Ўзи қувватланадиган телефон

Kyocera компанияси EOS номли юмшоқ ва эгилувчан телефонни ихтиро қилди. Қурилманинг афзаллиги шундаки, уни ташқаридан қувватлантиришнинг хожати йўқ экан.



Негаки, Kyocera EOS қурилмасида кинетик энергия қўлланилиб, қўл билан телефон қанча эзғиланса, шунча керакли бўлган энергия оларкан. Бунга асосан қурилмадаги митти пьезоэлектр генератори ёрдам беради. Қурилманинг дизайнери Сьюзан Маккиннинг айтишича, юмшоқ полимердан ясалган бу қурилмадан ҳар қачон ва ҳар ерда унумли фойдаланиш мумкин. Ҳозирча Kyocera EOS телефони саноқли нусхаларда, у ҳали сотувга чиқарилмаган. Бироқ, Сан Диего мутахассислари келажакда ушбу телефонни жуда кўп миқдорда ишлаб чиқаришни мўлжаллашмоқда.

М.ХУДАЙБЕРГАНОВА
тайёрлади

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ:
«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЁЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:
Жалолиддин САФОЕВ

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун таҳририят жавобгарликни ўз бўйнига олмайди.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г-323, Адади — 4564

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: (8-371) 234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи:
Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир:
Исмат ХУДОЁРОВ
Навбатчи:
Гулбаҳор УМУРЗОҚОВА

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 20.00.

ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Тошкент — миллат қиёфаси

ЎзМТДП тадбирларида пойтахтимизнинг 2200 йиллигини муносиб кутиб олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда



(Давоми. Боши 1-бетда)

ЎзМТДП Шайхонтоҳур туман кенгаши томонидан "Кўкча" маҳалласидаги 192-мактабда "Шу азиз Ватан барчамизники" мавзусида ўтказилган давра суҳбатида ҳам бу борада амалга оширилаётган ишлар алоҳида қайд этилди.

Тадбирда ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари Абдуғофур Маматов ва Шарифа Салимова, партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши аъзолари, маҳалла фаоллари ҳамда мактаб ўқувчилари иштирок этишди.

Сўзга чиққанлар Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида тўхталдилар. Шунингдек, нотиқлар Буюк ипак йўлининг ажралмас қисми бўлган шаҳримиз тарихига тўхталиб, "Тошкент шаҳрининг тарихига назар", "Пойтахтимнинг ўн икки дарвозаси", "Она шаҳрим-2200 ёшда" ҳамда "Тошкент шаҳри кеча, бугун ва эртага" каби мавзуларда маърузалар қилдилар.

Депутатларнинг мавзу юзасидан ёшлар билан яқиндан мулоқот қилиши уларнинг пойтахтимиз тарихи билан боғлиқ билимларини янада оширди.

Худди шундай тадбир туманнинг "Жарариқ" маҳалласи фаоллари иштирокида ҳам бўлиб ўтди. Шунингдек, тадбирда аёллар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

* * *

ЎзМТДП Мирзо Улуғбек туман кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йилдаги "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорининг ижросини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида туманда маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Шундай тадбирлардан бири тумандаги Гулзор маҳалласида бўлиб ўтди. Унда туман маънавият ва маърифат кенгаши, Маънавият тарғибот бўлими, маданият ва спорт ишлари бўлими вакиллари иштирок этишди. Тадбир иштирокчилари эътибори мамлакатимизда, хусусан мустақиллик йилларида пойтахтимизда олиб борилган бунёдкорлик ишларига қаратилди.

Туманнинг «Аҳиллик» маҳалласида бўлиб ўтган тадбирни маҳалла фуқаролар йиғини раиси Х.Мирходиев олиб борди. У ўз сўзида маҳаллада олиб борилаётган ободонлаштириш - кўкаламзорлаштириш ишларга кенг тўхталди.

- Гурур – ифтихоримиз ҳисобланмиш муаззам пойтахтимизнинг миллий давлатчилигимиз тарихида, давлат ва жамият бошқарувида, қўйингки ҳаётимизнинг барча жабҳаларида тутган ўрни беқиёс. 2007 йилда бу таърифлар қаторига "Тошкент – ислом маданияти пойтахти" деган юксак ном берилиши шарқ дарвозаси аталмиш шаҳримизга халқаро ҳамжамиятнинг бўлган чуқур эҳтиромидан далолатдир, - деди тадбирда сўзга чиққан партия туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ҳалима Жуманиёзова.

Худди шундай тадбир Давлат санитария-эпидемиология назорати Мирзо Улуғбек туман бўлимида ҳам ўтказилди. Шифокорлар ва партия фаоллари иштирок этган тадбирда сўзга чиққан Давлат санитария-эпидемиология назорати туман бўлими бош шифокори А.Қурбонов азалдан маданиятнинг йирик маркази ҳамда тинчлик ва дўстлик рамзи ҳисобланган, маърифат бешикларидан бири сифатида ном олган пойтахтимизнинг 2200 йиллик юбилейи дунё миқёсида ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини қайд этиб ўтди.

Тадбирлар давомида иштирокчилар шаҳримизни янада ободонлаштириш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканлигини таъкидлаган ҳолда маънавий-маърифий тадбирлар, кўргазмалар, ҳашарлар уюштириш орқали кишиларда, хусусан ёш авлод онгида она Ватанга муҳаббат туйғусини янада улғайтириш, яратувчанлик руҳини кучайтиришга эътибор қаратиш ва бунда ўзаро ҳамкорликка алоҳида эътибор беришга келишиб олдилар.

Тадбирларга туман маданият ва спорт ишлари бўлимининг "Феруза", "Гулшан", "Юлдуз" маданият уйлари санъаткорлари иштирокидаги шаҳар тарихига оид ривоятлар асосида тайёрланган саҳна кўринишлари ва ижро этган куй-қўшиқлари ўзгача файз бағишлади.

Наргиза АҲМЕДОВА,
ЎзМТДП Шайхонтоҳур туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари

Феруза ҲАИТОВА,
ЎзМТДП Мирзо Улуғбек туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ХРОНИКАСИ

"Ёшлар қаноти" доимо фаол

Анорбой НОРҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз фаолияти давомида ёшлар сиёсатига катта эътибор қаратиб келмоқда. ЎзМТДП ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқини, ҳаётий эҳтиёж ва манфаатларини, иқтидор ва мақсадларини қўллаб-қувватлашга доимо интилади. Келажагимиз эгалари бўлган ёшларни умуминсоний қадриятларга ёт бўлган салбий таъсирлардан, зарарли ғоя ва мафкуралардан асраб-авайлаш партиямиз аъзолари олдидаги энг устувор вазифалардан ҳисобланади. Партиянинг ҳудудий кенгашлари қошида ташкил этилган "Ёшлар қаноти" бўғини бу борада самарали фаолият кўрсатмоқда. ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгашида ҳам мазкур бўғин фаол иш олиб бормоқда. Унга вилоятнинг иқтидорли ёшларидан Маҳфират Маҳкамова етакчилик қиляпти. "Ёшлар қаноти" фаоллари томонидан ўтказилаётган тадбирларга эътибор қаратадиган бўлсак, яқинда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази билан ҳамкорликда катта маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси аъзолари, партиядан маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар, бир гуруҳ фаол хотин-кизлар, Гулистон Давлат университети талабалари, Педагогика коллежи ўқувчилари ва иқтидорли ёшлар иштирок этди.

Тадбирда партия вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Фарҳод Норматов, вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, ФЖЎИ вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази раҳбари Солижон Қудратов сўзга чиқди. Шу куни партиянинг фаол аъзолари бўлган хотин-қизлар, иқтидорли талаба-ёшлар партиянинг эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбирнинг бадиий қисмида "Ёшлар қаноти" қошида ташкил этилган "Сирдарё ёшлари" гуруҳининг истеъдодли аъзолари ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Тадбирга партиянинг энг фаол аъзоси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Асатулло Холиқов раҳбарлигидаги "Сирдарё наволари" дастаси чиқишлари ўзгача файз бағишлади. Улар томонидан ижро этилган дилрабо куй-қўшиқ ва рақслар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Иш ўринлари яратилмоқда

Шерзод Қурбонов,
"Milliy tiklanish" мухбири

Барчамизга маълумки сўнгги йилларда ҳукуматимиз томонидан касаначиликни ривожлантириш, жумладан бўш иш ўринлари яратишга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда.

Қарши туманидаги "Гулшан" хусусий фирмасида ҳам ўн йилдирки 8 нафар ёш ўғил-қизлар меҳнат қилиб, улар обинон ва 20 дан ортиқ қандолат маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиб бермоқда.

— Бир ойда 20 тонна ундан қолипли нон тайёрлаймиз,- дейди фирма раҳбари Қундуз Каримова. — Маҳсулотларни тайёрлашда, аввало унинг сифати, сўнгра нархига эътибор қаратамиз. Маҳсулот қанча сифатли, нархи ҳамёнбоп бўлса харидорини топиб кетаверади. Маҳсулотларнинг тури ва сифатини янада ошириш, қолаверса иш ўринларини кўпайтириш мақсадида цехимизга хориждан замонавий асбоб-ускуналар олиб келиб, ўрнатишни режалаштирганмиз ва бу борада дастлабки ҳаракатларни бошлаб юбордик.

Қундуз Каримова тадбиркорликдан ташқари туман Тадбиркор аёл уюшмасининг раиси ҳамдир. Ҳудудда 300 дан ортиқ хотин-қизлар тадбиркорликнинг турли йўналишлари, жумладан миллий ҳунармандчилигимизнинг зардўзлик, гиламчилик, каштачилик ва тикувчилик турлари билан шуғулланиб, иш ўринларини яратишга ҳисса қўшишмоқда. Улар орасида ЎзМТДП аъзолари кўпчиликни ташкил қилади.

Яқинда вилоят Тадбиркор аёл уюшмаси ва ЎзМТДП Қарши туман кенгаши ҳамда "Гулшан" хусусий фирмаси ҳамкорлигида туманда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан қизиққан хотин-қизларга маҳсулотларни тайёрлаш сир-асрорларини ўргатиш мақсадида 3 кунлик амалий ўқув ташкил қилинди. Партия томонидан бу каби ўқувларнинг тез-тез ўтказилиб турилиши, айниқса, уй бекаларининг тадбиркорлик борасида етарлича тажрибага эга бўлишларига хизмат қилмоқда.

Иқтидорлилар баҳси

М.ОТАБОЙ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Футбол мактаб-интернатларининг ўқувчилари ўртасида республика биринчилигини ўтказиш доимий анъанага айланиб қолди. Ҳар йили бўлиб ўтадиган бу мусобақаларда мамлакатимиз футбол жамоалари учун ёш иқтидорли ўйинчиларни танлаб олиш имконияти яратилаётганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Минтақавий ўйинларнинг биринчиси, яъни "Д" гуруҳи иштирокчилари баҳси Вобкент туманида бўлиб ўтди. Мусобақанинг тантанали очилиш маросимида туман ҳокими ўринбосари Б.Одилов, туман халқ таълими бўлими мудири А.Ширинов, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Т.Якибов ҳамда туман маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи У.Нуруллаевлар сўзга чиқиб, ёш футболчиларга омад тиладилар.

Шундан сўнг қуръага кўра ўйинни Вобкент ва Ромитан туманлари ёшлар жамоалари бошлаб беришди ва 0:2 ҳисобида ромитанликларнинг қўли баланд келди.

Беш кун давом этган минтақавий мусобақада республика босқичида иштирок этадиган жамоалар аниқланди. 1996-1997 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида ўтган баҳсларда вобкентликлар биринчи, самарқандликлар иккинчи, ромитанликлар учинчи ўринларни эгаллашди. 1994-1995 йилларда туғилган ёшлар орасида эса Самарқанд жамоаси шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Ундан кейинги ўринларни қаршилик ва вобкентлик ёшлар банд этди.

Ғолибларга туман ҳокимлиги, туман халқ таълими касаба уюшмаси, ЎзМТДП ҳамда "Камолот" ЁИҲ туман кенгашларининг қимматбаҳо совғалари ва фахрий ёрлиқлари топширилди.

Туманда ёшларни соғлом ва баркамол руҳда тарбиялашга хизмат қиладиган кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Яқинда 22-ўрта умумтаълим мактабида спортни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган мураббий Салим Файзиев хотирасига бағишлаб "Хотира турнири" ўтказилди.

Дастлаб маросимда халқ таълими фахрийси М.Ашуров, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Т.Якибов, тумандаги 14-сон ИОЎБЎСМ директори Ш.Ашуровлар тўпланганларга устоз ҳақида ўз хотираларини сўзлаб бердилар.

Сўнгра навбат спорт беллашувларига берилди. Турнирда спортнинг волейбол тури бўйича 6 та жамоа ўзаро баҳс олиб борди. Ғолиблик тумандаги 6-сон иқтидорли болалар мактаб-интернати ўқувчиларига насиб этган бўлса, 7- ва 22-ўрта мактабларнинг жамоалари 2-3 ўринларни эгаллашди.

Ғолиблар ташкилотчиларнинг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

КЎРГАЗМА

Ёш мусаввирлар одам савдосига қарши

Ў.БЕРДИБЕКОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Жиззах вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши ва "Истиқболли авлод" ёшлар ахборот маърифат маркази ҳамкорлигида Жиззах шаҳридаги "Ёшлар шаҳарчаси"да "Одам савдосига бефарқ бўлманг" шиори остида расмлар кўргазмаси ўтказилди. Ҳаммамизга маълумки одам савдоси бугунги кунда бутун дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган жиддий муаммолардан бирига айланмоқда. Айни пайтда бу иллат юртдошларимиз ҳаётига ҳам соя солмоқда. Шу боис унга қарши курашиш мақсадида барча давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида бир қатор тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири вилоятнинг энг фаол иқтидорли ёшлари ўртасида ўтказилганлиги самарали кечди.

- Ушбу тадбирда ёшларимиз ўртасида одам савдосининг олдини олиш, ноқонуний меҳнат миграциясига йўл қўймаслик мақсадида турли жисмоний ва юридик шахслар томонидан чет давлатлардан иш билан таъминлаш билан боғлиқ таклифларга учмаслик, унинг аянчли оқибатлари ҳаётий мисоллар асосида тушинтирилди,- деди ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Шапоат Мусаева. Тадбирни самараси ўлароқ кўргазмада талабалар ва ўқувчилар чизган расмларда ҳам уларнинг одам савдосига қарши курашиш ҳақидаги фикрлари янада теранроқ ифодаланди.

Инсониятни ташвишга солаётган бундай салбий иллатлар келтириб чиқараётган фожеаларни болаларча соддалик, самимийлик билан ёритишга интилган бу иқтидор соҳибларининг асарлари йиғилганларни бефарқ қолдирмади. Ташкил этилган кўргазмада Жиззах Давлат педагогика институтининг тасвирий санъат ва мухандислик графика йўналиши талабалари, вилоят ихтисослашган санъат мактаби интернати ҳамда Жиззах санъат коллежи ўқувчиларининг мавзуга оид ижодий ишлари юқори баҳоланиб, ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

ТАДБИР

Самарали мулоқот

Урганч Давлат университетида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Президент Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" тўғрисидаги асарини ўрганиш юзасидан маънавий-маърифий тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзоси Умид Исмоилов қатнашиб, давлатимиз раҳбари асарининг бугунги кунда инқироз туфайли юзага келадиган муаммолар ечимини топишдаги аҳамияти ва келгусида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий тараққий эттиришдаги роли ҳақида батафсил тўхталиб ўтди. Ер юзида 2008 йилдаёқ кўпгина мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига инқирознинг салбий таъсирлари сезила бошлаган бир пайтда, айнан ўтган йили мамлакатимиз бўйича инвестиция дастурларини амалга ошириш натижасида қарийб 250 миллиард сўмлик асосий фондга эга бўлган жами 423 та объект, жумладан, озиқ-овқат саноатида 145 та, қурилиш материаллари саноатида 118 та, енгил ва тўқимачилик саноатида 65 та, қишлоқ ва ўрмон қурилиши соҳасида 58 та, кимё ва нефть-кимё саноатида 13 та, фармацевтика тармоғида 8 та объект ишга туширилди.

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва фойдаланишга топшириш масалаларига устувор аҳамият берилиши натижасида 113 минг 200 ўқувчига мўлжалланган 169 та касб-ҳунар коллежи ва 14 минг 700 ўринли 23 та академик лицей қурилди ва реконструкция қилинди. Шу билан бирга, 69 та янги мактаб барпо этилди ва 582 та мактаб реконструкция қилинди. Шулар қаторида 184 та болалар спорти иншооти, 26 та қишлоқ врачлик пункти ва 7 миллион 240 минг квадрат метр турар-жой бинолари ва бошқа объектлар қурилди. Президентимиз асарида келтирилган ушбу қисқача маълумот мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсирини камайтириш ва салбий оқибатларнинг юзага келишидан фуқароларимизни муҳофаза қилиш учун чинакамига улуғвор ишлар амалга оширилаётганидан далолат беради.

Анжуманда Урганч Давлат университети Иқтисодиёт кафедраси мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор Б.Рўзметов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари, кутилаётган таъсири ва амалга оширилаётган чора-тадбирлар» тўғрисида маъруза қилди.

— Бугунги шиддатли глобаллашув жараёнлари мавжуд воқеликка, ён-атрофимизда ва жаҳонда юз бераётган маънавий ҳамда бошқа кўринишдаги таҳдид ва хатарларга бефарқ бўлмасликни, ҳушёр ва онгли равишда муносабатда бўлишни талаб қилади. Бундай таҳдидларга доим бирдам бўлиб, огоҳлик билан курашиш, она юртимизнинг энг катта бойлиги- фуқароларимизнинг тинч-осуда ҳаётининг мустаҳкам асоси бўлаётган тинчлик ва хотиржамликни сақлаш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир,- деб таъкидлади нотиқ.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракциясининг аъзолари, Хоразм вилояти ҳокимлиги вакиллари, вилоят Ички ишлар бошқармаси ходимлари, университетнинг профессор-ўқитувчилари, Урганч шаҳридаги Фуқаролар йиғинлари фаоллари, ЎзМТДП вилоят кенгаши аъзолари ва университетнинг юқори курс талабалари иштирок этишди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

ДАВРА СУҲБАТИ

Партия аъзоси

ўз ҳуқуқ ва бурчини қай даражада ҳис қилади?

Назокат УМАРОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Мамлакатимизда демократик жараёнлар ривожланиб бораётган, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти мустаҳкам қарор топаётган бир пайтда сиёсий партияларнинг ўрни ва нуфузи тобора ошиб бормоқда. Буни биз партиялар аъзолари сафи ортиб бораётгани, жойлардаги тарғибот-ташвиқот ҳамда амалий ишлар кўлами кенгаяётганида ҳам кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Сергели туман кенгаши Ижроия қўмитаси туман Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотида "Демократик жамиятда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли" мавзусида давра суҳбати ўтказди. Унда "Ватанпарвар" ташкилотининг ўқитувчи ва ўқувчилари, партия фаоллари иштирок этишди.

Давра суҳбатини партия туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Шавкат Ибрагимов "Партия аъзосининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари" мавзусидаги маърузаси билан очди.

- Бугунги давр ҳар бир фуқародан ўз ҳақ-ҳуқуқлари борасида етарлича билим ва кўникмага эга бўлишни талаб этади,- деди маърузачи. - Сабаби ўз ҳуқуқини тўлиқ англай олган шахс жамият олдидаги мажбуриятларини бажаришда ҳам оғишмайди, Ватан равнақи учун ҳам наф келтира олади.

Партиямиз Уставида партия аъзосининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари батафсил баён қилинган. Унда: "Партия аъзоси партиянинг дастурий ва бошқа ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этиши, партиянинг турли даражадаги ташкилотлари ўтказадиган тадбирларида қатнашиш ҳуқуқига эга" дейилади. Назаримизда мазкур ҳуқуқлар партия аъзоси ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Бу банд нафақат партия аъзосининг ҳуқуқи, балки мажбурияти ҳамдир. Уставнинг бир бандида: "Партия аъзоси партиянинг манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг ғояларини, мақсад ва вазифаларини тарғиб этиш, уларни рўёбга чиқаришда фаол иштирок этиши шарт", деб ёзилган.

Маърузачи партия Уставининг мавзуга доир бандларига алоҳида тўхталди. Шундан сўнг иштирокчилар маъруза юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

- Аҳолига мунтазам равишда ҳайдовчилик борасида билим ва кўникмалар бериб келаётган ташкилотимизда бугунги кунда 300 нафарга яқин тингловчилар таҳсил олмоқда,- деди сўзга чиққан "Ватанпарвар" ташкилоти туман бўлими раҳбари Ғанишер Пўлатов. - Айтиш мумкинки айни дамда партияга аъзо бўлиш истагини билдирган ўқувчиларнинг барчаси тадбир давомида ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишди. Қолаверса, уларнинг сиёсий соҳадаги билимлари ошди.

Давра суҳбати сўнггида иштирокчиларга партия Устав ва Дастури тарқатилди.

Шу мавзудаги тадбир партия туман кенгаши томонидан "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сергели туманлараро бўлимида ҳам ўтказилди.

- Сиёсий билимга эга, ўзини жамиятнинг фаол аъзоси деб билган ҳар бир фуқаро албатта, бирор бир партияга аъзо бўлишни ўз олдига мақсад қилиб белгилайди,- деди тадбирни очар экан ЎзМТДП Сергели туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Шавкат Ибрагимов. - Шу боис, партиямиз сафини шижоатли, фаол ёшлар ҳисобига кўпайтиришдан аввал, биз жойлардаги тарғибот-ташвиқот ишларимизда "Партияга аъзо бўлишдан мақсад нима?", деган савол юзасидан тушунтириш ишларини олиб бораяпмиз. Бу борада биз учун энг муҳим дастуриламал эса, албатта партиямизнинг Устав ва Дастури эканлигини таъкидлаш лозим. Зеро, ҳар бир партия жамият тараққиётига хизмат қиладиган муҳим вазифаларни ўзининг Дастурида белгилаб олади.

Тадбирда "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сергели туманлараро бўлими қошида партиянинг бошланғич ташкилоти тузилди. Корхона раҳбари Хайрулло Каримов БПТ раҳбари этиб сайланди. Ташкилот ходимларидан 17 нафари партияга аъзоликка қабул қилинди.

НАШР

Жамиятни янгилаш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ва ислоҳ этиш жараёни қишлоқларимизнинг тараққиёти ва фаровонлигини таъминлаш билан узвий боғлиқдир. Қишлоқларнинг фаровонлиги, аҳоли ҳаёти учун қулай ва замонавий шарт-шароитларни яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Бундан ташқари, 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастурида кўзда тутилган тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилиши ҳам ўз навбатида, қишлоқларни тараққий эттиришга, юртимиз обод, ҳаётимиз янада фаровон бўлиши учун имконият яратиши шубҳасиздир.

Амалий қўлланма

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» моҳиятини очиб беришга ёрдам беради

Бахтиёр КУШАКАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси ҳамда ЎзМТДП фракцияси аъзоси



Энг муҳими, қишлоқ аҳолиси учун зарур шароитлар яратиш, улар фаровонлигини таъминлаш, энг аввало, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида қабул қилинаётган тегишли қонун ҳужжатлари, шу жумладан Давлат дастурлари мазмун-моҳиятини ижрочи ва аҳолининг кенг қатламига етказиш устувор вазифалардан саналади. Бинобарин, Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «...аслида, ҳар қандай ислоҳотнинг энг муҳим самараси аввало халқнинг маънавий-руҳий қарашларидаги янгиланиш жараёнлари, унинг онгу тафаккурининг юксалиши, мамлакатда юз бераётган ўзгаришлар унинг ҳаётига, тақдирига дахлдор бўлганини чуқур ҳис қилиши ва шундан хулоса чиқариши билан белгиланади».

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти жамоаси томонидан мамлакатимизда 2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги Қарори билан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тасдиқланиб, ижтимоий ҳаётга татбиқ этилаётганлиги муносабати билан мазкур Давлат дастурини амалга ошириш учун масъул бўлган вазирлик, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, илмий тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ва талабалари, шунингдек кенг жамоатчилик учун мўлжалланган амалий қўлланма чоп этилди.

Мазкур амалий қўлланмани тайёрлашдан асосий мақсад мамлакатимиз тараққиётида тутган ўрни ва аҳамияти беқиёс бўлган қишлоқ ҳаётида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳуқуқий асосларининг мазмунини ижрочига ҳамда аҳолига етказиш ҳисобланади. Айниқса, Давлат дастурининг асосий йўналишлари мазмун-моҳиятининг тизимли яхлит китоб шаклида ўқувчиларга етказилиши унда белгиланган чора-тадбирларни, соҳага оид қонун ҳужжатларини амалиётга татбиқ этишда ёрдам беради. Энг муҳими, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда қишлоқ аҳлининг манфаатларини янада тўлиқ таъминлашга қаратилган ислоҳотлар моҳиятини уларга етказишнинг турли хил самарали шаклларидан фойдаланиш ўз навбатида бу борада амалга оширилаётган амалий ишларни янги босқичга кўтариш имконини беради.

Ушбу қўлланма тузилиши жиҳатидан кириш ва 6 бўлимдан иборат.

Амалий қўлланманинг биринчи бўлими «Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарларида қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигига оид билдирилган ғоялар, фикр-мулоҳазалар» деб номланиб, унда Президентимизнинг 1992 йил XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида сўзланган маърузасидан то 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида (2009 йил 13 февраль) айтилган фикрлари, ғоя ва қарашлари ўрин олган.

Қўлланманинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳияти» деб номланган II-бўлими Давлат дастурининг аҳамияти, моҳияти ва асосий йўналишлари, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари, Давлат дастурини амалга ошириш бўйича давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг вазифалари, шунингдек Давлат дастурининг асосий йўналишлари мазмун-моҳиятига, хусусан қишлоқни ижтимоий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларига бағишланган илмий-амалий мақолалар уларнинг мазмун-моҳиятига қараб 5 та алоҳида параграфларда ўз аксини топган.

Қўлланмада «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури моҳиятидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш масалалари ёритиб берилган. Қишлоқни ривожлантиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вазифалари, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг асосий йўналишлари, қишлоқ хўжалигида экологик қонунчилик талабларини амалга оширишда жамоат бирлашмалари иштирокининг ҳуқуқий масалалари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вазифалари тизимли таҳлил этилган. Шунингдек, қишлоқни ижтимоий ривожлантиришни бошқариш тартиби ва асослари, молиявий манбалари, қишлоқ аҳолисини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг даромади ва фаровонлигини оширишнинг ҳуқуқий кафолатлари, қишлоқ хўжалиги соҳасида ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, қишлоқ аҳолисининг тиббий маданиятини оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, қишлоқ жойларида ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ масалалар ёритиб берилган. Қишлоқ аҳоли пунктларини ободонлаштириш, қишлоқда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ҳамда қишлоқ мактаб ва коллежларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ минтақаларида таълим даражаси ва сифатини юксалтиришнинг ҳуқуқий жиҳатлари, қишлоқда тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш, қишлоқ жойларида автомобиль йўл қурилишини ривожлантириш ва транспорт хизмати кўрсатиш, фермер хўжаликларига имтиёз ва преференция берилишига оид долзарб мавзуларнинг моҳияти қонун ҳужжатларининг ривожланиши жараёнлари эътиборга олиниб таҳлил этилган.

Қўлланманинг III-бўлими «Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигига тааллуқли бўлган қонун ҳужжатлари рўйхати» деб номланиб, унда мамлакатимизнинг қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигига оид норматив-ҳуқуқий базаси тизимлаштирилган ҳолда алоҳида, яъни қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигига оид қонунлар рўйхати, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари рўйхати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари рўйхати ўз ифодасини топган. Ушбу тизимли таҳлил эса ўз навбатида, қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигига оид қабул қилинган норматив-ҳуқуқий базадан унумли фойдаланишга ёрдам беради.

Қўлланманинг IV-бўлимида қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигига оид қонун ҳужжатларида қўлланилган асосий тушунча ва атамаларнинг изоҳли луғати ўз аксини топган бўлиб, мазкур луғат ўқувчи учун қулай бўлган жадвал кўринишида берилганлиги, ўз навбатида ҳуқуқни қўллаш амалиётида мазкур қонун ҳужжатларини ҳаётга татбиқ этишда қатор қулайликлар яратади.

Мазкур амалий қўлланма Давлат дастурининг асосий йўналишлари мазмун-моҳиятини очиб беришга бағишланганлиги боис, V-бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури тўғрисида»ги ПҚ-1046-сонли Қарори ва у билан тасдиқланган Давлат дастурининг матни илова тарзида берилган. Ушбу Давлат дастури қўлланманинг VI-бўлимида ўқувчи учун қулай бўлган ҳамда оммабоп тарзда схема кўринишида ифодаланиб, уларда Давлат дастурининг асосий йўналишлари, шунингдек ҳар бир йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар назарда тутилган.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги» деб номланган амалий қўлланма мамлакатимизда қишлоқ аҳолиси учун зарур шароитлар яратиш, улар фаровонлигини таъминлаш, энг аввало, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида қабул қилинган тегишли қонун ҳужжатлари ҳамда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури мазмун-моҳиятини ижрочи ва аҳолининг кенг қатламига етказиш бўйича амалий ишларни ташкил этишда фойдали қўлланма бўлиб хизмат қилади.

Энг муҳими, қишлоқ аҳолиси учун зарур шароитлар яратиш, улар фаровонлигини таъминлаш, энг аввало, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида қабул қилинаётган тегишли қонун ҳужжатлари, шу жумладан Давлат дастурлари мазмун-моҳиятини ижрочи ва аҳолининг кенг қатламига етказиш устувор вазифалардан саналади.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

ЭЪТИРОФ

Саийдиллахон ҒУЛОМОВ,
ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти профессори

Жаҳонда кечаётган молиявий-иқтисодий инқироз кўлами кенгайиб боргани сайин, унга қарши чораларни кучайтириш ҳаракатлари ҳам авж олмоқда. Жумладан оғир оқибатлар келиб чиқишининг олдини олиш учун "Катта йигирмалик" раҳбарлари Буюк Британия пойтахти Лондонда йиғилишиб молиявий-иқтисодий инқироздан чиқиш йўлларини муҳокама қилишган эди.

Ўзбекистон тажрибаси

дунё нигоҳида

Маълумки, йиғиннинг асосий ҳужжати либерал капитализм моделига нуқта қўйиш юзасидан қабул қилинган якуний резолюция бўлди. Яъни, кейинги 20 йил давомида кўпгина ривожланган давлатлар айнан либерал капитализм моделига амал қилиб келаётган эди. Бу модел ўз-ўзини бошқарув ва эркин ҳаракатга асосланади. Йиғин иштирокчиси – Франция билан Германия вакиллари бу тамойилдан, яъни эркин ривожланишдан воз кечиш нуқтаи назарини саммитнинг якуний резолюциясига киритишга эришдилар. Улар фикрига кўра, жаҳон молия бозоридаги бирорта маҳсулот ёки иштирокчи мувофиқлаштириш тизими назоратидан четда қолмаслиги керак. Чунки, дунёнинг етакчи давлатлари раҳбарлари йирик жамғармалар фаолиятини назорат қилиш ва махсус тузилган агентлик ҳамда Халқаро валюта жамғармаси ёрдамида мониторинг ўтказиб бориш мажбуриятини олдилар. Бу эса муайян даражада иқтисодий барқарорликнинг ривожланиш кафолатини таъмин қилади.

"Катта йигирмалик" етакчилари солиқ тизимини назорат қилиш услублари ва даражаси юзасидан умумий бир фикрга кела олмадилар. Шунингдек, ҳозирги инқироз шароитида жаҳон бозорини қўллаб-қувватлаш учун ажратиладиган молиявий кўмакнинг ҳажми юзасидан ҳам ягона тўхтамга эришолмадилар.

Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатларини бартараф этишда 2009 йилда хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини, аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш йўллари назарда тутилади.

Инқирозга қарши олиб борилаётган умумий таҳлиллар жараёни шуни кўрсатадики, Юртбошимиз Ислом Каримовнинг бу борадаги оқилона сиёсати бугун жаҳон молиявий бўҳронининг халқимиз фаровон турмуши учун салбий таъсирига қарши ҳимоя воситасини яратди. Айниқса "таназзул шамоли" кучайган пайтданоқ тегишли чораларнинг тезкорлик билан кўрилгани ўз самарасини бермоқда. Хусусан, Инқирозга қарши чоралар Дастури асосида Президентимиз ва ҳукуматимизнинг бир қатор Қарор ва Фармойишлари қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш керак. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг бугун ҳам мамлакатимизда, ҳам жаҳонда кенг муҳокама қилинаётган **«Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари»** китобида белгиланган вазифалар, амалий таҳлиллар инқироздан кейин Ватанимизнинг янада тараққий этишини таъминлайди.

- Бугун дунё оммавий ахборот воситаларидан иқтисодий инқироз туфайли юзага келган танг вазиятдан чиқа олмаётган нуфузли корпорациялар охироқибат ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлаётгани ҳақида кўп гапирилмоқда,-дейди сенатор Аҳмад Ҳакимов.- Табиийки, булар натижасида дунё бўйича ишсизлар сони кескин тарзда ошиб, аҳолининг аҳволи ёмонлашмоқда. Мана шу таҳликали вазиятга қарамасдан, Ўзбекистон ўз иқтисодий ривожланишининг ўсиш суръатларини сақлаб қолаётгани ва ушбу ҳолат ҳозирги кунда камдан-кам мамлакатларда кузатилаётгани бор гап. Бу натижа, албатта Юртбошимиз раҳнамолигида олиб бориладётган пухта сиёсат маҳсулидир.

Айни пайтда инқирозга қарши чора-тадбирларнинг изчил амалга оширилишида Ислом Каримов китобидаги тавсиялар, хулосалар муҳим роль ўйнаётганлиги мамлакатимиз миқёсида ўз самарасини бераётганлигини жаҳон сиёсатдонлари, эксперт-таҳлилчилар ҳам эътироф этмоқдалар. Чунончи, Тожикистон иқтисодий тадқиқотлар институти директори, академик Нуриддин Қаюмов шундай деди: «Мазкур асар муаллифи, дунёда кечаётган макроиқтисодий жараёнлар моҳиятини англаб етишга қодир улкан салоҳиятга эга бўлган Ислом Каримов – дунёдаги таниқли йўлбошчилардан бири ҳисобланади». Н.Қаюмов китобнинг асосий моҳиятини батафсил таҳлил этар экан, Ўзбекистонда «Ислом Каримовнинг машҳур беш тамойили асосида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар йўлининг оқилона ва изчил» эканлигини қайд этди.

Инқирозга қарши чоралар Дастурини таҳлил этиш асосида тожикистонлик эксперт Ўзбекистон «Жаҳон молиявий инқирози таъсирини бартараф этишнинг аниқ ва реал йўлини ишлаб чиқди ва ундан янада рақобатбардош бўлиб чиқишга барча асослар мавжуд», эканлигини таъкидлади. У бошқа кўпгина давлатлар иқтисодиётида миллий шароит ва асосларга таянмаётганини афсус билан қайд қилди: «Улар ўз олимлари ва амалиёт жараёнида фаолият юритаётган мутахассисларидан кўра кўпроқ океанортидаги маслаҳатгўйларига ишонишади, оқибатда эса иқтисодиёт паймол бўлади, қашшоқлик ортиб аҳоли турмуш даражаси пасайиб кетади». Шу маънода, ўз юрти Тожикистон ҳам ўзига тегишли хулоса чиқариши ва океанортидан камроқ маслаҳат олиши керак, деган ҳақ гапни айтди академик Н.Қаюмов.

Латвиянинг етакчи иқтисодиётчиларидан бири, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Илья Герчиков ҳам Ислом Каримовнинг асарида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг ниҳоятда теран таҳлили ва Ўзбекистон шароитида уни енгиб ўтиш борасидаги чуқур ўйланган ва амалга ошириши реал бўлган чоратадбирларни ифода этишни таъкидлайди.

- Инфратузилмани ривожлантириш давлатнинг кичик бизнесни, шу жумладан банк тизимини қўллаб-қувватлаши, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, уни техник жиҳатдан янгилаш-бу Ўзбекистон ҳукумати томонидан ўз вақтида амалга оширилаётган чоралардан, деб эътироф этади олим. Ўзбекистондаги молиявий-иқтисодий вазиятга салбий таъсир ўтказилишининг олдини олган асосий сабаблардан бири - мамлакат раҳбариятининг мўътадил ва аниқ пул сиёсатидир.

Шу ўринда Шанхай ҳалқаро тадқиқотлар институти Россия ва Марказий Осиё департаменти директори ўринбосари Цян Сяоюнь Юртбошимизнинг инқирознинг бирор мамлакатни четлаб ўтишига умид қилиш, унинг таъсирини инкор қилиш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлиши тўғрисидаги фикрига ўз эътиборини қаратиб жумладан, қуйидаги фикрни билдирган. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурининг изчил амалга оширилиши натижасида мамлакатда иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий барқарорликнинг юқори ва мутаносиблашган суръатига эришилиб, тизимни тубдан ислоҳ этиш, иқтисодиётни диверсификация ва модернизация қилиш аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш борасидаги узоқ муддатга мўлжалланган вазифаларни ҳал этишда ижобий натижалар қўлга киритилаяпти, дейди Цян Сяоюнь. Муаммо ва қийинчиликларга қарамай Ўзбекистонда ўтган йили нафақат иқтисодиётнинг барқарор фаолият кўрсатиши, балки унинг юқори суръатдаги ўсишини таъминлашга ҳам эришилди.

Ёки Португалиянинг нуфузли нашри "Слово" газетасида шундай сатрлар бор: «Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий ривожланиши аниқ мақсадга ирасида муҳокама қилиш ва ўзаро тажриба алмашиш вақти етилди. Яъни, унда ҳам глобал масалаларни ҳам маълум бир давлатга хос иқтисодий муаммоларни муҳокама қилиш – жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини енгиб ўтиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш мумкин бўлади. Бу борада, молия энергетика ва озиқ-овқат соҳалари бўйича мамлакатда муваффақият билан амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар Дастури, тармоқлар ва ҳудудлар бўйича вазифаларнинг аниқ ижрочиларигача етиб борадиган ўз тизими ва моделига эга Ўзбекистоннинг тажрибасига таяниш мумкин.

Инқирозга қарши олиб борилаётган умумий таҳлиллар жараёни шуни кўрсатадики, Юртбошимиз Ислом Каримовнинг бу борадаги оқилона сиёсати бугун жаҳон молиявий бўҳронининг халқимиз фаровон турмуши учун салбий таъсирига қарши ҳимоя воситасини яратди.

Инқирозга қарши чоралар Дастурини таҳлил этиш асосида тожикистонлик эксперт Ўзбекистон «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини бартараф этишнинг аниқ ва реал йўлини ишлаб чиқди ва ундан янада рақобатбардош бўлиб чиқишга барча асослар мавжуд», эканлигини таъкидлади.

ДАВЛАТ ДАСТУРИ АМАЛДА

Қонунларни такомиллаштириш

қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга замин яратади

Сарвар ХУРРАМОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" муносабати билан қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директори Ш.Файзиев олиб борди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари ва Сенат аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Бош прокуратураси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда бошқа тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органлари вакиллари иштирок этишди.

Тадбир иштирокчилари Ўзбекистон Республикасининг фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солувчи, қишлоқ ва сув хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, қишлоқ жойларда лойиҳалаштириш ва қурилиш тизимини янада яхшилашга қаратилган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишнинг асосий мақсад ва вазифалари, ноқишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун ер участкалари бериш тартиби каби масалалар, жумладан фермер хўжаликлари ихтиёридаги ер участкаларини мақбуллаштириш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддаси ҳамда "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасида кўрсатилган "сувни истеъмол қилувчилар" ҳақида аниқ тушунча киритиш тўғрисидаги билдирилган таклиф ва тавсиялар иштирокчилар ўртасида қизғин мунозарага сабаб бўлди.

Шунингдек, тадбир якунида институт ходимлари томонидан тайёрланган "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг мазмун-моҳиятига бағишланган илмий-амалий мақолалар, қонун ҳужжатлари рўйхати ва уларда қўлланилган асосий тушунча ва атамаларнинг изоҳли луғати, Давлат дастуридаги асосий йўналишларнинг схематик ифодаланишини ўз ичига олган "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги" номли амалий қўлланманинг тақдимоти ўтказилди.

ИҚТИСОДИЁТ ВА ҲУҚУҚ

ҚАРОР ВА ИЖРО

Республикамизда банк тизимини изчил ва аниқ мақсад йўлида ислоҳ қилиш банкларнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги ролини кучайтиришга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳажмларини ошириб боришга йўналтирилган.

Банк ва мижоз

ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳамкорлик бу борадаги ислоҳотларнинг асосий омилидир

Бекзот МАВЛОНОВ,
Навоий вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Жумладан, 2007-2010 йилларда Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва ривожлантириш дастури ҳамда бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб қилиш ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажмининг ўсишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар комплексининг амалда татбиқ этилаётганлиги муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги "Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг қабул қилиниши жорий йилда мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг устувор вазифаларини амалга ошириш ҳамда Инқирозга қарши чоралар Дастурини ҳаётга татбиқ этишнинг мантиқий давомидир.

Мазкур Қарорда асосий эътибор тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш, пул маблағларини банк айланмасига йўналтириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтиришга қаратилган.

Жумладан, пластик карточкалар ёрдамида тўловларни қабул қилиш бўйича терминаллар билан жиҳозланиши керак бўлган чакана савдо ва пуллик хизматлар соҳаси объектлари рўйхатини қайта кўриб чиқиш ва уларнинг доирасини босқичма-босқич кенгайтириш кўзда тутилди.

Бундай савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари томонидан тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ҳамда улардан фойдаланиш талабларига риоя этилмаганлиги назорат-касса машиналарини ўрнатиш ҳамда фойдаланиш тартиби, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузишга тенглаштирилади, шунингдек уларга нисбатан жавобгарлик қўлланилади.

Давлат солиқ қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туман ҳокимликларига савдо ва назорат-касса машиналаридан фойдаланиш ҳамда ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланиш қоидалари бузилиши, шунингдек пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда тўловларни қабул қилишда ноқонуний бўйин товлаш ҳолатлари аниқланган тақдирда айбдор шахсларга нисбатан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарлик чораларини қўллаш вазифаси юклатилди.

Товарлар ҳамда хизматларни чек бермасдан сотиш, назорат-касса машиналари ва ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланишнинг белгиланган тартибини бузганлиги учун чакана савдо субъектлари жавобгарлигини жиноий жавобгарликкача қатъий кучайтириш бўйича тегишли вазирлик ва қўмиталарга таклифлар киритиш белгиланди.

Қарорда тижорат банклари мижознинг биринчи талабига биноан банкларнинг барча филиаллари томонидан аҳоли омонатлари бўйича нақд пул берилишини таъминлаш юзасидан қатъий назорат Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига юклатилиб, белгиланган тартиблар бузилган ҳолларда тижорат банклари ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари ҳамда филиаллари раҳбарларини эгаллаб турган лавозимларидан озод этишгача бўлган қатъий чоралар кўрилиши белгиланди.

Бундай савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари томонидан тўлов терминаллари билан жиҳозлаш ҳамда улардан фойдаланиш талабларига риоя этилмаганлиги назорат-касса машиналарини ўрнатиш ҳамда фойдаланиш тартиби, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузишга тенглаштирилади, шунингдек уларга нисбатан жавобгарлик қўлланилади.

Қарорга асосан тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари комплекси маъқулланди.

Банк соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз моҳиятига кўра, мижоз ва банк ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлаш, қолаверса уларнинг яқин ҳамкорлигига йўналтирилган. Шундан келиб чиқиб, тижорат банклари билан бир қаторда улар билан бирга ишлаётган ҳар қандай тадбиркорлик субъектлари яратилаётган шароит ва имкониятларнинг туб моҳиятини англаши, қонунларни ҳурмат қилиши муҳим аҳамиятга эга.

Эътиборингизни айрим статистик маълумотлар ва мисолларга қаратадиган бўлсам, ҳанузгача айрим тадбиркорлик субъектлари амалдаги тартибга риоя этмасдан эҳтиётсизлик ёки қасддан ҳуқуқбузарликлар содир этиб, натижада жавобгарлик келиб чиқишига ўзлари сабаб бўлаётганлигини кўриш мумкин. Биргина Навоий вилоят хўжалик суди томонидан товарлар ҳамда хизматларни чек бермасдан сотиш, назорат-касса машиналари ва ҳисоб-китоб терминалларидан фойдаланишнинг белгиланган тартибини бузганлик ҳолати юзасидан 2008 йилда 50 та, 2009 йил 1-чорагида 30 та тадбиркорлик субъектларига нисбатан 3 млрд. 936 млн. сўмлик молиявий санкциялар қўлланилган.

Айни вақтда қонунчиликда савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузганлик учун оғир маъмурий ва жиноий жазолар назарда тутилган бўлсада, тадбиркорлар томонидан бундай ҳуқуқбузарликларни содир этиш ҳолатлари кўплаб учраб турибди.

Судлар томонидан 2008 йил давомида 33 нафар шахсларга нисбатан савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузганлик ҳолати юзасидан маъмурий жарима жазоси қўлланган бўлиб 12 та ҳолатда ҳуқуқбузарлик ашёлари ва қуроллари мусодара қилинган. Шунингдек, 15 нафар шахсларга нисбатан жиноий жазолар тайинланган.

Шу билан бирга, тижорат банклари ва уларнинг филиаллари аҳоли ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағларини депозитларга жалб этиб, уларни айланмага қўйиб ва шу ҳисобдан даромад олиб, амалда омонатчилар ҳисобига манфаат кўриб, айни вақтда ўзларининг омонатчилар олдидаги тўғридан-тўғри мажбуриятларини аниқ бажармасдан, уларнинг қонуний талаблари ва эҳтиёжларига бефарқ қараётганликлари, бунинг устига омонатчиларнинг буюртмаларини қондириш чоғида ўз мансабини суиистеъмол қилиб, уларнинг манфаатларини писанд қилмасликлари мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган ҳолатдир. Масалан, адлия бошқармаси томонидан ўтказилган текширишларда тижорат банклари фаолиятида 2008 йилда 352 та, 2009 йил 1-чорагида 39 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган.

Мижозларнинг биринчи талаби асосида нақд пулни кечиктириб бериш ҳолати 29 та ҳолатда, яъни Кармана туманида 9 та, Навбаҳор туманида 6 та, Хатирчи туманида 3 та, Навоий шаҳрида 7 та, Нурота туманида 3 та, Учқудуқ туманида 1 та ҳолатда аниқланган.

Масалан, Халқ банки Хатирчи туман филиали томонидан "Байқаро Бирлик" фермер хўжалигининг 2008 йил 7 апрелдаги 1 098 500 сўм иш ҳақи учун нақд пул олиш тўғрисидаги мурожаати бўйича 2008 йил 16 апрелда, "Микрокредитбанк" Кармана туман филиали томонидан "Икром Пўлат" фермер хўжалигининг 2008 йил 27 октябрдаги 223 900 сўм пахта терими пули учун нақд пул олиш ҳақидаги мурожаати юзасидан 2008 йил 3 ноябрда, "Халқ банки" Кармана туман филиали томонидан якка тартибдаги тадбиркор С.Худойқуловнинг 2008 йил 9 октябрдаги 400 000 сўм савдо пули учун нақд пул бериш тўғрисидаги мурожаати юзасидан 2008 йил 13 октябрда, "Агробанк"нинг Навбаҳор туман филиали томонидан туман ғазначилик бўлинмасининг 2008 йил 12 ноябрдаги иш ҳақига 1 292 515 сўм бериш тўғрисидаги чеки юзасидан 2008 йил 18 ноябрда нақд пулни кечиктириб бериш ҳолатларига йўл қўйилган.

Мазкур ҳолат юзасидан айбдор шахслар жавобгарликка тортилиши таъминланмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, барчамиз мазкур Қарорнинг моҳият ва мазмунини чуқур англашимиз, унда белгиланган вазифаларни тўлиқ бажаришга масъул эканлигимизни, берилаётган имконият ва шарт-шароитлардан тўғри фойдаланиш зарурлигини чуқур англашимиз лозим.

ММДда

Суғурта хизмати

янада такомиллашмоқда

Камолиддин ҲОТАМОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Миллий матбуот марказида "ALSKOM" суғурта компанияси фаолиятига бағишланган матбуот анжуманида сўзга чиққанлар бугунги кунда Ўзбекистон суғурта хизматлари бозори миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бирига айланиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.

Бозорда рўй бераётган ўзгаришлар нафақат ундаги мавжуд юқори салоҳият, энг аввало давлат томонидан ушбу тармоқни янада такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган изчил сиёсат билан изоҳланади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда суғурта бозорини такомиллаштириш борасида қатор қонунлар, Президентимиз фармонлари ва қарорлари қабул қилинди. Бу эса суғурта тармоғини янада такомиллашишига кенг имкониятлар яратиб бермоқда.

"ALSKOM" суғурта компанияси 1996 йилдан Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тизимида комплекс суғурта хизмати кўрсатмоқда. Матбуот анжуманида "ALSKOM" суғурта компанияси фаолиятининг устувор жиҳатлари ҳамда ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилди.

- Компаниямизнинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, асосан алоқа ва ахборотлаштириш тизимидаги корхона ва ташкилотларга комплекс суғурта хизматини тақдим этишга қаратилган,- дейди компания бош директори ўринбосари Фаррух Ҳасанов. - Компаниямиз 2009 йилдан бошлаб Ҳамдўстлик мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда ахборот қалтисликларини комплекс суғурта қилиш механизмини амалда жорий этди. Компания фаолияти мустақил экспертлар томонидан юқори баҳоланиб, "Суғурта фаолиятини ўсиш суръати бўйича пешқадам" ва "Ўзбекистоннинг етакчи суғурта ташкилоти" каби номинациялар бўйича мукофотларга лойиқ деб топилди.

Компания хизматларидан нафақат ахборот коммуникация соҳаси субъектлари, балки иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари ҳам кенг фойдаланмоқда. Бу ўз навбатида компания фаолият кўрсаткичларининг йиллик ўсиш суръатини камида 150 фоизга ошиши ҳамда суғурта бозорида йиғиладиган улушнинг сезиларли даражада ўсишига хизмат қилади.

Компания сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиш баробарида ҳудудий тармоқни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Масалан "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ билан аҳоли ўртасида компаниянинг якка тартибдаги бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш полисларини сотиш бўйича ҳамкорлик қилмоқда. - Айни пайтда компаниямизнинг вилоят марказларида 15 та, туман ва қишлоқларда 30 та филиал, бўлинма ҳамда суғурта полисларини сотиш шаҳобчалари фаолият кўрсатмоқда,- дейди компания бош директори Тоҳиржон Иминов. - Мавжуд ҳудудий тармоқларимиз, нафақат мижозларни кенг жалб этиш, балки компания суғурта маҳсулотларини мамлакатимизнинг чекка ҳудудларигача етказиш имконини бермоқда.

САРҲИСОБ

"Агробанк"

акциядорлари 2008 йил якунларини сарҳисоб қилишди

Пойтахтимиздаги Молиявий хизматлар банкларараро марказида бўлиб ўтган "Агробанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг йиғилишида Президентимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китоби моҳияти, ҳозирги шароитда банкларнинг капиталлашиш даражасини ошириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва инновацион технологияларни кенг жорий этиш жараёнидаги иштироки, ўрни ва вазифаларига доир масалалар хусусида сўз борди.

Йиғилишда таъкидланганидек, мамлакатимизда жаҳон миқёсида давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсирини бартараф этиш ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Шундай мураккаб шароитда ўтган йилда иқтисодиётимизда барқарор ўсиш кузатилди. Бугунги иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили ҳам тараққиёт сари дадил одимлаётганимиздан далолат бермоқда. Бу авваломбор мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида амалга оширилаётган кучли ижтимоий-иқтисодий сиёсат, иқтисодиётнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган ислоҳотлар ва яратилган ҳуқуқий асослар самарасидир.

Шунингдек, йиғилишда Президентимизнинг 2009 йил 30 мартдаги "Агробанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарорига асосан ОАТБ "Пахтабанк" негизида ОАТБ "Агробанк" ташкил этилиши натижасида банк олдидаги устувор вазифалар белгилаб олинди.

Шу куни ОАТБ "Агробанк" акциядорларининг 2008 йил якунларига бағишланган йиллик умумий ҳисобот йиғилиши ҳам бўлиб ўтди. Унда банк бошқаруви раиси А.Боймуротов маъруза қилди. Таъкидланишича бугунги кунда банк 82 мингдан зиёд акциядорларга эга. Банк 212 мингдан зиёд юридик, 1 миллиондан ортиқ жисмоний шахсларга хизмат кўрсатади. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, банкка 2008 йилда бир қанча нуфузли халқаро рейтинг компаниялари томонидан юқори баҳо берилди.

Банкни жамланма капитал 2008 йил 31 декабрь ҳолатига 131,2 миллиард сўмни ташкил этди. Бу йил бошига нисбатан 23 миллиард сўм кўп демакдир. Устав капитали 50000 миллион сўмни ташкил қилди. Бу йил бошига нисбатан 28,5 фоизга ошганлигини кўрсатади. Йил якунида банкнинг кредит қўйилмалари ҳажми 730,2 миллиард сўмга етди. Шундан 414,4 миллиард сўми иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги секторига тўғри келади.

Ўтган йилда кичик бизнесни ривожлантиришга 83,4 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилди. Кичик корхоналар ҳамда хусусий фирмалар учун ажратилган микрокредитлар ҳажми 39 миллиард сўмдан ортди.

Йиғилишда банкнинг капитал базасини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни реал секторини кредитлашни кўпайтириш, инвестицион жараёнларда фаол иштирок этиш ва мижозларни яқин ҳамкори сифатида фаолият юритиш борасидаги саъй-ҳаракатлари акциядорлар томонидан қўллаб-қувватланди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

Мудҳиш қилмиш

ёхуд одам савдоси билан шуғулланганларга жазо муқаррардир

Б.ЛАТИПОВ,
Юнусобод туман прокурорининг ёрдамчиси

Дунё ҳамжамиятини ташвишга солган жиноятлардан бири одам савдоси бўлиб, бу инсоният олдидаги долзарб муаммолардан бирига айланиб улгурди.

Мазкур жиноят бошқа давлатлар каби Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Соҳага оид қабул қилинган қонун ва қарорлар мамлакатимизда ушбу жиноятга қарши кураш самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда. Жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан ушбу қабиҳ жиноятни содир этганларни аниқлаш, уларнинг қилмишига яраша жазосини бериш мақсадида бир қатор чоралар кўрилмоқда. Шулардан бири Юнусобод туман прокуратураси томонидан олиб борилган тергов ҳаракатлари натижасида фош этилган жиноят ишидир. Мазкур жиноят ишини кўриб чиққан Юнусобод туман суди одам савдоси билан шуғулланган Н.Болтабоева (Мақоладаги барча шахсларнинг исм-шарифи ўзгартирилган)ни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисми, 168-моддаси 3-қисми ва ушбу кодекснинг бошқа моддалари билан жавобгарликка тортди.

Айбланувчи бу каби жиноят тури билан доимий равишда шуғулланиб, жумладан 2003 йилнинг март ойида И.Ким ва бир қатор шахслар билан тил бириктирган ҳолда бир нечта содда ва ишонувчан инсонларни алдаб, фирибгарлик йўли билан бойлик орттириш ниятида уларни чет элга ишга жўнатиш эвазига ҳар биридан 2700 АҚШ доллари, жами 10800 АҚШ доллари миқдорида пулни ўзлаштириб олган.

Шунингдек, Н.Болтабоева Д.Носирова ва З.Мавляновалардан шаҳвоний мақсадларда фойдаланиш учун Дубайдаги куёвининг кафесида официант бўлиб ишлашга кўндирган. Ойига 1500-2000 АҚШ доллари миқдорида пул ваъда қилиб, мўмай даромад кетидан қувган аёлларни манзилга олиб боргач уларнинг фуқаролик паспортини олиб қўйган. Дубай шаҳридаги ижарага олинган хонадонда уларнинг ҳуқуқларини поймол қилиб, фоҳишаликка мажбур қилишган.

Жабрланувчиларнинг аризаси юзасидан ўтказилган текширишлар натижасида Н.Болтабоеванинг тез бойиб кетиш илинжида қилган жиноий ҳаракатлари фош қилинди ва суд ҳукмига кўра олти йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Бундай кўнгилсиз ҳолатлар аҳоли ўртасида тарғибот ишлари кўламини янада кенгайтириш ҳамда ўтказилаётган чора-тадбирларнинг таъсирчанлигини кучайтириш, жумладан, аҳоли гавжум бўлган масканларда одам савдосига қарши курашга чақирувчи ва бу жиноятдан огоҳлантирувчи плакат-буклетларни кўпайтиришни талаб қилмоқда.

"2009 ЙИЛ — ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ"

Оқ олтин Сирдарё вилоятининг чўл туманларидан бири. "Андижон" қишлоқ фуқаролар йиғини туман ва вилоят марказидан анча олисда жойлашган аҳоли масканларидан саналади. Ушбу ҳудуд аҳолисининг асосий қисмини Андижон вилоятидан келган чўлқуварлар ташкил этиши туфайли фуқаролар йиғини шундай номланган.

«Андижон» гўзал ва обод гўшага айланади

бунда, айниқса, хусусий тадбиркорларнинг улуши катта бўлмоқда

Анорбой Норқулов,
"Milliy tiklanish" мухбири

"Андижон" қишлоқ фуқаролари йиғинида бугунги кунда 1296 та хонадон мавжуд, 2 та мактаб, 2 та қишлоқ шифохонаси, 1 та маданият шаҳобчаси ва 40 тадан зиёд маданий-маиший объектлар эл хизматида. Истиқлол йилларида ушбу қишлоқнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, замонавий қиёфадаги бир-биридан чиройли, кўркам иншоотлар, янгидан-янги бинолар қад растлади. Бу борада қишлоқ тадбиркорларининг ҳиссаси бениҳоя катта бўлмоқда. Жумладан, тадбиркор Солия Аҳмедова яқинда хайрли ишга қўл урди. Ҳудуддаги қаровсизликдан хароба, ташландиқ аҳволга келиб қолган эски маиший хизмат кўрсатиш уйини сотиб олди. Тадбиркор ушбу бинони қайтадан таъмирлаб замонавий кўркам бино ҳолига келтирди ва янги 6 та тикув машинасини ўрнатиб тикувчилик цехини ишга туширди. Тикув цехнинг ишга тушиши туфайли қишлоқдаги ишсиз, ҳунарсиз юрган ўн нафардан зиёд қиз-жувонлар доимий иш ўринларига эга бўлдилар. Қишлоқ аёлларига ҳам катта қулайлик яратилди.

Аввалларига улар бирор кўйлак ёки костюм-юбка тиктирмоқчи бўлсалар узоқ йўл босиб туман ёки вилоят марказига қатнар эдилар. Энди бундай оворагарчиликларга чек қўйилди. Талабгорлар энди ортиқча вақтларини йўқотмай шу ернинг ўзида истаган кийимларини тиктириб олаяптилар. Қишлоқнинг яна бир тадбиркор аёли Сурайё Нуралиева ҳам банкдан ўн миллион сўм кредит олиб ҳаммом қурилишини бошлаб юборди.

Ҳудудда фаровонлик, тўкинлик манбаи бўлган чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантиришга катта эътибор берилаяпти. Ҳомийлар, саховатпеша инсонлар кўмаги билан кам таъминланган, кўп болали, эҳтиёжманд оилаларга бепул қорамоллар ажратилаяпти.

Ҳудудда фаровонлик, тўкинлик манбаи бўлган чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантиришга катта эътибор берилаяпти. Ҳомийлар, саховатпеша инсонлар кўмаги билан кам таъминланган, кўп болали, эҳтиёжманд оилаларга бепул қорамоллар ажратилаяпти. Ўтган давр давомида 20 та оилага ана шундай мурувват ёрдамлари уюштирилди. Соҳани ривожлантиришда қишлоқ мулкдорларининг ўрни бениҳоя катта бўлмоқда. Ишбилармон, тадбиркор аёл Мавжуда Рўзиева ўз хонадонида паррандачиликни йўлга қўйди. Истеъмолдан ортган тухум бозорга чиқарилиб, фаровонлигимизга муносиб ҳисса қўшмоқда.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" муносабати билан ҳудудда катта ҳажмдаги ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Кўча-хиёбонларга, ариқ бўйларига 50 минг туптан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди. Қишлоқ марказидаги кўчалар тўлиқ таъмирланиб, асфальтланди. Айни кунда тадбиркорлар маблағи эвазига барча маданий-маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини қамраб олган янги маҳалла гузарини бунёд этиш ишлари жадал бормоқда. Бу маскан ишга тушса яна кўплаб қишлоқ ёшлари доимий иш ўринларига эга бўладилар.

Мухтасар қилиб айтганда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да "Андижон" қишлоқ фуқаролар йиғини гўзал гўшага айланди.

НИГОҲ

Маънавий камолот

миллий қадриятлар заминида шаклланади

Халқимиз қадим замонларданоқ ўзининг кўхна тарихи, бой мероси, юксак маданияти, ранг-баранг урф-одат ва анъаналари билан ажралиб турган.

Шакарбой АБДУЛЛАЕВ

Юртбошимиз айтганидек "Ватанимиз азалдан башарият хазинасига унутилмас ҳисса қўшиб келган. Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавият, адолат, инсонпарварлик, маърифатсеварлик каби эзгу фазилатлари шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий равишда ривожланди ва ўз навбатида фалсафий ахлоқий таълимотлар ҳам халқимиз даҳосидан баҳра олиб, бойиб борди".

Миллий ўзлик ва қадриятларни сақлаб қолиш жараёни осон кечмаган. Кўп узоққа бормай яқин ўтмишимизга назар солайлик. Аввал чоризм, кейин эса большевизм қарийб бир ярим аср мобайнида халқимизни ўз маънавияти ва маданиятидан мосуво қилиб, хотирасиз манқуртларга айлантириш сиёсатини юргизди. Фақат мустақиллигимиз туфайлигина буларнинг барчасига барҳам берилди, маънавий ҳаётимизда уйғониш юз берди, буюк боболаримизнинг ўлмас мероси бўлмиш асрий қадриятларимиз қайта тикланди ва улар халқимиз, ватандошларимиз маънавий дунёсини янада бойитиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Халқимизнинг кўп минг йиллик тажрибасидан шу нарса маълумки, давлатнинг ривожланиши ва ҳар жиҳатдан равнақ топиши учун аввало ана шу давлат фуқаролари руҳан пок, иродаси бақувват, имони бутун бўлмоғи, Ватан, халқ манфаатларини ўз манфаатлари билан уйғун ҳолда кўра билмоғи, қалбида ўз халқининг ўлмас қадриятларига чуқур ҳурмат ва эҳтиром ҳисларини уйғота олмоғи лозим. Бу эса ҳар бир шахс ўз халқи тарихи, маданияти, тили, дини, қадриятларига бефарқ бўлмаслиги, уларни чуқур ўрганишни тақозо этади.

Замон талаби шуни кўрсатмоқдаки, ривожланган демократик давлат яратиш учун аввало ўша давлат фуқароларини, ёш авлодни маънавий жиҳатдан пок, баркамол қилиб тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, биз ўз халқининг тили, дини, урф-одати ва анъаналарини ҳамда шунга ўхшаш ўлмас қадриятларини чуқур билган ва ўрганган, ўз қалбида ота-она, оила, маҳалла ва жамиятга нисбатан хурмат ва эҳтиром каби эзгулик туйғуларини уйғота билган шахснигина том маънодаги маънавий камол топган инсон, дея айта олишимиз мумкин.

Биз шахс маънавиятини ҳар томонлама юксалтириш масаласини ўз олдимизга асосий мақсад қилиб қўйишимиз ва шу мақсад йўлида бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказадиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил килиб, уларни бу борада қандай ўрин тутишини яхши англаб олишимиз керак. Ана шундай омил ва мезонлар ичида қадриятларнинг тутган ўрнини алоҳида таъкидлаб ўтиш даркор. Бу борада Президентимиз "Албатта ҳар қайси халқ ёки миллатнинг маънавиятини унинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларидан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўҳна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат килади", деб таъкидлаб ўтган эди. Барчамизга яхши маълумки, халқимизнинг олис ўтмиши буюк боболаримиз томонидан яратилган ранг-баранг ва ўлмас, маданий ва маънавий қадриятларги жуда бой.

Ота-боболаримиздан бизга мерос қолган ана шундай умрбоқий бойликларимиз ичида "Авесто", халқ оғзаки ижодининг ноёб дурдоналари бўлмиш "Алпомиш", "Равшан", "Гуруғли" каби достонлар, буюк боболаримиз Хоразмий, Фарғоний, Беруний, Фаробий, ибн Сино, Яссавий, Югнакий, Юсуф Хос Хожиб, Кубро, Нақшбандий, Марғиноний, Амир Темур, Улуғбек, Навоий, Бобурнинг жаҳон маданий ва маънавий мероси хазинасига қўшган ҳиссалари ва яқин ўтмишда яшаб ижод этган Беҳбудий, Фитрат, Қодирий, Авлоний, Чўлпон, Усмон Носир каби аждодларимизнинг ижодий фаолиятини ғурур ва ифтихор туйғулари ила тилга олиб ўтишимиз мумкин.

Шак-шубҳасизки, ҳар қандай қадриятимиз замирида инсонни яхшилик томон етаклайдиган, унинг қалбида эзгулик туйғуларини уйғота оладиган, шахсни ўз-ўзини, миллийлигини англаб етишга ундайдигаи юксак маънавий куч ётади. Шундай экан, жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси қалбида, хоҳ у ёш бўлсин, хоҳ кекса қадриятларимизга нисбатан юксак ҳурмат туйғуларини уйғота олиш масаласи ҳар биримизнинг олдимизда турган асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Бу муаммонинг ечимини топиш учун эса мустақиллик даврида оилада, унинг ҳар бир аъзоси қалбида қадриятларимизга бўлган ҳурмат туйғуларини уйғотиш, қолаверса маҳалла фаоллари томонидан қадриятларимизни ўрганишга оид турли хил тадбирлар ўтказилаётганини алоҳида таъкидламоқ ва қўллаб-қувватламоқ керак, деб ўйлаймиз.

Инчунун бу борада мактаб, лицей ва коллеж ўқувчилари онгида қадриятларимизга бўлган эҳтиромни шакллантиришга бағишланган турли кўринишдаги бадиий-ижодий чиқишлар ва турли хил тўгаракларнинг ҳам аҳамияти беқиёс.

Қолаверса олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабалар онгида қадриятларимизга ва уларни ўрганишга бўлган қизиқишни орттириш мақсадидаги саъй-ҳаракатлар ҳам таҳсинга лойиқ. Бу жараёнда айниқса кучли тарғибот воситаси бўлган радио, телевидение ва оммавий ахборот воситалари ўрнини алоҳида таъкидлаш лозим. Бундай муҳим жараёнда нодавлат ташкилотлар ва сиёсий партиялар ҳам ўзига хос ўрин тутади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланиб, янада ривожлангандагина жамиятимизда ўтказилаётган ислоҳотлар янада тезлашади, чунки маънавий баркамол, маърифатли, руҳан бардам, янгича тафаккурлаш қобилиятига эга инсонгина истиқлол ва тараққиёт йўлини шараф билан босиб ўта олади.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки халқимизнинг бебаҳо маданий ва маънавий қадриятларини ҳар томонлама чуқур ва атрофлича ўрганиб, уларни Ватанимиз ҳудудида истиқомат қилувчи ҳар бир инсоннинг онги ва қалбига сингдириб, айниқса ёш авлодни ҳар жиҳатдан маънавий етук, фидойи инсон қилиб тарбиялаш вазифаси жамиятимиз зиёлилари кундалик фаолиятидан муқим жой олмоғи шарт.

Биз шахс маънавиятини ҳар томонлама юксалтириш масаласини ўз олдимизга асосий мақсад қилиб қўйишимиз ва шу мақсад йўлида бугунги кунда маънавиятимизни шакллантирадиган ва унга таъсир ўтказидиган барча омил ва мезонларни чуқур таҳлил килиб, уларни бу борада қандай ўрин тутишини яхши англаб олишимиз керак.

МАЪНАВИЯТ

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Пойтахтдаги Миллий матбуот марказида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Тошкент шаҳар ҳокимияти, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини кенг нишонлаш бўйича тайёргарлик ишларининг олиб борилиши хусусида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тайёргарлик давом этмоқда

Жаҳон тамаддуни ривожига улкан ҳисса қўшган, ҳақли равишда "Шарқ дарвозаси" деб ном олган, халқимизнинг ғурур ва ифтихори бўлмиш азим пойтахтнинг миллий давлатчилигимиз тарихи ва ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда тутган ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Қадимдан илм-фан ва маданиятнинг йирик маркази, тинчлик ва дўстлик рамзи бўлиб келаётган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини юксак нуфузи ва мавқеига муносиб равишда нишонлаш, унинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада ошириш, халқимиз, айниқса, ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Президентининг 2008 йилда "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида"ги Қарори эълон қилинган эди.

Анжуманда мазкур қарор ижросини таъминлаш борасида жойларда олиб борилаётган ишлар ҳақида мутассадди ташкилот ва идораларнинг ҳисоботлари тингланди.

– Тошкент шаҳридаги тарихий ёдгорликлар ва муқаддас қадамжоларни қайта таъмирлаш ишлари изчиллик билан олиб борилмоқда,– деди Маданият ва спорт ишлари вазирлиги маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий ишлаб чиқариш бош бошқармаси бошлиғи Равшан Мансуров. – Шу кунга қадар Кўкалдош мадрасаси, Мингўрик археология ёдгорлиги, Сузук ота ҳамда Қўйлиқ ота мақбараларида тиклаш ва таъмирлаш ишлари якунланди. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги байрамига шаҳар ҳудудидаги ўн иккита тарихий ёдгорликларда қайта таъмирлаш ишлари олиб борилди ва айни пайтгача уларнинг ўн биттаси тўлиқ таъмирдан чиқарилди.



Анжуманда сўзга чиққанлар нафақат Марказий Осиё балки жаҳон тарихида қадимда Бинкент, Шош ва Шоштепа номлари билан юритилган Тошкент шаҳрининг ўзига хос ўрни борлигини таъкидлашди. Зеро, Шарқ билан Ғарбни боғлаган Буюк Ипак йўли бевосита ушбу заминдан ўтган, асрлар давомида карвонлар ўзларининг савдо моллари билан бирга турли маданиятларни Тошкентга кириб келишига сабаб бўлган. Шунинг учун бўлса керак, бу ерда Зардуштийлик, Буддизм, Христианлик ва Ислом динларига оид тарихий обидалар, археологик ёдгорликлар сақланиб қолган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, айни пайтда шаҳарда ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Август ойининг охирларига қадар барча тайёргарлик ишлари якунига етади.

Рустам ҲАЙДАРОВ,
"Туркистон-пресс"

АНЪАНА

«Халқ ижодиёти поезди» сафарга чиқди

Камолиддин ҲОТАМОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ўзбекистон Давлат Консерваториясида "Халқ ижодиёти поезди"нинг Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига сафари олдидан матбуот анжумани бўлиб ўтди. "Ўзбекистон темир йўллари" Давлат акционерлик компанияси ҳамкорлигида 2006 йилдан буён ташкил этиб келинаётган ушбу анъана кўпчиликнинг эътиборини қозонди, айниқса олисдаги қишлоқ ва овуллар аҳолисининг олқишига сазовор бўлди.

Бу йилги сафар "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилади. "Халқ ижодиёти поезди" жорий йилнинг 28 апрелидан 7 майига қадар Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг энг чекка қишлоқ ва овуллари аҳолисига маданий хизмат кўрсатади.

"Халқ ижодиёти поезди" гуруҳи асосан 2008 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказилган кўрик-танлов, фестивал ва кўргазма ғолибларидан ташкил топган. Сафар давомида Фарғона туман маданият ва спорт ишлари бўлимига қарашли "Полвон" халқ анъанавий цирк гуруҳи, Бухоро шаҳар маданият уйи рақс жамоаси, Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туман маданият уйи "Аму ҳавоси" ашула ва рақс ансамбли рақс гуруҳи, Андижон вилояти Баликчи туман маданият уйи қошидаги "Сўтақўзи" миниатюра халқ театри, сурхондарёлик ёш бахши Илҳом Норов, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳридан ўланчилар Турдиали Пардаев ва Кимёхон Қосимхонова, Тошкент вилояти Паркент туман маданият уйи услубиятчиси М.Турсунжонова, Тошкент шаҳридаги Камолиддин Беҳзод номидаги Рассомлик ва дизайн институти талабаси Юсуфжон Мамажонов ва Хоразм вилояти Хонқа туман маданият уйи қошидаги "Жайҳун" халқ қўғирчоқ театри, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси хонандалари ва Шаҳрисабздаги "Ёшлик" киностудияси ижодкорлари ўзларининг хилма-хил ва халқона дастурлари билан иштирок этадилар.

«Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси

2009 йил учун газеталар, журналлар ва китобларга обуна давом этаётганлигини маълум қилади.



Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар ва юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, Ватанимиз маънавий-маданий ҳаётидаги янгиланишлар ва воқеалар, хорижий мамлакатлар ҳаёти билан яқиндан ва мунтазам танишиб бораман десангиз вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг!

Обуна «Матбуот тарқатувчи» АК ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг барча бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Маълумот учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкентда: 233-67-71, 233-67-98

Компания тизимидаги жамиятларнинг телефонлари:

ҚР Нукус (3612) 22-88-68
Андижон (3742) 22-29-89
Бухоро (3652) 25-47-49
Жиззах (3722) 22-40-01
Қашқадарё (3752) 25-40-27
Навоий (4362) 23-26-86
Наманган (3692) 26-29-80
Самарқанд (3662) 34-22-53
Сирдарё (3672) 25-47-70
Сурхондарё (3762) 27-49-03
Тошкент вил. (3712) 233-13-04
Фарғона (3732) 24-29-22
Хоразм (3622) 26-63-75
Компания бўлими 234-85-99

ММҲда

Архив иши

семинарда ушбу соҳадаги муаммолар муҳокама қилинди

Ўзбекистон Республикасининг "Архивлар тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинганига 10 йил тўлди. Ўтган давр мобайнида республика архив масалалари фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Архив соҳасида эришилган ютуқ ва камчиликларни назарий жиҳатдан таҳлил этиш мақсадида "Ўзархив" агентлиги томонидан миллий матбуот марказида "Архив соҳасидаги долзарб муаммолар ва уларнинг ечимлари" мавзусида амалий семинар ўтказилди.

К.ҲОТАМОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, марказий давлат архивлари, ҳудудий архив иши бошқармалари раҳбарлари ҳамда Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент Маданият институтининг талабалари иштирок этишди.

Амалий семинарда соҳа мутахасисларининг архив ишининг долзарб муаммоларини қамраб олган мавзулардаги маърузалари тингланди ва бугунги кундаги архив иши борасидаги долзарб масалалар муҳокама этилди. Семинар кун тартибидан жой олган "Архив ишига доир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар базасини янада такомиллаштириш" мавзусида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Абдуғаффор Маматов маъруза қилди. Маърузачи ўз сўзида аввало архив соҳасига тарихимиз, қадриятимиз, маданий-маънавий меросимиз сақланадиган жой сифатида қарашимиз лозимлигини алоҳида таъкидлади.

- Бугунги кунда ушбу соҳага доир қонунлар депутатлар томонидан ишланаётганлиги, бу қонунлар архив ишидаги муаммо ва камчиликларни, айни пайтда амалга оширилиши лозим бўлган, ечимини кутаётган масалаларни ҳал этишга хизмат қилади.

Шунингдек, архив ишида тезкор ахборот билан таъминлайдиган, иситиш ва ёритиш энергиясини тежайдиган, кам энергия талаб этиладиган ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминловчи, замонавий технология ва воситалар намойиш этилган махсус кўргазма ташкил этилди.

Тадбир давомида давлат архивлари раҳбарлари ва битирувчи талабалар ўртасида ёшларни иш билан таъминлаш юзасидан бевосита мулоқот ташкил этилди, таклиф этилаётган иш ўринлари тўғрисида батафсил тушунча ва маълумот берилди.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

БИЗНИНГ ШАРҲ

Беҳзод ИСКАНДАР

Тикланиш учун ҳамкорлик муҳим

Халқаро экспертлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқироздан чиқиши учун БРҲҲ давлатларининг тутган ўрнини юқори баҳолашмоқда

*Ўзбекистон жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини қабул қилиб, айни пайтда унинг ижросини таъминлаш бўйича кенг миқиёсли ислоҳотларни амалга оширмоқда. Бунда Президентимиз Ислом Каримовнинг **"Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари"** китоби муҳим дастуриламал бўлмоқда. Мазкур асарда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари ва унинг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсирини камайтириш йўллари чуқур ва атрофлича таҳлил қилинган. Шу асосда айни пайтда мамлакатимизда инқирознинг оқибатларини олдини олиш ва уларни бартараф этиш чоралари дастурини амалга ошириш бошлаб юборилди.*



Хўш, бу борада хориж давлатларида қандай ишлар олиб борилмоқда? Соҳа мутахассисларининг фикр-мулоҳазалари нималардан иборат?

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг чуқурлашиб бориши шароитида ривожланган саноатлашган мамлакатларнинг иқтисодий тушиш даврини нисбатан узоқроқ бошдан кечиришлари тобора аниқ бўлиб бормоқда. Бу шароитда 2008 йилнинг 2-ярмидан бошлаб глобал инқирознинг тез ривожланаётган давлатлар ҳамда уларнинг энг йириги бўлмиш БРҲҲ деб аталувчи – Бразилия, Россия, Ҳиндистон ва Хитой тўртлигига таъсири масаласи катта қизиқиш уйғотаяпти. «Financial Times» газетасининг ёзишича, БРҲҲ давлатлари глобал инқирозга етарлича таъсир ўтказиш ва дунё иқтисодиётини ривожлантириш имкониятига эга.

Айтиш жоизки, инқироз рўй беришидан олдин ушбу давлатларнинг барчаси ўтган 10 йил мобайнида барқарор юқори ўсишга эришиб келган. Хусусан, 2007 йилни Бразилия 5,4, Россия 8,1, Ҳиндистон 9 ва Хитой 13 фоиз ўсиш билан якунлади. Бу аввало бозор ислоҳотларини босқичма-босқич амалга ошириш, жаҳон иқтисодиётига фаол интеграциялашув ва энг муҳими, ривожланган давлатлар билан савдо-иқтисодий ва молиявий-инвестицион ҳамкорлик натижасидир. Мазкур давлатлар орасида, айниқса, Хитой ва Россия улкан валюта захирасини жамғарган ҳолда молиявий капиталларни ишга солгани катта самара берди.

Яқинда Лондонда «Катта йигирматалик» давлатларининг навбатдаги анжуманида ҳам мазкур тўртта давлат дунё иқтисодиётини яхшилашда катта аҳамият касб этиши таъкидланганди. Хусусан, Лотин Америкасидаги гигант мамлакат Бразилия 2008 йилнинг 3-чорагига қадар 6 фозлик кўрсаткич билан ривожланди. Бу хориж капиталининг тинимсиз кириб келиши ҳамда экспортнинг тез суръатларда ортиши натижасида юзага келди. Аммо 2008 йилнинг сентябрига келиб хомашё бозоридаги нархлар кескин тушиб кетди. Молиявий инқироз зарбаси эса капитал оқимини издан чиқариб, кутилмаганда ички ликвидликнинг қисқаришига сабаб бўлди. Оқибатда 2008 йилнинг тўртинчи чорагида Бразилия иқтисодиёти, айрим фикрларга кўра, мунтазам тушиш ҳолатига келди.

Россиядаги иқтисодий ўсиш даражаси сўнгги 10 йил мобайнида йилига 7 фоизлик кўрсаткичдан тушмай келган. 2008 йилнинг биринчи ярмида мамлакат иқтисодиёти 8 фоизга ўсди. Аммо нефть нархининг кескин тушиб кетиши, глобал инқирознинг мамлакат иқтисодиётининг молиявий ва корпоратив секторларига салбий таъсири ҳамда Россиянинг айрим маҳсулотларига нисбатан жаҳон талабларининг тушиб кетиши экспорт ва саноат ишлаб чиқаришининг пасайишига олиб келди ва мазкур соҳалардаги қисқариш ноябрь ойида тахминан ўтган йил билан таққослаганда 9 фоизни ташкил этди.

Ҳиндистонда охирги учта молиявий йилда иқтисодий ўсиш даражаси 9 фоиздан пастга тушгани йўқ. Сентябрь ойида юзага келган глобал кредит инқирозидан сўнг иқтисодий фаоллик кўрсаткичлари пастга шўнғиди. Октябрь ойида сўнгги 15 йил мобайнида биринчи марта саноат ишлаб чиқаришдаги кўрсаткичлар пасайиб кетди. 2003-2007 йилларда глобал иқтисодий ўсишнинг локомативларидан бири бўлган Хитой иқтисодиёти ҳам жаҳон иқтисодий инқирози ҳамда Чин маҳсулотларига нисбатан талабнинг тушиб кетиши оқибатида иқтисодий оқсоқланишни бошдан кечира бошлади. Саноат ишлаб чиқариш суръатларининг тушиб кетиши кўп йиллардан буён кузатилмаган мамлакатда 2008 йилда умумий иқтисодий ўсиш 9 фоизга ортга қадам ташлади.

Бундан хулоса шуки, БРҲҲ таркибидаги бирорта давлат ҳам инқирознинг салбий таъсиридан қочиб қутилолмаган. Ушбу мамлакатларда ўсиш суръатларининг секинлашуви ва умумий иқтисодий вазиятнинг ёмонлашувида асосий омил сифатида экспортга чиқариладиган хомашё ва саноат маҳсулотларига нисбатан талабнинг тушиб кетгани, капитал оқими билан боғлиқ салбий ҳолат ва ички кредит инқирози оқибатида юзага келган сармоя муаммоларини кўрсатиш мумкин. БРҲҲ мамлакатлари булар билан боғлиқ тарзда аллақачон жиддий ижтимоий-иқтисодий муаммоларга дуч келиб улгурди. Уларнинг энг асосийси ишсизлик даражасининг ортиб боришидир.

БРҲҲнинг барча мамлакатлари аллақачон инқирозга қарши дастурлар қабул қилишган. Жумладан, Хитойда ушбу мақсадларни амалга ошириш учун 586 миллиард доллар (инфратизимга сармоя киритиш, солиқларни камайтириш ва ижтимоий мақсадлар учун), Россия 20 миллиард доллар (солиқларни камайтириш ва бошқалар), Ҳиндистон 4 миллиард доллар, Бразилия 3,6 миллиард доллар (солиқларни камайтириш ва истеъмол кредитлари учун) ажратган. Мутахассисларнинг фикрича, Ғарб ва Япониядаги оғир вазият БРҲҲ мамлакатлари иқтисодиётига салбий таъсир ўтказиши мумкин. Вазиятнинг мураккаблигига қарамай, БРҲҲ давлатларида олиб борилаётган бугунги ислоҳотлар Халқаро валюта фонди томонидан ҳам юқори баҳоланган. Мазкур ташкилот маълумотларига кўра, 2009 йилда Хитойда иқтисодий ўсиш даражаси 6,75 фоиз, Ҳиндистонда 5 фоизни ташкил этади (Бразилияда турли маълумотларга кўра 1,5-2 фоизга етиши мумкин, Россияда расмий маълумотларга кўра 0 атрофида). Солиштириш учун ХВФнинг ривожланган мамлакатлар бўйича башоратларини кўриб чиқиш мумкин. АҚШда иқтисодий пасайиш 1,5, Европа ҳудудида 2, Японияда 2,5 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Таъкидлаш лозимки, ҳукуматимиз томонидан ўтган йиллар давомида мазкур тўртта давлатлар билан нафақат ижтимоий-сиёсий балки, маданий-маърифий, айниқса, иқтисодий соҳада кенг ҳамкорлик алоқалари олиб борилмоқда, турли соҳаларда кўплаб лойиҳалар амалга оширилаётир. Мазкур йирик давлатлар орасида Россия, Хитой ва Ҳиндистон бизнинг деярли ён қўшнимиз бўлганини инобатга олсак, ҳамкорлик ришталари янада узоқ йилларга бориб тақалади. Бугунги молиявий-иқтисодий инқирозга қарамай, ушбу давлатлар ўртасида маҳсулот айрибошлаш, қўшма корхоналар фаолияти муваффақиятли равишда давом этаётгани аҳамиятга молик. Кузатувчиларнинг фикрича, айни шундай ҳолат ҳам Ўзбекистон учун янада қўл келиши шубҳасиз.

Тўғри, аксарият экспертлар 2009 йил барча давлатлар учун ҳам қийин бўлишини тахмин қилмоқда. БРҲҲ ва тез ривожланаётган давлатлар учун инқироздан чиқиш кўп жиҳатдан валюта ва хомашё бозорларидаги вазият билан боғлиқ. Айрим фикрларга кўра, тикланиш имконияти моноэкспортга боғлиқ бўлмаган давлатларда кучлироқ бўлади. Бу жиҳатдан Хитой, Ҳиндистон, Бразилия каби мустаҳкам иқтисодий асосларга эга давлатлар бошқаларга нисбатан инқироздан тезроқ чиқиб кетиши мумкин.

Ғарб мутахассисларининг таъкидлашларича, ривожланган дунёнинг асосий марказлари ҳамда БРҲҲ мамлакатлари ўсиши орасидаги тафовут ҳамон каттадир. 2007 йилда БМТ маълумотларига кўра, АҚШ, ЕИ ва Япония ҳиссасига жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 66 фоизи, БРҲҲ ҳисасига эса бор-йўғи 12 фоизи тўғри келган. Истеъмолдаги тафовут эса янада катта: БРҲҲ мамлакатларидаги оилавий истеъмол жаҳон истеъмолининг 10 фоизини ташкил этади, халос. АҚШ, ЕИ ва Японияда эса бу кўрсаткич 68 фоиздир. Кўриниб турибдики, орадаги фарқ бирмунча катта. Аммо дунё аҳолисининг 4/2 қисмини ташкил этадиган, йилдан-йилга ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий соҳада тобора юксалиб бораётган мазкур тўрт давлат жаҳон иқтисодиётига етарлича таъсир ўтказиш имкониятига эга бўлиб бормоқда. Кузатувчиларнинг фикрича, БРҲҲ томонидан олиб борилаётган инқирозга қарши чоралар қанчалик самара берса, жаҳон иқтисодиёти шунчалик тез тикланади.

БРҲҲ мамлакатлари асосан Америка истеъмолчиларига мўлжалланган маҳсулотлар экспорти билан шуғулланиб, бунда капиталнинг оқиб кириши ва хомашё маҳсулотларининг юқори нархларини таъминлаб келарди.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Янги вирус

Мексикада бошланган H1N1 вируси тез орада Европага ҳам тарқалмоқда.



Гриппнинг бундай янги тури дастлаб Мексикада аниқланиб, бу ерда юздан ортиқ одам ҳалок бўлган. Шунинг учун ҳозирдан аксарият мамлакатлар томонидан янги гриппга қарши чоралар кўрилмоқда. Хусусан, барча вокзаллар, аэропортларда Жанубий ва Шимолий Америкадан келаётган фуқаролар тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Бу ҳақда баёнот билан чиққан Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти дунё аҳлини хавотирга тушмасликка чақирган. H1N1 вируси билан касалланганлар Европанинг қатор давлатлари, АҚШ ва Канадада қайд этилган.

Президентлик сайловлари бўлиб ўтди

Эквадорда ўтказилган президентлик сайловларида амалдаги давлат раҳбари Рафаэл Корреа қарийб 55 фоиз овоз тўплаб, ғалаба қозонган.



Унинг сайловдаги рақиби Ватанпарварлик жамияти партиясидан номзод Лусио Гутьерресга сайловчиларнинг 29 фоизи овоз берган. 3-ўринни эса миллионер, банан савдоси бўйича магнат Альваро Нобоа эгаллаган. Рафаэль Корреа Эквадорда Куба ва Венесуэла сингари иқтисодий ва социал ислоҳотлар ўтказиш тарафдори. Мамлакатда давлат бош ислоҳотчи сифатида фаолият юритиб, шу орқали аҳолининг турмуш даражасини оширишни маълум қилган.

Пахомов Сочи мэри

Сочи мэри лавозимига ўтказилган сайловларда «Ягона Россия» партиясидан номзод Анатолий Пахомов ғалаба қозонган.



ИТАР-ТАСС хабарига кўра, А.Пахомов сайловчиларнинг 77 фоиз овозини тўплашга муваффақ бўлган. Россия ҳукумати учун мазкур сайловнинг аҳамияти жуда катта эди. Боисики, Сочи мэрлигини эгаллаган шахс 2014 йилги қишки Олимпиада ўйинларига қадар тайёргарлик ишларига бош-қош бўлади. Бу борада барча ташкилий ишларга жавобгар ҳам саналади. 48 ёшли Пахомов бундан аввал Анапи шаҳри мэри бўлган.

Беш йиллик тажриба

Кўк чой ичиш керакми, ё қора? Бу борадаги баҳслар ҳамон тингани йўқ. Бу сафарги илмий хулосалар эса кўк чой ихлосмандлари фойдасига ҳал бўлди.

Яқинда Хитой олимлари кўк чойнинг ортиқча вазндан халос қилиш хусусиятига эга эканлигини аниқладилар. Мазкур хулоса Нанкин шаҳри педиатрия институтида олиб борилган беш йиллик изланишлар натижасидир. Маълум бўлишича, кўк чойнинг кўплаб турлари таркибида полифенол моддаси мавжуд бўлиб, у организмдаги ёғ тўқималарини парчалашга, метаболизм жараёнининг тезлашишига кўмаклашади. Буни қарангки, оромкурсида ўтирволиб чой ичиш йўли билан ҳам озиш мумкин экан. Тўғри, кўк чойнинг бир қанча фойдали жиҳатлари маълум. Лекин ҳатто Хитойда ҳам унинг оздирувчи хусусияти энди кашф этилди.

Интернет хабарлари асосида Садоқат ДАВРОНОВА тайёрлади

РАНГИН ДУНЁ

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, "Milliy tiklanish" мухбири

Гватемала — ранглар уйғунлиги акс этган давлат

Гватемала (исп. Guatemala) — Марказий Америкадаги миллий колорит халқ руҳиятида чуқур акс этган давлатлардан бири ҳисобланади. Айтишларича, миллийликка йўғрилган манзарани унинг оддий кунида ҳам пайқаш мумкин. Негаки, ҳатто кийим-кечак учун аталган матолар ҳам нақшинкорлиги ва турфа ранги билан ажралиб туради. Қўшни давлатларда бу ердагидек жозибали матоларни топиш амри маҳол. Бундай ўзига хос ёрқинлик маялар цивилизациядан мерос бўлиб қолган.



Тарихий манбаларга кўра, Гватемалада эрамиздан аввалги 1 минг йилликда майялар цивилизациясига асос солган ҳиндулар истиқомат қилишган. 1525 йилда испанлар бу ерни забт этганидан сўнг, унинг маданияти ва ривожланишида туб ўзгаришлар рўй беради. Ўша пайтларда "киче" қабиласи истилочи испанларга қатъий қаршилик кўрсатгани боис, бу қабила ҳозирга қадар миллий ўзлигини йўқотмаган.

1773 йили Антигуа шаҳри ("Антигуа" сўзи "эски", "олдинги" маъносини билдиради)да кучли зилзила рўй бериши оқибатида батамом вайронага айланади. Зилзиладан сўнг шаҳар ҳокими аҳолига шаҳарни тарк этишни буюради. Бироқ маҳаллий аҳоли туғилиб ўсган юртларидан кетмай, уни асраб-авайлашга ҳаракат қилади. Орадан ярим аср ўтгач, кофе етиштириш йўлга қўйилганидан сўнг шаҳар сезиларли даражада ривожлана бошлайди. Бу ўз навбатида бунёдкорлик ишлари учун туртки бўлади. Вақт ўтган сайин шаҳар очиқ осмон остидаги музейга ўхшаб қолади. Гватемалаликларнинг айтишича, шаҳарнинг қадимги кўринишини сақлаб қолишнинг ўзи ҳам бир мўъжиза бўлган.1960 йилда эса ҳукумат Антигуа шаҳрини ҳимоя этувчи қарор чиқариб, у ерда замонавий қурилишлар олиб боришни таъқиқлаб қўяди. Қадимги кўринишини асраб қолган шаҳар 1979 йилда континент бўйича биринчилардан бўлиб ЮНЕСКО рўйхатига киритилади.

Гватемалаликлар учун энг муҳим ва миллий анъанага айланган Пасха байрами — ўз драматургияси, режиссурасига эга. Театрлаштирилган саҳнада мингга яқин киши иштирок этади. Аслида диний маросим бўлган ушбу жараёнда томошабинлар ўзларини жуда хушчақчақ ва сурурли байрамда иштирок этаётгандек ҳис қилиб, бутун эътиборларини унга қаратишади.

Энг қизиғи, байрамда ҳар бир оила гул ва унинг барглари-дан турли-туман гилам тўқиб, уни хонадонлари остонасига ёйишади. Гарчи байрамда на мукофот ёки на бир совға берилмаса-да, шаҳар бўйича "Энг чиройли гилам тўқиш" конкурси ўтказилади. Гуллардан гилам тўқиш ниҳоятда нозик ва машаққатли иш бўлиб, гватемалаликлар уни меҳр билан худди мой бўёқда чизилган тасвирдек яратишга ҳаракат қилишади. Зеро, бу гиламлар нафақат танлов учун, балки ўтказиладиган маросимда муҳим аҳамият касб этади. Бир неча ҳафта давомида тайёргарлик кўрган аҳоли байрамнинг тўртинчи кунида тўқиган гиламини эрта тонгда шаҳар кўчаларига ёйишади. Бунда бир-бирига ўхшаш гиламлар деярли учрамайди. Негаки, маялар афсоналарида айтилишича, бутун дунёдаги бор ранг ва нақш ана шу гиламларда акс этиши лозим. Ҳар бир оила кечки нонушта атрофида қўшиқ куйлаб, "бу сафар қандай ранг ва нақш билан қўшниларни лол қолдирсак экан", деб ўзаро маслаҳат қилишади. Дарвоқе, гуллардан маҳорат билан тўқилган гиламларнинг қай бирининг томошабини кўп бўлса ана шу гилам эгаси ғолиб деб топиларкан.

Қачонлардир бу байрамда фақатгина саноқли киши иштирок этган. Ҳозир эса минглаб одамлар шаҳар бўйлаб юриш уюштиришади. Гватемалаликлар байрам иштирокчиларини бошларига ниқобли қалпоқ кийишгани учун "кукуручос"лар("ниқобдагилар") деб аташади. Бундан ташқари байрамда турли театр саҳналари, қоғоздан ясалган декарациялар намойиш этилади. Байрамга махсус кийимлар тикилиб, "Бутик кукуручос" деб номланган дўконларда сотилади. Ёғоч устундан ясалган саҳна ниҳоятда катта ва оғир бўлгани учун шаҳар кўчалари бўйлаб олиб ўтишда бир қанча ноқулайликларни келтириб чиқаради. Маҳаллий ҳукумат байрам чиройли ва бехавотир ўтишини таъминлаб шаҳарда бир қанча ўзгаришлар қилишган. Ҳатто, бир неча йил аввал шаҳарнинг электр симларини ер тагидан ўтказишган экан.

Байрам чоғида Антигуа шаҳрида ҳамма меҳмонхоналар маросимни томоша қилгани келган сайёҳлар билан лиммо-лим бўлади. Шаҳарда кун бўйи оркестр куй чалсада, меҳмонлар бундан ажабланишмайди. Саҳна намойиши ўтиб бўлганидан сўнг кўчалар сувенир ва бир қанча майда-чуйда сотувчи савдогарлар билан тўлиб тошади. Якшанбага қадар байрамнинг ҳамма маросимлари ўтказилиб бўлинади. Меҳмонлар тарқаганидан сўнг, шаҳар кўчалари ташлаб юборилган турли-туман гуллардан поёндоз ёзади... Бир йил ўтиб кетганини англаган антигуаликлар яна кейинги йилнинг байрамини нишонлаш учун аста-секин тараддуд кўра бошлайдилар.

ВАТАН МАНЗАРАЛАРИ

Бирлашган ўзар

ЖАРАЁН

янгиариқликлар барча соҳада халқимизнинг ана шундай нақлига амал қилишмоқда



(Давоми. Боши 1-бетда)

АЁЛ БОРКИ, ОЛАМ МУНАВВАР

Дарҳақиқат, бугунги аёл нафақат она, уй бекаси, балки муносиб раҳбар, оддий ишчи, сенатор, олима, депутат, бир сўз билан айтганда уни ҳозир деярли барча соҳаларда кўриш ва кузатиш мумкин. Эътироф этиш жоизки, айниқса мустақилликдан кейин унинг жамиятдаги мавқеи ва нуфузи бир неча баробар юксалди.

Биз аёллари улуғланаётган, қадрланаётган жамиятда яшаяпмиз. Шу боис ҳам дастлаб Янгиариқ туманида аёлларга яратилаётган шарт-шароит, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, умуман бу борада амалга оширилаётган ишлар билан қизиқдик.

— Туман аҳолисининг деярли ярмини аёллар ташкил этади. Бу жуда катта куч,- дейди туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Зуҳрахон Мадраҳимова. — Бизнинг асосий вазифамиз ана шундай катта кучдан унумли фойдаланишдир. Бунинг учун нималарга эътибор бераяпмиз? Биринчи навбатда хотин-қизлар билан турли мавзуларда суҳбатлар, қизиқарли учрашувлар уюштирамиз. Ана шундай жараёнда аёллардан кўплаб таклиф ва мулоҳазалар тушмоқда, муаммоларни ҳам биргаликда ечишга ҳаракат қилаяпмиз.

Тумандаги 126 та бошланғич хотин-қизлар ташкилоти раисларининг 60 фоиздан зиёдини олий маълумотли аёллар ташкил этади.



Шу мақсадда туманда бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказиб келинмоқда. Ўтказилган ярмаркаларда жами 663 нафар фуқаро қатнашиб, уларнинг ярмидан кўпи иш билан таъминланди. Ёшлар масаласи ҳам доимий диққат-эътиборимизда. 2008 йилда коллежни битирган 767 нафар йигит-қизлар иш билан таъминланди.

Аёлларга ўз ҳақ-ҳуқуқларини танитиш ва тушунтириш мақсадида туман Маънавият тарғибот маркази бўлими, хотин-қизлар қўмитаси, ҳуқуқшунос аёллар кўмагида "Аёллар ҳуқуқлари", "Оилада аёлнинг тенг ҳуқуқлилиги" каби мавзуларда ҳар ойнинг биринчи ҳафтасида туманнинг барча ҳудудларида учрашув, давра суҳбати ва семинарлар ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги Қарорини бажариш борасида ҳам кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Ўтган йилги маълумотларга қараганда, 2008 йилда никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш чоғида 442 нафар никоҳланувчи шахсларда турли хил касалликлар борлиги аниқланиб, уларнинг барчаси соғломлаштирилди. Энг муҳими, бу билан тўйдан кейин пайдо бўлиши мумкин бўлган бир қанча кўнгилсизликларнинг олди олинди.



Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш борасида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Фармонга асосан тумандаги 46 та маҳаллада 21 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими тайин этилди, унда ҳозир обрў-эътиборли, кўп йиллик ҳаёт ва меҳнат тажрибасига эга, эл назаридаги аёллар фаолият олиб бормоқда. Уларга барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Маслаҳатчилар ёш оилаларга ёрдам бериш, қизларни турмушга тайёрлаш, нотинч оилалар билан доимий алоқада бўлиш, аёллар ўртасида турли хил жиноятлар содир бўлишининг олдини олиш, ҳар хил кўринишдаги экстремистик оқимларга қарши кураш, аёлларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини таниш ва ҳимояланишида маҳаллага яқин кўмакчи бўлиб қолдилар. Тумандаги қишлоқларда яшайдиган хотин-қизларни сиёсий ва ижтимоий фаоллигини ошириш, иш билан таъминлаш, моддий фаровонлигини юксалтириш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги муносабати билан туманимиздаги энг жонкуяр ва фаол аёллардан бири, Гулобод қишлоғидаги "Сабурзон" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчиси Зеваржон опа Матёқубова 2-даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан тақдирланди.

Туманнинг Охунбобоев қишлоғи, «Шихбоғи» маҳалласида туғилган Зеваржон опа Матёқубованинг асл касби ўқитувчи. Фаолиятини оддий ўқитувчиликдан бошлаб, кейинчалик ўн икки йил директор вазифаларида ишлаган Зеваржон опа айни дамда Гулобод қишлоғидаги "Сабурзон" маҳалласида маслаҳатчи бўлиб ишлаяпти. Суяги меҳнатда қотган, ҳали ҳам тиниб тинчимайдиган опага кўпчиликнинг ҳаваси келади. Маҳалладаги бирор бир йиғин, тўй-ҳашам, маърака опанинг иштирокисиз ўтмайди.

— Сизни маҳалладаги каттаю кичик ҳурмат қилар экан, бунинг сири нимада?, - деб сўраймиз опадан.

— Ўқитувчи эмасманми, ҳаётда ёзувчи А.Чеховнинг инсонда ҳамма нарса гўзал бўлиши керак, деган гапига амал қилдим. Ўзимда сўз ва иш бирлигини таъминлашга интилдим. Ўқитувчилик фаолиятимда ҳар доим тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлиши керак деб ўйладим ва шу сабаб ўз устимда тинмай ишладим. Бугун ана шундай тарбиямни олган собиқ ўқувчиларимни кўриб қувонаман, улар эришаётган ютуқлардан фахрланаман.

Тақдир Зеваржон опани ортиғи билан сийлаган десак янглишмаймиз. Турмуш ўртоғи қўли енгил жарроҳ Исмоил ака Рўзметов опанинг энг яқин ёрдамчиси, маслаҳатчиси.

— Иш фаолиятимда ҳам, болалар тарбиясида ҳам мен у кишининг кўмакларини доимо ҳис қилиб турганман,- дейди Зеваржон опа. Оилани муқаддас билган, беш ўғилни тарбиялаб, олий маълумотли ва энг муҳими эл корига ярайдиган инсон қилиб вояга етказган бу оила бугун кўпчиликка ибрат.

ЗАМАҲШАРИЙНИНГ ЎҚУВЧИЛАРИ

Тунмандаги Замаҳшарий номли 11-сон ихтисослаштирилган мактаб-интернатидамиз. У ихтисослашган мактаб-интернат мақомини 1993 йилда олган экан. Синф хоналари бир-биридан озода, шинам ва ёруғ. Бу ерда ўқитувчилар танлов асосида ишга қабул қилинар экан.

2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида 2005 йил сентябрь ойида 210 ўринли қўшимча ўқув биноси қурилиб, ишга туширилди. Кимё, биология, физика, лаборатория, компьютер, лингафон хоналари ташкил этилиб, уларнинг бари энг сўнгги русумдаги ускуналар билан жиҳозланди. Мактаб-интернат Болалар спортини ривожлантириш вилоят бўлими томонидан 6 млн. 234 минг сўмлик спорт анжомлари билан таъминланди.

Ҳар бир машғулот замонавий педагогик технологияларга асосланган ҳолда ўтилаяпти. Бунинг самараси ўлароқ мактаб-интернат ўқитувчиларидан М.Матқурбонова ва Х.Яқубованинг иш тажрибаси туман, Г.Жуманиёзова ва М.Муродованики эса вилоят миқёсида оммалаштирилди.

Маълумотларга кўз югуртирамиз: 1993 йилда ташкил этилган мактаб-интернатини 2008 йилгача жами 1054 нафар ўқувчи битирган. Ва уларнинг 921 нафари олий ўқув юртига кирган. Бу жуда юқори кўрсаткич. Мактаб ўқувчилари бир неча йиллардан буён туман ва вилоят миқёсида ўтказилаётган фан олимпиадаларида фаол иштирок этиб, пешқадамликни қўлдан бермай келишаяпти.

Масалан, тарих фани олимпиадасининг Республика босқичида қатнашган Н.Ярашев биринчи даражани қўлга киритиб ДТМнинг тест синовларисиз Тошкент Давлат юридик институти талабаси бўлди. Математика фанидан беллашган А.Ибрагимовга фахрли ўрин насиб этди. У республикамизнинг жаҳон олимпиадачилари командасига қабул қилинган. 2006 йилда Словения давлатида ўтказилган олимпиадада муваффақиятли иштирок этди.

Мактабдан бир эмас, икки нафар ўқувчи — Д.Жумаева ва Ё.Эрназарова Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси бўлдилар.

Мактаб-интернатининг бундай улкан ютуқлари сири билан қизиқдик.

— Ҳамма гап кадрларни тўғри танлай билишда,- дейди мактаб директори, тажрибали педагог "Халқ таълими аълочиси", "Мустақилликнинг 15 йиллиги" кўкрак нишондори, вилоят кенгаши депутати Шержон ака Қўчқоров. — Мактабимиз 1993 йили ихтисослаштирилган мактаб-интернат мақомини олгач, энг аввало кадрлар масаласига эътибор қаратдик. Ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг ўқитувчиси ҳам шунга яраша, салоҳиятли, билим доираси ва дунёқараши кенг бўлиши керак деб ўйладик. Танлов асосида энг кучли мутахассис ўқитувчилар танлаб олинди. Бугун изланишларимиз бекор кетмаганидан қувонаман.

ЕРНИ БОҚСАНГ, ЕР СЕНИ БОҚАДИ

Президентимиз ташаббуси билан 2009 йилнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб аталиши соҳага алоқадор мутасадди ташкилот, корхоналар зиммасига бир қатор вазифаларни юклади. Жойларда айни пайтда қишлоқ қиёфасини тубдан ўзгартириш, у ерда ҳам шаҳардаги каби шароит яратиш, мавжуд муаммолар ечимини топиш, кўркам қишлоқлар яратиш, замонавий иншоотлар барпо этиш ишлари қизғин давом этмоқда.

Ўтган йилги қурғоқчилик Янгиариқ деҳқонлари учун катта қийинчилик туғдирди, десак муболаға бўлмайди. Лекин деҳқонлар руҳини чўктирмади.

«Ҳолва пиш оғзимга туш» деган билан оғиз чучимайди. Ҳамма бир тан-бир жон бўлиб вазиятдан чиқишга, йилни зарарсиз якунлашга ҳаракат қилди.

Оғир дамлар ортда қолди. Янгиариқлик деҳқонлар яна бир бор тобланди. Биз ана шундай синовларни бошдан кечирган деҳқон фермерлар билан суҳбатлашишга, уларнинг кайфиятларини билишга қизиқдик.

— Фермер хўжалигимизнинг ташкил топганига кўп бўлгани йўқ. 2005 йилда 23 гектар ер билан иш бошлаган эдик,- дейди Орифхон Рўзибоев. — Йиллик режа ва мажбуриятларни ҳар йили ортиғи билан бажариб келаяпмиз. Ўтган йили давлатга 17,5 тонна ўрнига 18 тонна ғалла, 42 тонна ўрнига 57 тонна пахта топширдик. Йиллик даромадимиз 28 млн. бўлиб шундан 12 млн. соф фойда кўрдик. 23 гектар ерим ҳозир 59 гектар бўлди. Яна 25 та янги иш ўрни яратилди. 40 гектар ерга пахта, 16 гектар ерга буғдой экиб, режаларни ҳар йилгидан ортиғи билан бажариш ниятимиз бор. Туман "Агро банк" бўлимидан ҳар йили керак миқдорда имтиёзли кредит оламиз. Лизинга "Алтай" ва чопиқ тракторлари сотиб олишни мўлжаллаяпмиз.

Янгиариқ туманида ҳозир Орифжон акага ўхшаган фермерлар кўплаб топилади. Қишлоқ хўжалиги бўйича мутахассис бўлмаса-да, бироқ фермер бўлишга аҳд қилган ва бунинг уддасидан чиққан Одилбек Қурёзов ҳам бугун туманнинг энг илғор фермерлари сафидан жой олган. 2005 йилда 14 гектар ер билан иш бошлаган "Амру даврон" фермер хўжалиги ҳар йили режани ортиғи билан бажариб келмоқда. Ўтган йили 9 млн. соф даромад билан чиққан фермернинг ери бугун 50 гектарга етди. 22 нафар доимий ишчилари сони яна 15 нафарга кўпайди. 32 гектар ерга пахта, 14 гектар ерга ғалла экан Одилбек аканинг бу йилги ҳосилдан умиди катта.

— Газ соҳаси бўйича мутахассис бўлсангизда фермерликни қўрқмай бўйингизга олганингиз кишининг ҳавасини келтиради,- суҳбатга тортамиз фермер Одилбек Қурёзовни.

— Асли деҳқон боласиман. Қишлоқда катта бўлганман. Шунинг учун ерни тушунаман. Қишлоқ ҳавосидан нафас олиб, деҳқончиликни тушунмаслик йигит кишига уят.

Минг марта эшитгандан кўра, бир марта кўрган афзал, деб тўғри айтишган экан. Болалигидан отасидан ҳам назарий, ҳам амалий билимларни ўрганган Одилбек акадан кўпчилик фермерлар маслаҳат сўрашади. Одилбек ака бугун ўзидан ортиб кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш баробарида мактабгача таълим муассасаларига ҳомийлик ҳам қилмоқда.

Одилбек аканинг ютуқларига ҳавас қилса арзийди.

— Бугун биз фермерларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаётган мамлакатимиз раҳбарига ҳар қанча раҳмат айтсак кам. «Агро банк» туман филиаллари техника сотиб олиш, етиштириладиган ҳосил учун имтиёзли кредит беришда бизга барча имкониятларни яратиб бераяпти.

Одилбек ака "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"га муносиб ҳисса қўшиш ниятида маҳаллада тўйхона қуриш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида тикувчилик цехи очиш, ҳомийлик ёрдамларини янада кўпайтиришни режалаштириб юрибди.

— Ўтган йили туманимиз сувсизлик муаммосидан қийналган бўлсада, лекин ҳеч кимнинг руҳи чўкмади,- дейди Янгиариқ туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошлиғи Матёқуб ака Оллоберганов. — Сувсизлик муаммосининг олдини олиш мақсадида томчилатиб суғоришни жорий қилиш учун Хитойдан технологиялар олиб келишни режалаштираяпмиз. Бу борада барча мутасадди ташкилот ва банклар билан боғлиқ зарур ҳужжатлар тайёрланмоқда. Муаммони яқин кунлар ичида бартараф этиш учун ҳаракат қилинмоқда.

Халқимизда «Бирлашган ўзар», деган мақол бор. Бу мақолни айнан янгиариқликлар учун ишлатсак хато қилмаган бўламиз. Биз қаерда бўлмайлик, ким билан суҳбатлашмайлик уларнинг бир ёқадан бош чиқариб ишлаётганига амин бўлдик.

tR

ЎГИТ

Зору ҳасрат чекса ким, бемор эрур,
Кимки бемор, уйқусиз, бедор эрур.

* * *

Кимки бедордир, дилида дарди бор,
Кимки огоҳдир, юзида зарди бор.

БИЛАСИЗМИ?

Жазоирда "сиёҳ" билан лиқ тўла кўл бор. Кўл суви билан қоғозга бемалол ёзса бўлади. Айтишларича, кўлда "сиёҳ" ҳали бери тугамаслиги аниқ экан.

* * *

Саҳрои Кабирдаги Тегаз шаҳрида катта-катта тузли тошлардан қурилган уйларни учратиш мумкин. Чунки, у ер дунёдаги энг қуруқ макон ҳисобланади: ёмғир умуман ёғмайди.

ТУРФА ОЛАМ

Энг қадимги буюм

Малайзиянинг илмий университети олимлари мамлакатнинг Перак ҳудудида олиб борилган қазилма ишлари чоғида энг қадимги тош болта ва тош аррани топишган.



Токио шаҳридаги геохронологик лабораторияда ўтказилган тадқиқотда топилманинг ёши аниқланган. Археологик гуруҳ раҳбари профессор Мохтар Саидиннинг таъкидлашича, тош болта тахминан 1,83 миллион ёшда бўлиб, у Жанубий-Шарқий Осиёнинг энг қадимги маданиятидан дарак беради. Унга қадар эса Грузиядан топилган 1,6 миллион ёшли буюм энг қадимги деб ҳисобланар эди.

Ўлмас медуза

Олимлар доимий двигателни ихтиро қилишмаса-да, қарангки, ўлмас жонзотни — гидроид Turritopsis nutriculani аниқлашди.



Бу 4-5 миллиметрлик медуза бўлиб, у ўзини доимий ёшартириш хусусиятига эга экан. Олимларнинг таъкидлашича, у қариш жараёнидан яна энг олдинги ҳолатига қайта олади. Шунингдек, у буни бир марта эмас, балки бир неча бор такрорлаши натижасида умрбоқий жонзотга айланган. Биолог олим ва генетиклар учун бу оламшумул янгилик бўлди. Негаки, қариш жараёнини ўрганиш борасида бу медуза муҳим материал ҳисобланади. Демак, келажакда инсоннинг қариш жараёнини ўрганиш борасида яна бир имконият туғилди десак ҳам адашмаймиз.

Механизм хотираси

Механизм эслаб қолишга қодирми? Компьютер эмас, балки айнан механизм.



Maurice Lacrix компанияси "Memoire1" механизмли соатга хотира функциясини киритиб бу саволга жавоб бера олди. Соатнинг бир режимдан иккинчи режимга ўтиши учун бир дона тугмадан фойдаланилади. Шунингдек, бошқа режимга ўтган дақиқа ва сония стрелкалари янги ҳолатга ўтсада, эски механизмни эслаб қолади ва қанча вақт бошқа режимда ишлаганини кўрсата оларкан.

Ақлли глобус

География фани кимгадир қизиқарли бўлса кимгадир зерикарлидир.

Айниқса, мактаб ўқувчиларининг глобусдан бир нуқтани топиб, унга изоҳ бериши, бир мунча ноқулайликлар келтиради, дейди Oregon Scientific компаниясининг ходими. Бироқ, энди бу компания ихтиро қилган "SmartGlobe" номли интерфаол глобус болаларга анча енгиллик яратади. Глобуснинг стрелкаси хоҳлаган нуқтага бурилса у компьютерга уланганлиги боис ўша манзил ҳақида янгилик ҳамда умумий географик маълумотни бера олади. Шунингдек, глобус компьютер орқали интернет-сервисга боғланиб, географик маълумотларни доимий янгилаб тураркан. Афсуски, ҳозирча SmartGlobe фақат инглиз ва испан тилидагина маълумот бера олади.



М.ХУДАЙБЕРГАНОВА тайёрлади

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ:
«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:
Жалолиддин САФОЕВ

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун таҳририят жавобгарликни ўз бўйнига олмайди.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г-323, Адади — 4564

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: (8-371) 234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир: Исмат ХУДОЁРОВ
Навбатчи: Камолиддин ХОТАМОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 19.00.